

ИМОМИ АЪЗАМ

Асаарлар

Тошкент 2003

2
A95

ИМЮМЕДДИН

ИМОДЖИЙИ АДДИСИ ИЗ ПАКОРД

Любимые песни из фильмов
и мультиков, а также классические произведения
и песни из жизни. Продолжение популярной и известной
книги «Имоми Аззам Асарлари». Книга содержит
300 песен на 100 страницах. В книге есть
специальный раздел для записи имен и фамилий
читателей. Книга предназначена для детей и подростков.

ИМОМИ АЪЗАМ АСАРЛАРИ

ALISHER YUSOS NOMIDAGI
Toshkent TAU
AXBOROT-RESURS MARKAZI

806

«Movarounnahr»
Ташкент – 2003

Таржимон ва нашрга тайёрловчи
Абдурашид қори БАҲРОМОВ

Масъул муҳаррир
Абдуқаҳдор ШОШИЙ

Муҳаррир
Ҳомиджон ИШМАТБЕКОВ

Ношир
Юсуфjon МАҲМУДОВ

Кирилл ёзувидаги ва арабча
матнларни компьютерда терувчи
Раҳима КАРИМЖОН қизи

Босишига 29.08.2003 йилда рухсат этилди.
Босмахонага 8.09.2003 йилда топширилди.

Бичими 60x84 $\frac{1}{16}$. Адади 3000 нусха.

Фин газета қофози. 137-сон буюртма.

Тошкент шаҳар китоб-журнал фабрикасида чоп этилди.
Тошкент, Муродов кӯчаси, 1-уй.

МУҚАДДИМА

Аллоҳ таоло Қуръони каримда: «Аллоҳдан бандалари орасида уламоларгина қўрқурлар...» (Фотир, 28, мазмуни), деб ҳабар берган. Шунингдек, Пайғамбаримиз, алайҳис-салом: «Аллоҳ бирор бандасига эзгуликни истаса, уни динда фикҳ (фиқҳ илми олими) қиласди», «Аллоҳ ҳар юз йил бошига Ушни динини янгилаб турадиган зотни юборади», дегандар.

Ушбу ояти карима ва ҳадиси шарифларда айтилган таъриф бизнинг имомимиз: суннийларнинг пешвоси ва дунёнинг кўп мамлакатларида, хусусан, Ўрта Осиё жумҳуриятлари, Ироқ, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Узок Шарқдаги Индонезия, Малайзия каби йирик мамлакатлардаги мусулмонларнинг диний-ижтимоий ҳаётларида ўн учардан бери мусулмонлар тутиб келаётган ҳанафий мазхабининг асосчиси Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳга ҳам тегишли десак, ҳеч муболага қилмаган бўламиз. Бу зоти шарифнинг фикҳ илми ривожига қўшган буюк ҳиссасарини таърифу тавсиф қилишга қалам ожиздир. Зоро, ҳижрий сананинг иккинчи юз йиллиги бошидаёқ етук олим бўлиб этишган Абу Ҳанифа шариат аҳкомларини истинбогт қилинча замондош уламоларнинг тафаккурига келмаган усулини Ислом оламига тақдим қилдилар. У ҳам бўлди, Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифларда учрамайдиган ҳаётий масалаларни «раъй» ва «қиёс» усули билди ҳал этиш эди. Бу фикҳ илмида оламшумул воқеа будди. Бутун дунё фуқаҳолари шу кунга қадар ўзларининг илмий, назарий ва амалий фаолиятларида ундан самарали фойдаланиб келмоқдалар.

Фикҳ фанининг тараққиётига муносиб ҳисса қўшган кўплаб алломаю уламолар Имоми Аъзам раҳматуллоҳи

алайхни буюк устоз деб биладилар ва чуқур хурмат-эҳтиром билан тилга оладилар. У зоти шарифнинг бой меросларини ўрганиш ва омма орасида тарғибу ташвиқ қилиш билан Ислом оламидаги кўпгина тадқиқот марказлари ва исломий муассасалар мунтазам шуғулланиб келмоқда. Бағдоддаги Имоми Аъзам институти олиб бораётган изланишлар ва «Имоми Аъзам куллияси» номли ойнома саҳифаларида эълон қилинаётган қатор илмий мақолалар фикримизнинг ёрқин далилидир.

Ўрта Осиё жумхуриятлари, жумладан, Ўзбекистон диёрида истиқомат қилаётган мусулмонларнинг қарийб ҳаммаси ҳанафий мазҳабига мансуб эканлиги барчамизга маълум. Афсуски, илгари мазҳабимизнинг асосчиси Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайхнинг илмий ва амалий фаолиятларини чуқурроқ ўрганиш имкониятидан маҳрум эдик. Зеро, куфр мағкураси ҳукмрон бўлган ва маънавий зулм ниҳоятда авжига чиққан замонларда диний ибодатларни эмин-эркин адо этиш амримаҳол эди. Истиқлол шарофати билан бугунги кунда, мазҳабимиз асосчисининг илмий ва амалий фаолияти билан кенг оммани яқиндан танишитириш баҳтифа мусассар бўлдик. Ул зоти шарифнинг мазҳабларини чуқурроқ ўрганиш ва ўзига хос хусусиятларини тарғиб қилиш ва кенг жамоатчилик онгига сингдирин шамон тақозосидир.

Имоми Аъзамнинг (р.а.) имону эътиқод масалаларига дахлдор ўта аҳамиятли фикрларини яхши билмаслик баъзи бир ёшларимиз орасида бошқа мазҳабларга тақлид қилиш каби салбий ҳолатлар вужудга келишига ва оқибат натижада мусулмонлар ўртасида ихтилофлар пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда.

Ислом тарихидан маълумки, ихтилофлар ҳалқлар бошига қанчадан-қанча балою оғатлар ёғилишига олиб келган. Ихтилофчилик туфайли қатор саҳобаи киромлар, Пайтамбаримиз алайхиссалом авлодлари ва йирик уламои киромларнинг ноҳақ қатл этилишлари ва азобу укубатларга дучор бўлишлари бунга яққол мисолдир. Афсуски, ҳозир

хам бальзи бир ёшларнинг исломий билимларни тұла ўзлаштырматаң кимсалар таъсирига берилиб, бошқа бузук мазҳабтарға таққид қилиш ҳоллари учрамоқда.

Мақсадимиз ҳанафий мазҳабининг бошқа исломий мазҳаблардан афзал эканини исбот қилишга уриниш эмас. Еро, Имоми Аъзамнинг ўzlари: «Менинг далилларимдан күра күчлироқ далил топсангиз, менинг сўзларимни ненорға отинглар», — деб ошкора айтганлар. Мазҳаблариниң қайси бири афзал эканлигига баҳо бермоқ учун аввало, мужтаҳидлик мақомига, яъни Имоми Аъзам, Имом Модик, Имом Аҳмад ибн Ҳанбал, Имом Шофеъий каби мазҳаб исосчиларининг даражасига етмоқ ва уларнинг мазҳабларини ўзлаштириб, ўзаро бир-бирига таққослай олиш мислийини ҳосил қылмоқ зарурдир. Бундай даражага етмоқ учун, бизнинг умримиз кифоя қылмоғи амри маҳолдир. Ўттоши алайҳ, биз учун энг тұғри йўл Имоми Аъзамнинг (ра.) тизиб берган йўлларидан оғишмай юриш, у зотнинг курсатмаларини маҳкам ушлаш, уларни кундалиқ ҳосил татбик этишдан иборатдир.

Бундан 1235 йил муқаддам (милодий ҳисоб билан) Ироқининг пойтахти ва Араб халифалигининг маркази ғағдол шаҳрида фиқҳ илмининг қуёши, Ислом олами-диси энг йирик мазҳаблардан бири ҳанафий мазҳабининг исосчиси Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳнинг юракларин уришдан тұхтади. Бу воқеа Ислом тарихи саҳифаларда ва мусулмонлар қалбіда ўчмас из бўлиб қолди. Имоми Аъзамнинг вафотлари мусулмонлар учун нақадар катта шуғотини бўлгани у зотнинг жанозаларига эллик мингдан ортиқ мусулмонларнинг ҳозир бўлишидан кўриниб турадар эди.

Абу Ҳанифа куняси билан дунёга ном таратған зот (1006) асл исмлари Нўймон ибн Собит ибн Зуто ибн Моҳаммад. Тарих китобларининг хабар беришича, боболари Зуто ифтихарийлик форсийлардан бўлиб, Ҳазрат Али карралашып калып, ғалаба қилинган хизматкорлардан бири бўлган.

Арабларнинг одатлари бўйича ҳурмат ва эҳтиромнинг ифодаси сифатида бир-бирларининг исмлари билан эмас, балки, кунялари билан мурожаат қиласидар. Куня — «ота» ёки «она» деган сўз билан бошланади ва фалончининг отаси, фалончининг онаси деган маънони англатади, у лақаб эмас. Демак, Абу Ҳанифа дегани Ҳанифанинг отаси деганидир. Маълумки, Исломда халқларнинг тили, ирқи, жинси, ранги, миллати ва яшаш жойларининг турли бўлишидан қатъий назар мусулмонлар бир умумий ном билан, яъни «ҳанифий» миллати (ўз динида мустаҳкам турдиган миллат), деб аталади. Имоми Аъзам шу миллатга мажозий ота бўлганликлари сабабли у зотга Абу Ҳанифа, деб куня берганлар. У кишининг вафотларидан сўнг мазҳаблари мустақил мазҳаб сифатида шакллангач, уни ҳанифий мазҳаби ва унга тақлид қилган мусулмонларни «ҳанифийлар», деб юрита бошлаганлар. Имоми Аъзам (бузрук имом) номи билан шуҳрат қозонгандикларига келсак, сийрат фани мутахассисларининг сўзларига қараганда, Абу Ҳанифага замондош бўлган фуқаҳолар, уламолар ва ундан кейин ўтган йирик ва забардаст Ислом олимлари у зотнинг ҳақиқий мужтаҳид эканликларини эътироф этиб, у зоти шарифни «бузрук имом», деб атай бошлаганлар.

Тарихчиларнинг ривоят қилишларича, Имоми Аъзамнинг ilk устозлари Имом Жаъфар ас-Содиқ (80—148 x. c.) бўлган. Нўймон ибн Собит отадан эрта етим қолгач, у зотнинг оналари Имом Жаъфар Содиққа турмушга чиққанлар. Ёш Нўймон унинг ҳузурида таълим ва тарбия олган.

Имом Содиқ шиа мазҳабида эътиқод қилинадиган мўътабар ўн икки имомнинг олтинчисидир. У ўз замонасининг йирик олимларидан бўлиши билан бирга Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг набиралари, яъни Ҳазрат Алининг ўғли Имом Ҳусайннинг фарзанди бўлган. Унинг ҳузурида Имоми Аъзам ва моликий мазҳабининг асосчиси Имом Моликнинг дарс олганлари Имом Содиқнинг чуқур илмга эга бўлганликларидан далолатdir.

Тарихий китобларда Имоми Аъзам ҳақларида кўплаб

ривоятлар битилган. Жумладан, «Жомиъ ар-Румуз» китобининг муаллифи, Бухоронинг муфтийси бўлган Шамсуддин Муҳаммад ал-Хуросоний ал-Кўҳистоний (вафоти 950 ҳ.с.) ва «ал-Дурр ал-Мухтор» китобининг муаллифи Алоуддин ал Ҳаскафий (вафоти 1088 ҳ.с.) ўз асарларида бу ҳақда ҳадислар ривоят қилишган.

Бу Имоми Аъзам таваллудларидан бир аср муқаддам Найамбаримиз алайҳиссаломнинг у зоти шариф ҳақида ошиорат қилганлари эмасми...

Имоми Аъзам (р.а.) тобеинлардандир — саҳобалар билди учрашишга ва суҳбат қуришга мушарраф бўлганлар. Анас иби Молик, Абдуллоҳ иби Абу Авфо, Абу Амома, Ибн Аббос каби саҳобаи киромлар билан мулоқотда бўлганлари аниқ далиллар асосида исбот қилинган.

Ҳанафий мазҳаби мўътамад ва мўътабар мазҳаб бўлганларни учун ҳам унга нафақат фуқаҳолар, шунингдек, турли шоғириларда ва ўлкаларда яшаб ўтган пири муршиidlар, тартибат аҳли пешволари амал қилганлар. Жумладан, машҳур шоғирилардан Иброҳим Адҳам иби Мансур (вафоти 161 ҳ.с.), Донуд ат-Тойй (вафоти 125 ҳ.с.), Фузайл иби Аёз (вафоти 178 ҳ.с.), Шақиқ ал-Балхий (вафоти 194 ҳ.с.), Абу Язид ал-Бистомий (вафоти 261 ҳ.с.) ҳамда Абдул Холиқ Фиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд каби Ҳожагон силсиласининг барча пири муршиidlари ҳам ҳанафий мазҳабида бўлганлар.

Агарда биз башпарият тарихига назар солсак, ер юзида узор, муддат ҳукмроилик қилган аббосийлар, салжуқийлар, корғанийлар, усмонийлар ва темурийлар давлатни идора этишда ҳанафий мазҳабига асосланганликларининг шоғилии бўламиш. Ҳатто шофеъий мазҳабининг асосчилари, Имом Шофеъий ҳам Имоми Аъзам мазҳабига риоя қилиб топмоқда «Бисмиллоҳ...»ни овоз чиқармасдан айтганлари наил қилинган. Бу шубҳасиз, у зотнинг ҳанафий мазҳабига бўлган ҳурмат ва эҳтиромлари ифодасидир.

Мұдтарам китобхонлар! Бузрук имомимиз — Абу Ҳанифанинг ибратли ҳаётлари ва фаолиятлари ҳақида мұніммәл илмий матълумот бериш учун Ислом дунёсида эъти-

роф этилган «Ал-Ислом било мазоҳиб» («Мазҳабларсиз Ислом») номли китобнинг бир бобини араб тилидан таржима қилиб, сиз азиз ўқувчиларимиз эътиборига ҳавола қўймоқдамиз. Мазкур асар мисрлик Ислом олимни, исломий ҳуқуқшунослик фани доктори Мустафо Муҳаммад аш-Шакаъа қаламига мансубдир. Бу китобга юксак баҳо берид, Қоҳирадаги машҳур ал-Жомиъ ал-Азҳар университетининг собиқ ректори мархум Шайх Маҳмуд Шалтут муқаддима ёзган. Бундан ташқари, имомимизнинг маноқибларини баён қилишда юқорида зикр этилган «Жомиъ ар-Румуз»дан ташқари Имом Нававийнинг «Таҳзиб ал-Асмо», Мавлавий Абдулҳайнинг «Фавоид ал-Баҳия», Васлий Самарқандийнинг «Ал-Калом ал-Афҳам...», ҳуқуқшунос олим Субҳий Маҳмасонийнинг «Фалсафа ат-Ташриъ» китобларидан унумли истифода қилдик.

Имоми Аъзамнинг ушбу китобимиздан ўрин олган мактубу панду насиҳатлари, шунингдек, «ал-Олим ва ал-Мутааллим», «ал-Фиқҳ ал-Акбар», «ал-Фиқҳ ал-Абсат» асарларини ҳеч бир ўзгаришишсиз ва изоҳсиз (оддий сўзлар изоҳи бундан мустасно) бевосита араб тилидан ўзбек тилига ўгирилди.

Абдурашид қори БАҲРОМОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

ИМОМ АБУ ҲАНИФА

Мұхаққиқ фақих, фазилатли олим Собит ўғли Нұғаймон ҳижратнинг 80-йилида Куфа шаҳрида (Ирек) дунёга келди. У ёшлигиданоқ илм олишга маңкам бел боғлади ва шу билан бирга касби кор қилиш ҳаракатида ҳам бўлди. У таҳсили илмдан қолган вақтини бўз билан савдогарлик қилишга ажратди.

Абу Ҳанифа чуқур ва мукаммал илм ҳосил қилгач, таълим бериш ва масалаларни ҳал қилиш билан мунтазам машғул бўлди.

ИМОМИ АЪЗАМНИНГ ИЛМИ ВА ТАҚВОСИ

Абу Ҳанифанинг ҳаёти ва илмий фаолиятига бағишиланган манбаларда уни илмига амал қилувчи олим, парҳезкор обид, тақводор зоҳид, Аллоҳга доимий илтижо қилувчи камтарин банда сифатида таъриф қиласидар.

И мом Молик розияллоҳу анҳу уни фақат аниқ далилу ҳужжатларга суюнувчи беназир олим, деб тавсиф қилса, И мом Шофеъий розияллоҳу анҳу эса шундай деган:

— Фуқаҳоларнинг барчаси фиқҳ соҳасида Абу Ҳанифанинг шогирдидурлар.

Яхё ибн Муъин (ҳадис илмининг имомларидан, «Ат-Тарих ва ал-Илал», «Маърифат ар-рижол» каби машҳур асарлар муаллифи, Бағдодда яшаган, 233 ҳижрий санада Мадинада вафот этган) мен Қуръон тиловатида Ҳамзанинг (машҳур етти қорилардан бири) қироатига, аммо фиқҳда Абу Ҳанифа мазҳабига тақлид қиласан, деган.

Абу Ҳанифанинг босиб ўтган йўлига назар қилсак, комил инсон бўлмоқлик учун фақат чуқур илмга эга бўлишининг ўзигина кифоя қиласлигига, балки, илм би-

лан баробар Аллоҳга ибодат комилликнинг муҳим омили эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз. Бунга Абу Ҳанифанинг ҳоли яққол мисолдир. У бомдод намозига қилган таҳорати билан хуфтон намозини ўқиган. Бу ҳолат қирқ йил муттасил давом этган. Имом Абу Ҳанифага фас-соллик қилган Ҳасан ибн Аммора муборак жасадни фусл қилиб бўлганидан сўнг ёшли кўзлари билан майитга қараб, Аллоҳ сени ўз раҳматига олсин, гуноҳларингни мағфират қилсин, ўттиз йилдан бери рӯзадор экансан, қирқ йилдан бери бошинг юмшоқ ёстиққа етмаган экан, деб хитоб қилган экан.

АБУ ҲАНИФАНИНГ ҚОЗИЛИКИИ РАД ҚИЛИШИ

Юқоридаги гаплар Абу Ҳанифанинг парҳезкорлигига биргина мисол. Бу борада жуда кўп ривоятлар бор. Унинг ҳаёти тақво ва илмга асосланганлиги аниқ. Бу икки фазилат, яъни, тақво ва илм инсонга илоҳий илҳом, илоҳий файзу барака ва илоҳий сурур бахш этади. Шунинг учун Абу Ҳанифа беихтиёр бировга зулм қилиб қўйишдан кўрқиб қозилик мансабини қабул қилишга рози бўлмаган. Чунки ҳадислардан бирида, учта қозидан иккитаси дўзахга киради ва биттаси жаннатга дохил бўлади, дейилган. Ушбу ҳадис мазмунини юрагига жо қилиб олган Абу Ҳанифа, гарчи азобу уқубатларга дучор бўлишини олдиндан билса ҳам, қозиликдек буюк мансабни қабул қилишдан бош тортди. Марвон ибн Муҳаммад халифа бўлган даврда унинг Ироқдаги волийси Язид ибн Умар қозилик мансабини таклиф қилиш учун Абу Ҳанифани Куфага чақирилади. Аммо, у бу таклифни мутлақо рад қиласиди. Бундан фазабланган волий Абу Ҳанифани ҳар куни ўн даррадан уришга буйруқ беради. Уч кун давом этган бу азоб ҳам унинг иродасини бука олмайди ва шундан кейин волий уни ўз ҳолига қўйишга фармон беради.

Халифалик аббосийлар қўлига ўтгач, Бағдод халифаликнинг пойтахтига айланади. Халифа Абу Жаъфар Абдуллоҳ ал-Мансур Куфадан Абу Ҳанифани Бағдодга чақириради ва унга Русофа музофотига қози бўлишни таклиф қилади. Аммо, у бу таклифни ҳам рад этиши натижасида кўп машаққатларни бошидан кечиради. Абу Ҳанифанинг халифа билан қилган сұхбати унинг ақлу заковати, фаросатиу дониши, тақвою парҳезкорлиги нақадар юксак эканлигига далолат қилади. Абу Ҳанифа халифага қараб:

— Аллоҳдан кўрқинг, Аллоҳдан қўрқадиган банданинг сизга бўлган ишончини ҳурмат қилинг! Аллоҳга қасамки, мен аччиғим чиқмаган пайтда ҳам ишончга лойиқ одам эмасман. Аччиғим чиққанида эса қандай қилиб ишончга сазовор бўлай?! Тасаввур қилинг. Мен сизга қарши ҳукм чиқардим, дейлик. Сиз менга, сени Фурот дарёсига чўқтирираман ёки ҳукмингни ўзгартирасан, иккаласидан бирини танла, десангиз, мен сўзсиз дарёга гарқ қилинишмни танлайман. Сизнинг атрофингида яқин аъёнларингиз бор. Улар сизнинг шарофатингиз туфайли ўзларини иззат ва икром қиладиган одамга муҳтождирлар. Шунинг учун мен қозилик мансабини эгаллашга муносиб эмасман, — деди.

Халифа:

— Ёлғон гапиряпсан, — деди. Шунда Абу Ҳанифа нокулай вазиятдан кутулиш чорасини топиб:

— Ушбу сўзингиз билан сиз менга нисбатан ҳукм чиқардингиз. Қандай қилиб сиз мендек ёлғончи одамга қозилик мансабини ишониб топширмоқчисиз?! — деди.

АБУ ҲАНИФА ВА АББОСИЙЛАР ҲУКМДОРИ

Аббосийлар ҳукмдорларидан Абу Жаъфар ал-Мансур ҳожиблари ва қозилари Абу Ҳанифага нисбатан ўз тасарруфотларида халифанинг азму иродасини акс эттирад эдилар. Ўз навбатида халифа ҳам Абу Ҳанифанинг ҳис-туйғу-

си унинг томонида эмаслигини, балки, ҳақ тарафида эканлигини яхши билар эди. Бундай муносабат Абу Ҳанифанинг сарой аъёнларининг фикрларига ва хатоларига очиқ ойдин айтган танқидий фикр-мулоҳазаларида сезилиб турар эди. Бу тўғрида жиддий маълумотлар кўплаб топилади. Халифа аъёнларининг ҳатти-ҳаракатлари бундай нохуш муносабат пайдо бўлишига сабабчи бўлган. Уларнинг ҳийла-найранглари, воқеъликни тўғри баҳолай олмасликлари, фикҳий ҳукмларни нотўғри талқин қилишлари Абу Ҳанифа томонидан танқид қилинишларига имкон яртиб берар эди. Масалан, халифа тарафидан Куфага қози қилиб тайинланган Ибн Абу Лайло эс-хушидан айрилган бир аёлга нисбатан ҳукм чиқарган ва уни масжидда ижро қилдирган. Бу воқеада аёлнинг эрига: «сен зинокорларнинг ўғлисан», деб айтган сўзи учун қози унга иккита айб қўйган. Биринчиси, аёл эрининг отасини ва иккинчиси, эрининг онасини ҳақорат қилганлиги учун уни дарра билан уриб жазолаш ҳукмини чиқарган. Абу Ҳанифага бу ҳукмни ва унинг ижро этилганини батафсил баён қилиб беришган. Шунда у қозининг кўйидаги олти нуқтада хато қилганини бирма-бир айтиб беради:

1. Қозининг ҳукмни масжидда ижро этгани, чунки жазо масжидда қўлланилмайди.

2. Қози аёлни тик турган ҳолида жазолатгани. Аёлларга тик ҳолларида эмас, балки ўтирган ҳолларида дарра урилади.

3. Қозининг аёлга нисбатан иккита жазо тайин қилгани. Биринчиси, аёл эрининг отасини ҳақорат қилди, иккинчиси, аёл эрининг онасини ҳақорат қилди, деб ҳукм чиқарган. Бу мутлақо хато. Чунки, бир хилда содир бўлган икки жиноятга битта жазо белгиланади.

4. Қози аёлга белгиланган иккита жазони бир-бирига қўшиб ижро этган. Айбланувчи бир жазодан енгиллашмагунича, унга иккинчи жазо татбиқ этилмайди.

5. Қози эс-хуши йўқ аёлни жазога ҳукм этган. Ваҳоланки, эс-хуши йўқ одамга жазо белгиланмайди.

6. Қози аёлни эрининг ота-онасини ҳақорат қилган, деган холосага келган. Ҳукм чиқарилган вақтда аёлнинг қайнота ва қайнонаси қозига ҳақоратланганликлари ҳақида даъво билан мурожаат қилмаганлар ва ҳатто маҳкамада иштирок ҳам этмаганлар, Бундай ҳолларда айбланувчига жазо тайин қилинмайди.

АБУ ҲАНИФАНИНГ ҚҰШНИСИГА МЕХРИБОНЛИГИ

Абу Ҳанифа илм бобида қанчалик беназир бұлса, инсоний муносабатда ҳам тенгсиз әди. У одамларга үта меҳрибон, уларнинг ҳуқуқтарини ҳимоя қиладиган, оқибатли бир инсон әди. У Куфада яшаган кезлари, әрталабдан кечгача меҳнат қилиб, тун қоронғусида уйига қайтиб келдиган этикдүз құшниси бұлар әди. Этикдүз бозордан олиб келган гүшт ёки балиқни бир ўзи пиширап ва пишган овқатни еб, түйгунича шароб ичар ва құлига созини олиб, ҳиргойи қиласы әди:

*Мени йүқотдилар, әх, қандай иигитни
йүқотдилар?!
Бунга унинг тұғри сұзлигию ёмон күн сабаб.*

У ушбу байтни уйқуси келгунча такрорлар ва сұнгра ухлаб қолар әди. Абу Ҳанифа тунда ибодат билан машғул бўлган вақтида маст құшнисининг мунгли овозини доимо эшитар ва унга одатланиб қолган әди. Бир куни кечаси Абу Ҳанифа құшнисининг овозини эшитмади ва хавотирланиб уни суриштира бошлади. Құшнилар этикдүзни миршаблар олиб кетиб, қамаб қўйғанликларини айтиб бердилар. Бу хабарни эшитган Абу Ҳанифа эртасига ёқ бомлод намозидан сұнг хачирини миниб, тұғри Куфа волийси саройига йўл солди ва қабул қилишига изн сўради. Волий девон ходимларига:

— Абу Ҳанифанинг киришига ижозат беринглар. Аммо унинг хачири гиламларни босиб ўтмагунича уни хачирдан туширманглар, — деди.

Девон ходимлари шундай қилдилар. Абу Ҳанифа қабулхонага киргач, волий ўрнидан турмасданоқ унинг қандай ҳожати борлигини сўради. Шунда Абу Ҳанифа:

— Менинг косиб қўшним бор эди. Бир неча кун илгари миршаблар уни тутиб олиб кетишиб, қамаб қўйишибди. Уни бўшатиб юборишларига волийдан буйруқ беришларини сўрайман, — деди. Буни эшитган волий дарҳол:

— Ўша тундан бери то шу кунга қадар ҳибсга олингандарни озод қилишларига амр қиласман, — деди. Дарҳақиқат, маҳбусларнинг ҳаммасини озод қилишди.

Қайтишда Абу Ҳанифа хачирига миниб олган ҳолда, қўшниси эса унинг кетидан пиёда юра бошлади. Уйларига етиб келгач, хачирдан тушиб қўшнисига:

— Эй йигит, сени машаққатга қўйдик-ку (мен хачирда, сен эса пиёда юриб, азият чекдинг), — деди. Шунда йигит:

— Йўқ, йўқ. Кўшничилик ҳаққини адо этганингиз ва ҳақиқатни ҳимоя қилганингиз учун Аллоҳ хайрингизни берсин! — деб кўз ёши тўқди.

Шу воқеадан кейин Абу Ҳанифанинг косиб қўшниси тавба қилиб, ўтмиш ҳаёт тарзидан мутлақо воз кечди.

АБУ ҲАНИФА ВА РАЙЙ

Абу Ҳанифа, дарҳақиқат, буюк олим ва беназир инсонпарвар эди. Унинг имомлиги (пешволиги) нафақат илмда, балки инсоний муносабатларда ҳам ўз исботини топган. Унинг ижтиҳоди Қуръон ва Суннатдан баҳра олган ва улардан илҳом олиб, юзага келган раъйнинг самараси ўлароқ дунёга машҳур бўлган қатор фатволаридир. Имоми Аъзам ҳужжат қилиб фақат исноди саҳиҳ бўлган ҳадисларнигина инобатга олган. Исноди заиф ҳадислар-

дан Абу Ҳанифа аҳқомлар борасида мезон сифатида ҳам фойдаланган әмас.

Имоми Аъзам яшаган даврда олимлар икки гурухга: аҳли ҳадислар ва аҳли раъйларга бўлинган әдилар. Улар ўртасидаги ихтилоф фақат эзгу ният мақсадида рўй берган. Мазкур икки гуруҳ вакилларида ҳам ғаразли мақсадлар бўлган әмас. Уларнинг бош мақсадлари Ислом ҳақиқатини самимий баён этишга йўналтирилган әди. Барча тортишув, баҳс ва мунозаралар илмий ва ўзаро ҳурмат чегарасидан ташқарига чиққан әмас.

Абу Ҳанифа умрининг сўнгига келиб, мазкур икки гуруҳ вакиллари тортишувларга чек қўйиб, умум мусулмонлар манфаатлари йўлида аҳқомга оид масалаларни биргаликда тадқиқ эта бошлаган әдилар.

Имоми Аъзам ўз фикрини муҳтасар ҳолда шундай баён қилган әди:

— Мен аҳқомлар ишлаб чиқишида Қуръони карим сўзини биринчи ўринга қўяман. Агарда унинг оятлари орасидан ўз саволларимга аниқ жавоб топа олмасам, Пайғамбаримиз алайҳиссалом суннатларига мурожаат қиласман. Шунда ҳам муаммо бартараф бўлмаса, саҳобаларнинг сўзларидан жавоб ахтараман. Лекин улардан истаганларимнинг сўзини қабул қиласман, истамаганларимнигини эса қабул қилмайман. Саҳобалардан қайси бирларининг сўзларини инобатга олиш ва инобатга олмаслик ихтиёри менинг ўзимдадир.

Имоми Аъзам Қуръони карим ва Суннати набавия таълимотларида, шунингдек, саҳобаларнинг сўзларida ўз аксини топмаган масалаларни илмига, адолатига суюниб ҳал этишга ҳаққи бор мұжтаҳид олим бўлганлар.

Имоми Аъзамдаги фикрлаш қобилияти, чукур илм ва адолати туфайли ижтиҳод қилишга, ўзининг раъйига қараб ҳукм чиқаришга, мусулмонлар унга суюниб, унинг фикрларини ҳаётга татбиқ этишларига муносиб бўлган аллома зот әдилар.

АБУ ҲАНИФАНИНГ ФИҚҲИ

Абу Ҳанифа Қуръони карим ва Суннати набавиядан кейин қиёс ва раъйни аҳкомлар ишлаб чиқишида асосий мезонлардан бири қилиб олган. Унинг бу ижтиҳодини яхши тушуниб етмаган баъзи бир кимсалар даҳшатга туша бошлидилар. Шунингдек, Абу Ҳанифадек Ислом талаб қила-диган илмга эга бўлган кенг қиррали мужтаҳид олим томонидан «Истиҳсон» ва «Урф»нинг аҳкомлар ишлаб чиқишида далил сифатида амалиётда қўлланиши уларни янада ҳайрон қолдирав эди.

Абу Ҳанифа бирор нарсани ҳам Қуръони карим ва Суннати набавия кўрсатмаларидан устун қўйган эмас. У ўз муҳолифларига шундай рад жавобини берар эди:

— Кимки, бизни Қуръон ва Ҳадис таълимотларидан Қиёсни устун қўяди деб айбласа, Аллоҳга қасамки, у ёлғончи ва туҳматчиidir. Қуръон ва Ҳадис турган жойда ким ҳам Қиёсга эҳтиёж сезади?! Биз қиёслаш услубини ўта зарур бўлганидагина татбиқ этамиз. Бирор масала учун Қуръон ва Ҳадисда далил топа олмаганимиздагина, уни бошқа далилу ҳужжати бор масала билан қиёслаймиз. Биринчи навбатда далил ва ҳужжатни Қуръондан, сўнгра Ҳадисдан излаймиз ва улардан топа олмаган тақдиримиздагина, саҳобалар сўзларига мурожаат қиласиз. Саҳобалар ҳам мазкур масалада ҳамфикр бўлмаган тақдирларидагина, маънонинг ойдинлашиши учун икки масаланинг уммумий иллатини топиб, бир ҳукмни иккинчи ҳукмга қиёс қиласиз.

Абу Ҳанифа вафотидан сўнг уламолар ва уларнинг пешқадами Имом Шофеъий қиёсни Абу Ҳанифанинг фикри асосида бойитиб, унга шундай таъриф бердилар:

— Ҳукми номаълум бўлган ҳолат ҳукмини, ҳукми Қуръон карим, Суннати набавия ва ижмовъ билан маълум

бўлган ҳолат билан, ҳукм сабабида муштарак бўлганлиги учун, баён қилиш — Қиёсdir.

Устоз Абу Захранинг фикрига кўра, Абу Ҳанифанинг ижтиҳоди ва ҳадисларни ўрганишда тутган йўли, у яшаган муҳитда кўп қиёс қилишга ва унинг тақозосига қараб, қисмларга бўлишга боис бўлган:

Абу Ҳанифа илм доирасининг кенглиги туфайли, кўз ўнгида содир бўлаётган масалаларнигина баҳс қилиш билан чегараланиб қолмай, балки, келажакда воқеъ бўлиши мумкин ва кутилаётган масалаларни ҳам назаридан четда қолдирган эмас.

Аҳкомларнинг далилларини ҳадисларнинг қаъридан бўлса ҳам, суғуриб олишга моҳир бўлган Абу Ҳанифанинг шогирди Имом Абу Юсуф устози ҳақида шундай деган эди:

— Ҳадис ва ундаги фиқҳга оид нуқталарни изоҳлаб беришда устозим Абу Ҳанифадан кўра олимроқ одамни кўрмаганман.

Абу Ҳанифа мазҳабининг моҳияти ва мазмунида одамларга енгиллик яратиб беришдек олий мақсад ўз аксини топган. У ҳеч қачон мусулмонларга қийинчилик ва машиққатни раво кўрмаган. Хоҳ ибодатда бўлсин, хоҳ муомалот масалаларида бўлсин, Абу Ҳанифанинг бундай ёндашуви диққат ва эътиборга сазовордир. Масалан, Абу Ҳанифа кўйлакдаги нахосатни гул ёки узум суви билан тозалаш жоиз дейдилар. Шунингдек, у тунда қиблани аниқлай олмаган намозхоннинг намози, гарчи у тонгда бошқа тарафга қараб намоз ўқиб қўйганини билиб қолса ҳам, дуруст эканлигини таъкидлайди. Шунингдек, у закот масаласида ҳам мусулмонларга енгил бўлишини истаган. Тилла ва кумушдан ясалган нарсалардан закот беришлик војиб эканлиги масаласида ҳам Абу Ҳанифа камбағаллар томонида бўлган ва қарзи ҳамма молларини қамраб оладиган қарздорга закот војиб эмаслигини таъкидлаган.

Шунингдек, Абу Ҳанифа бўйи етған қиз турмуш ўртогини танлашида ихтиёр мутлақо унинг ўзида эканлигини

ва ҳатто ота-онаси ҳам, оға-иниси ҳам унинг хоҳишини инкор этишга ҳақлари йўқлигини баён қилган. Инчунун, у турмушга чиқажак қиз никоҳ вақтида шахсан ўзи иштирок этиши мумкинлигини, никоҳ вақтида бир эркак ва икки аёлнинг гувоҳлиги ҳам мақбуллигини, отаси зўрлаб узатаётган қизнинг, агар у турмушга чиқиши истамаса ёки кўёвни ёқтирумаса, унинг никоҳи шариатга мувофиқ никоҳ эмаслигини қайд қилган.

Абу Ҳанифанинг фазилатларидан яна бири унинг иқтисодий масалаларни ҳал қилишга қодир ўткир ақл соҳиби эканлигидадир. Бундай фазилат унинг иқтисодга оид ижтиҳодларида яқъол кўзга ташланади. Ўлик ерларни ислоҳ қилиб, экинзорга айлантиришга қодир дехқонларга хусусий мулк қилиб бериш, меваларни хомлигига истеъмолчиларга сотишга ижозат бериш, етимларнинг молларидан уни кўпайтириш учун тижорат мақсадида фойдаланишга руҳсат бериш ҳақидаги Абу Ҳанифанинг ижтиҳодлари фикримизнинг далилидир.

Биз юқорида Абу Ҳанифадек зотнинг улуғ шахсиятлари ҳақида сўз юритдик. Шундай буюк зотнинг мазҳабига дунёдаги сунний мусулмонларнинг кўпчилиги тақлид қилишлари ҳеч бир ажабланарли ҳол эмас. У зот ҳақидаги фикримизнинг ниҳоясида, ҳижратнинг 150 санасида вафот этгани ва шу йили яна бир мужтаҳид — Имом Шофеъийдек улуғ зот дунёга келгани, Ислом даҳоларидан бири бу дунёни тарк этиб, бошқа бир Ислом даҳоси илм ёймоқ учун дунёга келгани, бир даҳонинг кексайиб вафот этишию ва иккинчисининг туғилиб вояга этиш йилларида яна бир даҳо Имом Молик ибн Анасдек зот ҳам ҳаёт бўлганини зикр қилиб ўтишни истадик.

* Доктор Мустафо аш-Шакаъанинг
«Ислом било мазоҳиб» китобидан олинди.

ФИҚХ ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг сиёсий ва иқтисодий вазият ўзгариши муносабати билан эътиқод әркинлигига кенг йўл очиб берилгани ҳаммага маълум. Тарихан қисқа муддат ичидаги мусулмонларнинг шахсий ва ижтимоий ҳаётларида муҳим ўрин эгаллайдиган фиқхга оид «Ал-Хидоя», «Мухтасар ал-Викоя», «Чор китоб» каби асарларнинг ўзбек тилида чоп этилиши мислсиз воқеа бўлди, десак муболага қилмаган бўламиз. Афсуски, мазкур асарлар она тилимизда нашр қилинишига қарамасдан, улардаги муҳим масалаларнинг асл моҳиятини англаб этиш, маъноларини чукур идрок қилиш, уларнинг мақсаду вазифаларини тушуна билиш ҳамма юртдошларимизга ҳам насиб қилмаслиги айни ҳақиқатдир. Зеро, уларнинг қарийб ҳар саҳифасида учраб турадиган «фиқҳ», «иљми фиқҳ», «усули фиқҳ», «шариат», «аҳком» каби сўзларни ҳамон нотўғри талқин қилиш, уларга салбий нуқтаи назардан ёндашиш, фақат ибодатларгагина оид сўзлар, деб қарааш ҳоллари баъзи бир зиёли юртдошларимиз орасида учраб туриши ҳеч кимга сир эмас.

Фиқҳ фанининг мақсад ва вазифаларидан ҳалқимизни яқиндан танишириш ва кенг омма ўртасида тарбиу ташвиқ қилиш замон тақозосигина эмас, балки талаби ҳамдир. Хусусан, ўлкамиздаги иқтисодий ўзгаришларнинг бозор муносабатига асосланиши, ҳалқимизга мулкка эгалик қилиш ҳукуқи берилиши ва бу борада қабул қилинаЭтган ҳукумат миқёсидаги қонуну қарорлар Ислом шариати аҳкомларига нақадар мос ва яқин эканлигидан келиб чиқсан, фиқҳ фанини ўрганишга аҳамият бериш нақадар зарур эканлигига ишонч ҳосил қиласиз. Шунингдек, Ислом «улул амр» (ҳокимият) томонидан жорий этилган қонунларга риоя қилмаслик, уларни менсимаслик оғир

гуноҳ (оғир жиноят) эканлигини ўн тўрт асрдан бери мусулмонларга уқтириб келади.

Ислом ер юзида пайдо бўлганидан бери одамларни эътиқод поклигига даъват қилган. У эътиқодсиз инсонни мунофиқ деб атаган ва уни доимо лаънатлаб келган (*Қаранг: Бақара сураси, 8—20-оятлар*).

Биз ушбу китобни чоп этиш муносабати билан бузрук имомимиз Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ асарларида тез-тез учраб турадиган фиқҳга оид сўзларнинг мазмунидан ўқувчиларни яқиндан хабардор қилиш мақсадида фиқҳ фани ҳақида қисқача маълумот беришни лозим топдик. Фиқҳ фани тўғрисида муфассал баён қилиш, илмий тадқиқотлар олиб боришни қонуншунослар ва фиқҳ илмининг мутахассисларига ҳавола қиласиз. Биз фақат фиқҳга оид ушбу мухтасар маълумотимиз олимларимизнинг фиқҳ соҳасида йирик илмий ишлар олиб боришларига туртки бўлади, деб умид қиласиз.

ФИҚҲ ВА ФИҚҲ ИЛМИ

«Фиқҳ» калимасининг луғавий маъноси билмоқ, тушунмоқ ва фаҳмламоқдир. Масалан, Куръони каримда: «...Диллари эса муҳрлаб қўйилди. Бас, улар (жиҳоднинг фазлини) англамайдилар» (*Тавба, 87, мазмуну*), дейилган. Унинг истилоҳий маъноси тўғрисида жуда кўп таърифлар мавжуд. Жумладан, фиқҳ — шаръий-амалий масалалар тўғрисидаги илмдир, дейилган. Демак, фиқҳ илми *тағсилӣ далиллардан* келиб чиқсан *фаръий-шаръий* аҳкомларни билиш ҳақидаги илмдир.

Бу таърифни батағсилроқ тушунтиришга ҳаракат қиласиз. «Шаръий аҳком» («аҳком» — «хукм» сўзининг кўплигидир) Аллоҳнинг буюрган, қайтарган ёки ихтиёр этган қатъий кўрсатмаларидир. «Фаръий» дегани эса мусулмонларнинг кундалик ҳаётларида учраб турадиган амалий ишларга нисбатан айтилган ҳукмдир. Шунинг учун ҳам

фиқҳ илмида бундай масалалар «фаръий» масалалар деб аталади. «Тафсилий далил» иборасига келсак, ундан мақсад Китоб, суннат, ижмөъ ва қиёсдир.

Фақиҳ – фиқҳ илмининг билимдон олимни, унинг мутахассиси. Фақиҳ сўзининг қўплиги фуқаҳодир.

Шу ўринда «шаръий» сўзига қисқача изоҳ бериб ўтайлик. Аллоҳ таоло бандаларига кўрсатган йўл ва ҳукмларга мувофиқ бўлган ҳол шаръий дейилади. Аллоҳ таоло Шориъ, яъни, шариат асосчисидир. Бу хусусда Куръони каримда шундай марҳамат қилинади:

«(Эй, имон келтирганлар, Аллоҳ) сизлар учун дин бўйича Нуҳга буюрган нарсанни... – шариат қилди» (*Шўро*, 13, мазмуни); «...Ҳар бир (уммат) учун (алоҳида) шариат ва йўл (тайин) қилиб қўйдик...» (*Моида*, 48, мазмуни); «Сўнгра (эй Муҳаммад), Биз сизни (диний) ишдан иборат шариат узра (барқарор) қилдик...» (*Жосия*, 18, мазмуни).

Шу ўринда қонун сўзига тўхталиб ўтайлик, унинг асли юононча бўлиб, араб тилига сурёнийлардан (уссурийлардан) ўтган. У аввалда чизғич маъносида қўлланилган. Ҳозирда араблар қонун сўзини «ҳар бир нарсанинг ўлчагичи» маъносида ишлатадилар ва шундан келиб чиқиб, уни умум мажбурий қоида тарзида татбиқ қиласидилар.

Фуқаҳолар қонун сўзини жуда кам ишлатадилар. Унинг ўрнига «шаръ», «шариат» ва «шаръий ҳукм» сўзларини искеъмол қиласидилар. Чунки қонун сўзининг мазмунида илоҳийлик туйфуси ўз аксини топмайди. Шунинг учун афкор омма назарида қонун одамлар томонидан ишлаб чиқилган, шаръий ҳукм эса Аллоҳ томонидан жорий қилинган.

Ҳозирги кунда қонун сўзи араб дунёсида уч хил маъно қасб этган:

1. Шаръий ҳукмлар;
2. Шаръ ва шариат;

3. Ижтимоий ҳаётда мажбурий тарзда татбиқ этиладиган қоидалар ва тартиботлар.

Намоз, рўза, закот ва ҳаж каби ибодатларга нисбатан «қонун» сўзи мутлақо ишлатилмайди.

Аммо фикҳий аҳқомлар замонавий қонунлардан фарқли ўлароқ ҳам диний, ҳам дунёвий масалаларга тегишли тартиб-қоидаларни ўзида мужассамлаштиради. Шуни таъкидлаш лозимки, дунёвий масалаларга оид шаръий аҳқомлар бу дунёда амалиётга татбиқ этилади. Аммо фарз, вожиб, суннат ва мустаҳаб каби амалларни бажариш ё тарк қилиш учун белгиланган ҳукмлар охиратда кўрилади.

Фикҳ инсон ҳаётининг барча қирраларини қамраб оладиган фаолиятига дахлдор масала ва масоилларни ишлаб чиқади ва уларнинг ҳукмларини белгилайди. Исломнинг илк даврларида фикҳ эътиқод, ахлоқ-одобга оид масалаларнинг ҳукмларини ишлаб чиқиш билан машғул бўлган. Фуқаҳолар ўз фаолиятларида Қуръони карим кўрсатмаларига, Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) бирор воқеа борасидағи ҳадисларига, одамларнинг саволларига берган жавобларига, жанжалларни бартараф этишдаги ҳукмларига таяниб у ёки бу масаланинг ҳукмини ишлаб чиққанлар. Пайғамбаримиз (с.а.в.) вафотларидан сўнг саҳобалар фикҳни ривожлантиришга зарурат сеза бошладилар. Чунки улар дуч келаётган янги ҳодиса ва воқеалар улардан ижтиҳод қилишни тақозо қила бошлади ва натижада фикҳ оғзаки равищда бўлса ҳам, ривожлана бошлади.

Ҳижратнинг 2 ва 3 асрига келиб халифаликнинг чегаралари Исломга кирган бошқа миллат ва элатлар ҳисобига кенгая бошлади ва натижада уламолар олдида янги-янги муаммолар, ечими зарур бўлган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий масалалар пайдо бўла бошлади. Уларни ҳал қилиш учун олимлардан ижтиҳод билан жилдий шуғулланиш талаб қилина бошлади. Мужтаҳидларнинг саъй-ҳаракатлари самараси ўлароқ, фикҳ фан сифатида шаклланишга юз тутди, фикҳга оид қатор асарлар юзага келди ва натижада Исломда мазҳаблар пайдо бўла бошлади. Уларнинг энг машҳурлари тўрттадир:

1. Ҳанафий. Унинг асосчиси Имоми Аъзам, исмлари Нўймон ибн Собит, кунялари Абу Ҳанифа (80–150 ҳ.с.).

2. Моликий. Унинг асосчиси Имом Молик ибн Анас (95–179 ҳ.с.).

3. Шофеъий. Унинг асосчиси Имом Шофеъий Муҳаммад ибн Идрис (150–204 ҳ.с.).

4. Ҳанбалий. Унинг асосчиси Имом Аҳмад ибн Ҳанбал (164–241 ҳ.с.).

Имоми Аъзамнинг шогирдлари Имом Абу Юсуф, Имом Муҳаммад ва Имом Зуфар ҳанафий мазҳабининг мустақил мазҳаб сифатида шаклланишида, ривожланишида ва дунёга машхур бўлишида улкан ҳисса қўшган мужтаҳид олимлардир.

УСУЛИ ФИҚХ

Усули фиқҳ – шаръий далиллар асосида ҳукмлар чиқариш усуллари-қоидалари ҳақида баҳс юритадиган фандир. Шаръий далилларнинг манбаи тўртта: Қуръони қарим, Суннати набавия, Ижмоъ ва Қиёс (таққослаш).

«Усул» калимаси «асл» сўзининг қўплигидир. Унинг луғавий маъноси асослар, қонунлар, қоидалар деган тушунчаларни англатади, истилоҳий маъноси эса, бу қоидалар ҳеч қандай бошқаларга таянмайди, аксинча, бошқалар уларга суюнадилар демакдир.

Усули фиқҳ фани билан шуғулланадиган ва амалиётга татбиқ этадиган мутахассис олим усулий деб аталади.

Юқоридаги фикрларимизни жамиятимизнинг сиёсий ва ижтимоий структурасига таққослаб баён қилсак, ўкувчиликаримизга муддаоларимиз янада тушунарлироқ бўлади, деган умиддамиз.

Маълумки, мамлакатимиздаги асосий қонун манбаи Ўзбекистон Республикаси Конституциясидир. Табиийки, ҳар қандай Конституция жамиятнинг барча соҳаларини ҳар томонлама тўла қамраб ололмайди. Фақат умумий қоидаларнинг асосларини белгилаб бериш билан кифояланади. Масалан, Ўзбекистон Конституцияси дунёдаги

кўпгина мустақил мамлакатлар Конституциялари каби давлат тузуми, халқ ҳокимиятчилиги, Конституция ва қонуннинг устунлиги, ташқи сиёsat каби давлат суверенитетига оид умумий қоидалар билан баробар, инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари тўғрисида, Давлат ҳокимиятининг тузумлари бўлмиш Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти, Суд ҳокимияти, сайлов тизими, Прокуратура, Мудофаа ва Ҳафвсизлик хизмати кабиларнинг ваколатлари ва уларнинг фаолиятлари ҳақидаги умумий таълимотларни ўз ичига олган. Масалан, Олий Мажлис қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади, Вазирлар Маҳкамаси Олий Мажлиснинг қарорлари, Президентнинг фармонлари ижросини таъминлайди, деб Конституцияда ёзib қўилган. Давлат ҳокимиятининг барча органлари ўз фаолиятларини Конституция кўрсатмалари ҳудудида амалга оширадилар ва ундан ҳеч қачон четга чиқиб кета олмайдилар. Улар ўзларининг ички қарору кўрсатмаларида Конституцияга таянадилар. Демак, Конституция қонун ишлаб чиқишининг ягона манбайдир. У қонун ишлаб чиқишда на Олий Мажлис, на Вазирлар Маҳкамаси ва на Президентнинг қарорларию, фармойишларига таянмайди. Аксинча, давлат ҳокимияти органлари меъёрий ҳужжат — манба сифатида Конституцияга мурожаат қиласидилар ва ундан йўлйўриқ оладилар, ҳаёт тақозосига қараб янги-янги қонунлар, қарорлар ва қўсатмалар ишлаб чиқадилар.

Ислом ҳукмларининг асосий ва бош манбай Куръони каримдир. Куръони каримдан сўнг Суннат, Ижмоъ ва Қиёс туради.

Исломий аҳкомларнинг манбай Аллоҳнинг каломи бўлгач, бу аҳкомлар ҳам илоҳийдир.

Замонавий конституциялар инсон заковати ва тафаккурининг маҳсули ўлароқ, ҳар қанча мукаммал бўлмасин, барибир улар илоҳийлик касб эта олмайди.

Зеро, инсон ақли ва онги чегараланган бўлиб, улар хатою нуқсонлар қилишдан холи эмас, инсон жамият та-

раққиёти жараённида рўй бериши мумкин бўлган муаммолар ва мушкулотларни олдиндан қўра билишга ожиз. Куръони карим қўрсатмалари ўн тўрт асрдан бери мусулмонларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва шахсий ҳаётларида муҳим аҳамият касб этиб келаётгани унинг таълимотлари илоҳий эканлигига ёрқин далилидир.

Илоҳий қонунлар (шаръий аҳкомлар) Аллоҳнинг мукаллаф бандалар ҳатти-ҳаракатларига нисбатан талаб қилиш ёки ихтиёр бериш ёки буйруқ оҳангидаги хитобидир.

Шаръий аҳкомлар уч нарсани ўз ичига олади: хукм чиқарувчи ёки хукм қилгувчи ҳоким (яъни, Аллоҳ), хукм чиқаришга боис ҳол (маҳкум фийҳ), хукм татбиқ этиладиган мукаллаф инсон (маҳкумун алайҳ).

Шаръий хукмлар мукаллаф бўлмаган инсонга татбиқ этилмайди.

Шу ўринда фикҳий китобларда тез-тез учраб турадиган мукаллаф ва файримукаллаф сўзларига ойдинлик киритиб ўтайлик.

Ислом шаръий аҳкомларни қўллашда одамларни икки тоифага бўлади: мукаллаф ва файримукаллаф.

Файримукаллафлар сирасига балофат ёшига етмаганлар, ақли ноқислар, ухлаб қолишлиқ, бетоб бўлишилик, унубтиб қолишлиқ каби ўзларига боғлиқ бўлмаган самовий иллатларга дучор бўлганлар киради. Бундай тоифадаги мусулмонларга шаръий хукмларни татбиқ этиш мажбурий эмас. Улардан бошқа барча тоифадаги аҳли Исломга мукаллаф дейилади ва улар шаръий хукмга итоат этишга мажбурдирлар.

Шаръий хукмлар икки хилдир: таклифий (ундовчи) ва вазъий (соқит қилувчи). Талаб ва ихтиёр этишга боғлиқ бўлган хукмлар таклифий хукмлар бўлиб, бу жиҳатдан амаллар фарз (вожиб), суннат, мубоҳ, макруҳ ва ҳаромга бўлинади.

Фарз (вожиб) – банданинг бажариши қатъий талаб қилинган шаръий хукмдир. Уни тарк этган банда жазога маҳкум этилади.

Ҳаром — банданинг құлмаслиги қатъий талаб қилинган шаръий ҳукмдир. Ҳаромни қылған банда жазога маҳкум этилади.

Суннат (мандуб) — банданинг бажариши талаб қилинган шаръий ҳукмдир. Аммо мандубни бажармаган банда иқоб (азоб)га лойиқ бўлмайди.

Макруҳ — банданинг құлмаслиги талаб қилинган шаръий ҳукмдир. Аммо уни қылған банда ҳам иқобга учрамайди.

Мубоҳ — бажаришлиқ ёки тарқ этишлиқ ихтиёри бандада бўлган ҳукмдир.

И Ж М О Ъ

Юқорида таъкидлаганимиздек, исломий аҳкомларнинг манбай Куръон, Суннат, Ижмөъ ва Қиёсдир.

Куръон ва Суннат Ислом аҳкомларининг манбай эканлигига барча мусулмонлар яқдиллар. Аммо Ижмөъ масаласида баҳслар бўлиб ўтган. Шунинг учун бу масалага қисқача тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Ижмөънинг шаръий аҳкомлар ишлаб чиқишида асосий манбалардан бири эканлигига Куръондан, ҳадислардан, асҳоби киромлардан ва ақлий далиллардан, жумладан, қуидагилар келтирилади:

1. Куръони каримдан:

«Кимда-ким ҳидоят унга аниқ бўлганидан кейин Пайғамбарга муҳолифлик қиласа, мўминлар йўлидан ўзгасига эргашса, Биз уни ўзи кетаётган йўлига қўйиб берамиз ва (охиратда) уни жаҳаннамда тоблаймиз. Нақадар нохуш жой у!» (*Niso, 115, мазмуни*).

Бу оят мазмунидан маълум бўладики, Ижмөъ мўминлар йўли бўлиб, унга эргашмоқлик вожибдир.

«Эй, имон келтирганлар! Аллоҳга итоат этингиз, Пайғамбарга ва ўзлариниздан (бўлмиш) иш эгалари (раҳбарлар)га итоат этингиз! Борди-ю, бирор масалада келиша олмай қолсангиз, Аллоҳга ва охират қунига ишонадиган

бўлсангиз, уни Аллоҳга ва Пайғамбарига ҳавола қилингиз...» (Нисо, 59, мазмуни).

Ушбу ояти карима мазмунидан англаш мумкинки, низо ва тортишувни бартараф қилишда Ижмоъдан истифода қилиш мақбулдир.

2. Ҳадиси шарифдан:

«Умматимнинг бир фикрга келишлари (бир фикр устидаги жам бўлишлари) хатодан (залолатдан) холидир». Бу ҳадисни Имом Термизий ривоят қилган.

3. Машҳур саҳобалар орасидаги алломалардан бири, фикр илмининг асосчиларидан Ибн Масъуд шундай деган:

«Кўпчилик мусулмонлар яхши деган нарсалар Аллоҳ наздида ҳам яхшидир, улар ёмон деган нарсалар Унинг хузурида ҳам ёмондир». Бу изборани баъзи бир муаллифлар ҳатто ҳадис ҳам деганлар. Аммо у ҳадис эмас, балки, Ибн Масъуднинг сўзиdir.

4. Ақлий далил:

Ақл одатан бир вақтнинг ўзида барча мужтаҳид олимларни бирваракайига хато қилишларини инкор этади. Агар улар хато қилганларида ҳам, ҳеч бўлмаса, улардан бирор таси бундан огоҳ бўлган бўлур эди.

ИЖМОЪНИНГ МАҶНОСИ ВА ШАРТЛАРИ

«Ижмоъ» сўзи тўпламоқ, жам қилмоқ, у ёки бу масалада бир фикрда бўлмоқ маъноларини англатади. Аммо унинг истилоҳий маъноси бирор воқеа, ҳодиса, муаммо ёки масалага нисбатан ҳукм чиқаришда замондош мужтаҳидларнинг ҳамфикр эканликларига далолат қиласи. Шу тариқа чиқарилган ҳукм шаръий ҳукм ҳисобланади ва барча мусулмонларга вожиб бўлади.

Куйидаги шартлар мавжуд бўлгандагина Ижмоъ амалга ошади ва унинг ҳукми шаръийлик мақомига етади:

1. Бирор асрда янги бир воқеа ёки ҳодиса содир бўлганида ёки янги бир масала туғилганида бир нечта мужтаҳидларнинг ҳаёт бўлишлари шарт. Чунки, бир нечта мужтаҳидларнинг фикрлари у ёки бу муаммога нисбатан ҳамоҳанг бўлгандагина Ижмоъ ҳосил бўлади. Агар бир асрда битта мужтаҳид бўлса ёки умуман мужтаҳид бўлмаса, шаръян Ижмоъ амалга ошмайди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳаёт чоғларида Ижмоъ бўлмаган ва бўлиши ҳам мумкин эмас эди.

2. Янги бирор муаммога нисбатан чиқарилган ҳукм шаръийлик мақомини касб этмоги учун барча ҳамзамон мужтаҳидлар, ватанидан, жинсидан, тоифасидан қатъий назар, ҳамфикр бўлмоқликлари шарт. Агарда Макка, Ироқ, Ҳижоз ёки Пайғамбаримиз (с.а.в.) авлодлари ё фақат суннӣлар мужтаҳидлари алоҳида-алоҳида бирор муаммога оид ҳукм чиқарсалар, уларнинг ҳукмлари шаръийлик касб этмайди. Ижмоъ Ислом оламининг барча мужтаҳидлари ҳамфикр бўлгандагина ҳукм шаръийлик мақомини олади.

3. Мужтаҳидлар у ёки бу масалада ҳамфикр эканликларини уларнинг очиқдан-очиқ оғзаки айтган сўзларидан, ёзма равишда чиқарган фатволаридан ёки бир жойга тўпланиб чиқарган қарорларидан билиш мумкин. Шундагина Ижмоъ шаръийлик мақомига эга бўлади.

4. Ҳукм шаръийлик мақомини касб этмоқлиги учун барча мужтаҳидлар беистисно ҳамфикр бўлишда келиша олмасалар, у вақтда улар кўпчилик бўлиб бирор қарор қабул қиласалар ҳам унинг ҳукми шаръийлик касб этмайди. Чунки, бундай ҳукмда хато содир бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Ислом таълимоти инсонпарвар ва ҳар бир замону мақонга салоҳиятли, ҳаётий бўлиб, у акл ва мантиқа мос эканлигини ҳар бир оқил одам тушуниб етади. Бу foянинг мутлақо тўғри эканлигини ҳаётнинг ўзи исбот қилиб келмоқда. Афсуски, мутаассиб ва гаразгўй, билими саёз, сохта олимлар (бундайлар ҳар бир мамлакатда топилади) тарих фиддирагини ўн уч аср орқага суришга уриниб, «ваҳ-

ҳобийлик», «ҳизбут таҳрир»чилик каби ўз замонасини яшаб бўлган тоифаларнинг дунёқараашларини дунёning кўп мамлакатларида, жумладан, бизнинг юртимизда ҳам татбиқ этишга уринишиди. Бу на Куръони карим, на Ҳадиси шариф, на Ижмоъ ва на Қиёс қўрсатмаларига мувофиқ эмас. Бизнинг асримизда мазҳабимиз пешволари И моми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ асос солган Қиёс усулидан кенг фойдаланиш катта аҳамият қасб этади. Зоро, Қиёс яшин каби тезкорлик билан ўзгариб бораётган давримизнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ички ва ташқи дунёning оламшумул муаммоларини ҳал этишга, долзарб ма-салаю масоилларнинг муносиб ечимини топишга яқиндан ёрдам беради.

ҚИЁС

Шаръий аҳкомлар манбайнинг тўртинчиси Қиёсdir. Фуқаҳолар қиёсни шаръий аҳкомлар манбаи эканлигини Куръони карим, Суннати набавия, саҳобаи киром сўз ва амаллари ва ақлий далиллар билан асослайдилар. Фуқаҳолар ўз фаолиятларида, ҳар бир ҳукм бирор мақсадни кўзлаш ёки бирор манфаатни назарда тутиш натижасида дунёга келади, деган шаръий қоидага амал қила бошладилар. Дарҳақиқат, бирор мақсад ёки бирор манфаат ҳукм пайдо бўлишига сабабчи бўлади. Уламолар ҳукмнинг пайдо бўлишига сабабчи бўлган омилни «иллат» деб атай бошладилар. Фикримизни ойдинлаштириш учун мисол келтирайлик:

Куръон оятидаги далил билан ароқ ичиш ҳаром, деб ҳукм чиқарилган. Фуқаҳоларнинг фикрича ароқни ҳаром деб ҳукм чиқарилишига сабаб бўлган омил маст қилишидир. Демак, маст қилиш ароқнинг иллатидир. Мана шу иллат бошқа нарсада ҳам топилса, уни ароққа қиёс қилиниб, унга ҳам ҳаром деган ҳукм чиқарилади. Масалан, гиёҳванд модда. Ароқ билан гиёҳванд модда орасида уму-

мий иллат бор, у ҳам бўлса маст қилиш. Шунинг учун гиёхванд мoddага ҳам ҳаром, деб ҳукм қилинади. Демак, ҳар қандай маст қилувчи нарсалар борки, уларни ароққа таққосланади ва мана шу таққослаш қиёс деб аталади.

Яна бир мисол: Аллоҳ таоло Қуръони каримда жума намозига аzon айтилгач, савдо қилишни тұхтатишига амр қилган. Чунки савдо-сотиқ одамни намоздан қолдириши эхтимоли бор. Намоздан чалғитишлик омили бошқа намозларда ҳам содир бўлиши мумкин. Шунинг учун фуқа-ҳолар беш вақт намозга аzon айтилгач, олди-сотди қилиш кароҳиятли, яъни, макруҳ деб жума намозига таққослаб ҳукм чиқарғанлар.

ИЖТИҲОД ВА МУЖТАҲИД

«Ижтиҳод» сўзининг луғавий маъноси жидду жаҳд қилмоқдир. Унинг истилоҳий маъноси эса, шаръий далилларга асосланиб, аҳкомларни ўрганиш йўлида бор илмини сарф қилмоқ ва изланмоқлиқдир. Соддороқ қилиб изоҳлайдиган бўлсак, ижтиҳод Қуръон ва Ҳадис мазмунларида акс этган таълимотларга асосланиб ва юқорида зикр қилинган қоидаларга риоя қилиб, ҳукмларни истинбот қилишдан иборатдир. Ижтиҳод тақлиднинг аксидир. Тақлид ҳужжат ва далил талаб қилмасдан туриб, мужтаҳиднинг белгилаб берган йўлига эргашмоқдир. Бу маънода аксар мусулмонлар тақлидчи, яъни, муқаллиддир.

«Мужтаҳид» эса ижтиҳод сўзидан таркиб топган бўлиб, ижтиҳод қилувчи олим деган маънони англатади.

Мужтаҳидлик мақомини даъво қиладиган олим араб тили ва мумтоз араб адабиёти, фиқҳ ва усули фиқҳ, тафсир ва ҳадис каби илмларни чуқур эгаллаган, Ислом тарихи ва Пайғамбаримиз (с.а.в.) таржимаи ҳолларини мувкаммал билган бўлмоғи лозим. Бундан ташқари мужтаҳид шаръий манбалар ва улардан шаръий ҳукмларни истинбот қилиш йўллари ва қоидаларини яхши ўзлаштирган, яшаб

турган мамлакатидаги сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий вазиятни англай оладиган, идрокли, адолатли, ҳақиқатни сұзлашдан тап тортмайдиган, ҳар қандай вазиятда ҳам Исломни ҳимоя қила оладиган, жасоратли, хушфеъл ва хушсухан, тақволи ва ибодатли, бир сұз билан айтганда, маънан ва руҳан баркамол, бошқаларга намуна бұладиган фазилатларға эга бұлмоқлиги шартдир. Бундай хислатлар билан музайян бұлған мужтаҳидға тақлид қилиш, у чиқарған ҳукмларға итоат этиш ҳар бир муқаллид учун мажбурыйдир.

Бизнинг мазҳабимиз асосчиси ва пешвоси Имоми Аъзам, раҳматуллоҳи алайҳ, ана шундай фазилатларнинг соҳиби әдилар.

*Ушбу маълумотлар Субҳий Маҳамасонийнинг
«Фалсафа ат-Ташриғ фи ал-Ислом», «Илм усули ал-Фиқҳ»
ва «Кашф аз-Зунуун» китобларидан олинди.*

АХЛИ СУННА ВАЛ-ЖАМОАНИНГ АСОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Биродарларим, Аллоҳ таоло сизларга муваффақият ато қилсин, билингларки, Ахли Сунна вал Жамоанинг мазҳаби ўн икки эътиқодий хусусият устига барпо бўлган. Ушбу хусусиятларга таянган банда, албатта, тўғри йўлда — ҳидоятда бўлажак:

1. Имон. У тил билан икрор бўлиш ва дил билан тасдиқ қилишдир. Аммо икрор бўлишиликнинг ёлғиз ўзи имон эмас. Агар шундай бўлганида эди мунофиқларнинг барчалари мўмин бўлардилар. Шунингдек, ёлғиз маърифат (Аллоҳни таниш) ҳам имон эмас. Агар шундай бўлганида эди, ахли китобларнинг ҳаммаси мўмин бўлган бўлардилар. Аллоҳ мунофиқлар ҳақида шундай баён қиласади: «...Аллоҳ мунофиқларнинг ҳақиқатан ёлғончи эканликларига ҳам гувоҳлик берур» (*Мунофиқун, 1, мазмуни*). Шунингдек, Аллоҳ ахли китоблар хусусида: «Биз китоб берган ўша (золим) кимсалар уни (Муҳаммадни) худди ўз фарзандларини танигандек танийдилар...» (*Бақара, 146, мазмуни*).

Имон зиёда ҳам бўлмайди ва камайиб ҳам қолмайди. Чунки имоннинг камайиши куфрнинг зиёда бўлиши ва имоннинг зиёда бўлиши куфрнинг камайиши, дегани бўлади. Инсон бир вақтнинг ўзида ҳам мўмин ва ҳам коғир бўлиши ҳеч мумкинми?! Инсон ҳақиқий мўмин ёки ҳақиқий коғир бўлади. «Айнан ўшалар ҳақиқий мўминлардир...» (*Анфол, 4, мазмуни*); «ана ўшалар ҳақиқий коғирлардир...» (*Нисо, 151, мазмуни*), имонда шак бўлмаганидек, куфрда ҳам шак йўқ.

Шу боис Муҳаммад, алайҳиссалом, умматларидан гуноҳкорлари ҳам ҳақиқий мўминлардир, улар коғир эмаслар.

Амал имон эмас, имон амал эмас. Бунга далил шуки, кўп вақтларда мўмин одамдан амал кўтарилади. Бундай

пайтда мазкур мүминнинг имони кўтарилди, деб айтилмайди. Масалан, ҳайз кўрган мўмина аёлдан Аллоҳ намоз амалини кўтаради, яъни, бекор қиласди. Бу вақтда биз, Аллоҳ аёлдан имонини кўтарди ёки унга имонни тарк қилишни буюрди дея олмаймиз. Шариат ҳайз кўрган аёлга, рўзани қўйиб тур, унинг қазосини кейин тутиб берасан, дейди. Аммо шариат у аёлга, имонни қўйиб тур, уни қазосини кейин адо қилиб берасан, демайди. Шунингдек, камбағал одам учун закот фарз эмас, дейиш жоиз. Аммо унга имон фарз эмас, дейиш жоиз эмас.

Тақдирнинг барча яхшилигию ва ёмонлиги Аллоҳ таоло томонидандир. Агарда бирор банда тақдирнинг яхшилик ва ёмонлиги Аллоҳдан ўзгага bogliq деса, у Аллоҳни инкор этувчи кофирга айланиб қолади ва унинг тавҳид ақидаси барбод бўлади.

2. Биз амаллар уч хил, яъни, фарз, фазилат ва маъсият бўлишига иқрормиз.

Фарз амаллари. Улар Аллоҳнинг амри, хоҳиши, муҳаббати, ризоси, қазойи қадари, яратиши, ҳукми, илми, тавфиқи ва Лавҳул Маҳфузда битиши билан содир бўладиган амаллардир.

Маъсият амаллар. Улар Аллоҳнинг амри билан эмас, балки Унинг хоҳиши билан, Унинг муҳаббати билан эмас, Унинг қазоси билан, Унинг ризоси билан эмас, Унинг тақдирни билан, Унинг тавфиқи билан эмас, Унинг илми ва Лавҳул Маҳфузда битиши билан, лекин Унинг нусратисиз содир бўладиган амаллардир.

Фазилатли амаллар. Улар ҳам Аллоҳнинг буйруғи билан эмас, балки Унинг хоҳиши, муҳаббати, ризоси, қазойи қадари, ҳукми, илми, тавфиқи, яратиши ва Лавҳул Маҳфузда битиши билан содир бўладиган амаллардир.

3. Биз Аллоҳни Аршга бирор ҳожат учун ёки қўним топиш учун «истиво» қилган, деб иқрор қилмаймиз. Аллоҳ Аршини ва ундан бошқа нарсаларни ҳам ҳифзу ҳимоя қиласдиган Зотдир. Агар Аллоҳ эҳтиёжманд зот бўлганида эди, Уоламни яратишга, унинг тадбирини қилишга қодир бўлма-

ган бўлур эди. Агарда Аллоҳ ўтиришга ва қарор топишга ҳожатманд бўлса, У Аршни яратмасдан илгари қаерда эди?! Аллоҳ таоло бу каби нуқсонлардан ўта баланддадир.

4. Биз Қуръон Аллоҳнинг сўзи, маҳлуқ эмас, ваҳийи, танзили, сифати, У эмас, ўзга ҳам эмас, деб иқрормиз. Каломуллоҳ мусҳафларда битилган, тиллар билан ўқилган, қалбларда ёдланган бўлса-да, уларда ўрнашмагандир. Сиёҳ, қофоз, битиш-ёзиш маҳлуқдир, зеро, улар бандаларнинг феълларидир. Аллоҳнинг каломи эса маҳлуқ эмас. Ёзиш, ҳарфлар, сўзлар, оятлар, уларга бандаларнинг эҳтиёжи боис Қуръон далолатларидир. Аллоҳнинг каломи Унинг зотида событдир. Аллоҳнинг каломини маҳлуқ деган кимса Аллоҳ таолони инкор этгувчи қоғирдир. Аллоҳ ҳамиша — ягона маъбуддир. Унинг каломи Зотида йўқолмай, ўқилади ва ёдланади.

5. Биз Пайғамбаримиздан, алайҳиссалом, кейин уммати Муҳаммадиянинг энг афзали Абу Бакр Сиддиқ, сўнгра Умар, кейин Усмон ва ундан сўнг Али (Аллоҳ уларнинг барчаларидан рози бўлсин), деб иқрор қиласиз. Сўзимизга далил Аллоҳнинг қуидаги оятидир: «(...эзгу ишларда) ўзиб-ўзиб кетган зотлардир. Айнан ўшалар (Аллоҳга) яқин зотлардир ноз-неъмат боғларида» (*Воқеа, 10–12, мазмуни*).

Мазкур саҳобаи киромларнинг бир-бирларига нисбатан фазли уларнинг олдинроқ ўтганликлари билан ўлчаниди. Ҳар бир тақводор мўмин уларни яхши кўради. Ҳар бир бадбаҳт мунофиқ уларни сўймайди.

6. Биз ҳар бир банданинг амаллари, иқори ва маърифати маҳлуқ эканлигига иқрормиз. Модомики, иш-ҳаракатни бажарувчи маҳлуқ экан, унинг амаллари ҳам маҳлуқ эканлигига шубҳа бўлиши мумкин эмас.

7. Биз Аллоҳ барча халқларни яратганида, уларда кучкүвват ўқлигига ва улар заиф ва ожиз эканликларига иқрормиз. «Аллоҳ сизларни яратган, сўнгра сизларни ризқлантирган, сўнгра вафот этдирадиган, сўнгра (қиёматда) тирилтирадиган зотдир!...» (*Рум, 40, мазмуни*). Дарҳақиқат,

Аллоҳ махлукларнинг яратувчиси ва ризқ берувчисидир.

Ҳалол касб-кор йўли билан тўпланган бойлик ҳалолдир. Ҳаром йўл билан орттирилган дунё ҳаромдир.

Одамлар уч тоифага бўлинадилар:

1. Имонида содиқ мўмин;
2. Кофирлигига қаттиқ оёқ тираб олган кофир;
3. Ниғоқини яширган мунофиқ.

Аллоҳ мўминга амални, кофирга имонни, мунофиқка самимиликни фарз қилган. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: «**Эй одамлар, Раббингиздан қўрқинглар!**» – Бу, эй мўминлар, итоат қилинглар, эй кофирлар, имон келтиринглар, эй мунофиқлар, ихлос қилинглар, деганидир.

8. Биз «иститоъ»ни – қодир бўлмоқлик, қурби етмоқликни феъл (иш-ҳаракат) билан бирга, ундан олдин ҳам эмас ва кейин ҳам эмас, деб иқрор бўламиз.

Агар «иститоъ» феълдан илгари бўлса, у вақтда бандажожат пайтида Аллоҳга муҳтож бўлмай қолади. Бу эса қуийидаги ояти карима мазмунига хилофдир: «...Аллоҳ беҳожат, сизлар эса муҳтождирсизлар...» (*Мұхаммад*, 38, мазмуни), яъни, бандалар доимо Аллоҳга муҳтождирлар, аксинча бўлиши мумкин эмас.

Агар «иститоъ» феълдан кейин мавжуд бўлса, у вақтда банданинг қодир бўлмасдан туриб, мақсадга эришиши амримаҳоддир.

9. Биз оёқ кийимига масҳ тортиш муқим учун бир кечакундуз ва мусофири учун уч кеча-кундуз жоиз эканлигига иқрормиз. Чунки, ҳадис шундай ворид бўлган. Кимки уни инкор этса, унинг кофир бўлиб қолишидан хавотир мавжуд. Чунки, ҳадис мутавотир хабарга яқиндир.

Мусофиричилик вақтида намозни қисқартириб ўқиш ва рўза тутмаслик учун қуийидаги ояти карималарга биноан рухсат этилган:

«Ер (юзи) бўйлаб сафар қилганингизда, агар кофирларнинг сизларга фитна (хужум) қилишидан қўрқсангиз, намозни қаср (қисқа) қилишингизда сизлар учун гуноҳ йўқ...» (*Нисо*, 101, мазмуни).

«...Бас, сизлардан кимки бемор ёки сафарда бўлса, санифи бошқа кунлардандир...» (*Бақара*, 184, мазмуни).

10. Биз Аллоҳ таолонинг қаламга ёзишни буюрганига, қалам: «Ё Раббим, нимани ёзайин», деганига ва Аллоҳ унга, қиёмат кунигача бўладиган нарсаларни ёз, деб амр қилганига иқрормиз. Бунга: «Улар қилган ҳар бир нарса битикларда (номай аъмолларида)дир. Ҳар бир кичик ва катта (иш Лавхул Маҳфузда) битилгандир» (*Қамар*, 52—53, мазмуни) оятлари далилдир.

11. Биз қабр азоби муқаррарлигига, Мункар ва Накир фаришталари савол-жавоб қилишига (ворид бўлган ҳадисларга биноан) иқрормиз. Шунингдек, Жаннат ва Дўзах ҳақ ва иккиси ҳам ўз аҳллари учун яратиб қўйилганига, Аллоҳнинг: «Мўминлар учун тайёрлаб қўйилган... Кофирлар учун тайёрлаб қўйилган», деган мўминлар ва кофирлар хусусидаги сўзлари ҳақ эканлигига (Аллоҳ улардан бирини тақдирлаш ва бошқасини жазолаш учун яратган), Аллоҳнинг: «Қиёмат кунида адолат тарозусини ўрнатамиз», деган сўзига биноан Тарозу ҳақ эканлигига, Аллоҳнинг: «Китобингни ўқи! Бугун ўз шахсинг ўзингга қарши етарли ҳисобчиидир» (*ал-Исро*, 14, мазмуни), деган сўзига биноан номай аъмолни ўқиш ҳақ эканлигига иқрормиз.

12. Биз Аллоҳнинг «Қабрлардаги ҳар бир бандани Аллоҳ қайта тирилтиради», деган мазмундаги каломига биноан, Аллоҳ одамзот ўлиб битганидан сўнг, уларни жазолаш, тақдирлаш ва ҳуқуқларини адо қилиш учун узунлиги 50 минг йилга teng кунда қайта тирилтиришига, Жаннат аҳлининг Аллоҳни ҳолати ва жиҳати бўлмай, қўришлари ҳақ эканлигига, Пайғамбаримизнинг, алайҳиссалом, аҳли Жаннат бўлган бандани, гарчи у гуноҳи кабира қилган бўлса ҳам, шафоат қилишлари ҳақ эканлигига, Оиша онамиз Ҳадича онамиздан сўнг, дунё аёлларининг энг афзали ва мўминларнинг оналари эканлигига, унинг зинодан поклигига, унинг Равофизлар айтганларидан пок эканига, унга зинони нисбат берган кимса валади зино эканлигига, Аллоҳнинг мўминлар ҳақидаги: «Улар Жаннат

аҳлилариidlар. Улар унда абадий қолувчилардир...» ва кофиirlар хусусидаги: «Улар Дўзах аҳлилариidlар. Улар унда абадий қолувчилардир...» деган каломига биноан, жаннат аҳли Жаннатда ва дўзах аҳли Дўзахда абадий қолажаклари ҳақ эканлигига икормиз.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога ҳамд, Пайғамбаримизга (с.а.в.), у зотнинг авлодлари ва саҳобаларининг барчала-рига қиёмат кунигача дуруду саломлар бўлсинки, Имоми Аъзамнинг васиятлари ниҳоясига етди.

(Имоми Аъзамнинг ушбу васиятларини унинг энг етук шоғирдларидан ва энг йирик издошлиаридан бири Имом Абу Юсуф Яқуб ибн Иброҳим ал-Ансорий ривоят қилган. Имом Абу Юсуф 113 ҳижрий санада Куфада таваллуд топган. У ёшлигидәёқ илм олишга ҳавас қўйган, Имоми Аъзамга шоғирд тушиб, кўп илмларни ўргангандан ва йирик олим, муҳаддис ва фақиҳ бўлиб етишган. Сўнгра у Куфадан Бағдодга кўчиб ўтиб, Ҳодий, Маҳдий, Ҳорун ар-Рашид халифалик давларида қозилик мансабида хизмат қилган. У Ислом тарихида биринчи марта қозилар қозиси деган юксак даражасага эга бўлган. У ҳижрий сананинг 182 йили, Раби-ул аввал ойининг бешинчи – пайшанба куни пешиндан кейин Бағдод шаҳрида вафот этган. То бу дунёни тарк этгунга қадар қозилик лавозимида фаолият кўрсатиб турган. «Ал-Хирож», «Ал-Авзойнинг йўлига раддия» номли асарлар муаллифидир.)

АЛ-ОЛИМ ВА АЛ-МУТААЛЛИМ

(Устоз ва шогирд)

Ушибу китобнинг номи, гарчи олим ва таълим олувчи, деган маънони англатса-да, биз уни «Устоз ва Шогирд», деб таржима қилдик. Зеро, китоб Абу Ҳанифа билан у зоти шарифнинг шогирлари Имом Абу Балхий савол-жавоблари асосида таълиф этилган. Устоз ва шогирд ўртасида бўлиб ўтган илмий баҳсу мунозарани Имом Абу Муқотил ибн Муслим ас-Самарқандий ривоят килиб, бизгача етказган. Китобдаги савол-жавоблар ҳар бир мусулмон билиши зарур бўлган ўта муҳим ва ўта нозик масалаларни қамраб олган. Уни дикқат билан ўқиб чиққан ватандошларимиз, хусусан, толиби илmlар исломий эътиқодга оид ўзларини қийнаб юрган саволларга қониқарли жавоб топадилар, деб умид қиласиз.

Китоб шундай бошланади:

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

Аллоҳга ҳамд бўлсинки, Унинг инъомлари (неъматлари) боис солиҳ амаллар камолот чўққисига эришади.

Саййидларнинг Саййиди, хожамиз Муҳаммад, соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва у зотнинг авлодларига, саҳобаларига ва покиза аҳли аёлларига дуруду салом бўлсин!

Яратилиш ва парҳезкорлик жиҳатидан ҳам энг ҳақири бўлган, балки, ҳақиқатдан ҳам ҳеч нарсага арзимайдиган Мустафо Ошир, Аллоҳ уни мағфират қилсин ва номини гуноҳларидан кўра азиз қилсин, деди:

— Мен бузрук имомимиз Абу Ҳанифанинг (Аллоҳ у зотдан рози бўлсин) «ал-Олим ва ал-Мутааллим» асарини пиrim ва устозим Ҳожи Ҳусайн ибн Муҳаммад ибн Ҳасан ал-Миймий ал-Басрийдан (Аллоҳ раҳмат қилсин у зотни) ривоят қиласан...

Китобни мазкур сўзлар билан бошлаган Мустафо Ошир

ҳақиқатдан ҳам «ал-Олим ва ал-Мутааллим» рисоласи Имоми Аъзам қаламларига мансуб эканлигини исбот қилиш учун мазкур рисолани бевосита Имомимизнинг оғизларидан эшигтган Имом Абу Муқотил Ҳафс ибн Муслим ас-Самарқандийгача яшаб ўтган барча ровийларнинг номларини бирма-бир санаб ўтган.

Худди шунингдек, Мустафо Ошир Абу Ҳанифанинг «ал-Фикҳ ал-Абсат» асарини имомимизнинг оғизларидан у зотнинг шогирдлари Абу Мугиъ ал-Ҳакам ибн Абдуллоҳ ал-Балхий, «ал-Фикҳ ал-Акбар»ни эса Имомимизнинг ўғиллари Ҳаммод ибн Абу Ҳанифа эшитиб, ривоят қилганларини таъкидламоқ учун уларгача бўлган ҳамма ровийларни номма-ном баён қилган.

Биз ўқувчиларга малол келтирмасликни назарда тутиб, китобларни ривоят қилишда иштирок этган ровийларнинг тўлиқ номларини муфассал баён қилишни лозим топмадик. Уларни билишни истаганлар китобларнинг асл нусхаларига мурожаат этишлари мумкин.

УСТОЗ ВА ШОГИРД

Шоғирд:

— Устоз! Чуқур билимингиз, бой тажрибангиз, фазлу карамингиз ёрдамида кўнглимдан жой олган шубҳали саволларга қониқарли ва аниқ жавоб олиш учун хузурингизга келдим. Ҳаёт тақозоси билан мен турли хил фикрдаги одамларни учратиб тураман ва улар менга баъзида шундай саволлар берадиларки, уларга жавоб топишдан ожиз бўлиб қоламан. Уларнинг саволларига жавоб беролмасамда, билганим ҳақиқатдан қайтмайман. Зоро, ҳақни баён этгувчилар бор. Ҳақ йўқ бўлмайди. Ботил яшамайди.

Шунингдек, мени ҳали ҳеч нарсани билиб улгурмаган ёш толиби илмларга тенглаштиришларини ва гоҳида мени кўнглига келган нарсани айтаверадиган «бирсом» (жигар билан қалб ўртасининг шамоллашидан пайдо бўла-

диган қасаллик) дардига мубтало бўлган беморга қиёс қилишларини истамайман. Шунинг учун, устоз, Аллоҳ таоло ҳолингизни хайрли қилсин, эргашганим ҳақиқат аслини билишни ва уни сўзлашни истайман, токи ҳаводор ҳаддан ошмоқчи ё мени ҳақдан қайтармоқчи бўлса, мақсадига эришмасин, ё толиби илм мендан таълим олмоққа келса, унга ўзим тушиниб, ўргатай.

Устоз:

— Билмаган нарсларингни билишга интилишинг ҳар қанча таҳсинларга лойик. Билиб қўйгинки, инсон жисмидаги ҳамма аъзолар унинг кўзларига боғлиқ бўлганидек, унинг амаллари ҳам илмга боғлиқдир. Чўлда, адашилганида керак бўлган кўп озуқадан кўра тўғри юрилганида, зарур бўлган озгина озуқа қанчалик фойдали бўлса, илмга асосланган озгина амал ҳам жаҳолат ила қилинган ҳар қанча кўп амаллардан фойдалироқдир. Шунинг учун Аллоҳ таоло: «...”Биладиганлар билан билмайдиганлар тенг бўлурми?!” Дарҳақиқат, факат ақл эгаларигина эслатма олурлар» (Зумар, 9, мазмуни), деб марҳамат қиласди.

Шоғирд:

— Қалбимда илм олишга бўлган иштиёқимни янада зиёда қилдингиз, устоз. Юқорида айтганимдек, мен турли савиядаги одамлар билан мулоқотда бўлиб тураман. Улардан, иншааллоҳ, менинг назаримда энг паст савияда бўлганларидан гапни бошлайман. Менга уларга қарши далилларни айтинг. «Бу ишга асло дахл этма. Зеро, саҳобалар ҳам бу ишларнинг ҳеч бирига дахл этмаганлар. Улар қилганини қил», дейдиган тоифаларни кўрдим. Улар мени билганимдан ҳам оширишди. Улар тошқин дарё ичидан турган, унинг саёз жойини билмаганидан гарқ бўлаётганга, жойингда тур, саёз жойни излама, деяётган кишига ўхшайдилар.

Устоз:

— Сен уларнинг камчиликларидан баъзиларини кўриб, уларга қарши далил излаётганингни пайқадим. Агарда улар сенга: «саҳобаларга етган нарса сизга етмайдими?» десалар, уларга: «саҳобаларнинг ўринларида бўлганимда, уларга

етган нарса менга ҳам етарди, аммо уларнинг ҳузурида бўлган зот менинг ёнимда йўқ», дегин.

Биз, бизни бадном қилувчиларни ва қонларимизни тўкишни ҳалол дегувчиларга дучор бўлдик. Қайси биримиз ноҳақ ва қайси биримиз ҳақ? Буни билмаслигимиз мумкин эмас. Биз ўзимизни ва номусимизни ҳимоя қилмоғимиз лозим. Расууллоҳнинг, алайҳиссалом, асҳоблари эса, қарши курашувчилари бўлмаганидан аслаҳага эҳтиёж сезмаган халққа ўхшар эдилар. Биз эса, бизни бадном қилувчиларга ва қонларимизни тўкишни ҳалол дегувчиларга дучор бўлдик.

Инсонлар келишолмаган масалани эшитганида киши сўзлашдан тилини тийса-да, қалбини тиёлмайди. Зеро, қалб томонлардан бирини ё иккисини ҳам ёқтирмаслиги керак. Аммо келишолмаган томонларнинг ҳаммасини ёқтириши мумкин эмас.

Агар қалб зулмга мойил бўлса, золимларни яхши кўради. Қайси халқни яхши кўрса, улар жумласидан бўлади. Агар қалб ҳаққа ва унга эргашганларга мойил бўлса, уларга дўст бўлади. Бунинг сабаби шуки, амал ва сўзларнинг юзага чиқиши қалбга боғлиқдир. Шунинг учун ҳам тил билан имон келтириб, қалб билан имон келтирмаган банда Аллоҳ наздида мўмин эмас ва аксинча, қалб билан имон келтириб, тил билан имон келтирмаган банда Унинг наздида мўминдир.

Шогирд:

— Устоз, айтинг-чи, ким ҳақу ким ноҳақ эканлигини билмаслигимнинг менга зарари борми?

Устоз:

— Ҳақни ноҳақдан ажратса олмаслигинг сенга бир томондангина зарар қилмайди. Бошқа томонлардан ҳам зарар қиласиди. Сенга зарари етмайдиган томони шундаки, сен ноҳақнинг амали учун жазо олмайсан, Аммо унинг сенга зарарли томонлари эса ушбулардир:

1. Тўгрини нотўридан ажратса олмаслигинг сабабли одамлар орасида илми йўқ экан, деган ном оласан;

2. Ҳақ ёки ноҳақ эканлигингни билмаслигинг хато қиляпсанми ёки йўқми, ажрата олмаслигинг сабабли сени шубҳага туширади ва ундан чиқиш йўлини билмайсан;

3. Ҳақни ноҳақдан ажрата олмаслигинг натижасида сен бирорни Аллоҳ ризолиги учун яхши кўришингни ва ёки бирорни Аллоҳ ризолиги учунгина ёмон кўришингни билмай қоласан.

Шоғирд:

— Устоз, кўзларимдан жаҳолат пардасини олиб ташладингиз. Айтинг-чи, устоз, тўғри деб билинган киши мухолифларининг тўғрилигини ёки адашганини билмаса, уни ҳақиқатни билувчи ҳақиқат аҳлидан деб аташ мумкинми?

Устоз:

— Тўғри деб билинган киши мухолифларининг тўғрилигини ёки адашганини билмаса, адашган ва тўғрини билмаган жоҳилдир. Эй биродар! Улар менинг наздимда энг жоҳил ва паст тоифадир. Улар оппоқ кўйлак сотиб олиб, бир-биридан унинг рангини суриштираётган тўрт кишига ўхшайди. Уларнинг бири кўйлакнинг рангини қизил дейди, бошқаси сарғиқ, учинчиси эса қора ва ниҳоят, тўртинчиси унинг ранги оқ, дейди. Учови ҳақида қандай фикрдасан, улар ҳақмилар ёки адашдиларми? — деб тўртинчи сидан сўралса, у, мен аниқ биламанки, кўйлакнинг ранги оқ, аммо улар ҳақ бўлсалар ҳам ажаб эмас, деб жавоб беради. Худди шунингдек, бу тоифадаги одамлар: «биз аниқ биламизки, зинокор кофир эмас» ва «Зинокор зино қилаётган вақтида ундан имони кўйлагини ечган каби ечилади», деб ривоят қилган ровий, ажаб эмаски, ростгўй бўлса, биз уни ёлғончи ҳисобламаймиз, дейдилар. Шунингдек, улар: биз имкони бўла туриб, ҳаж қилмасдан вафот этган бандани мўмин деб атаймиз, унга жаноза ўқиймиз, талаби мағфират қиласиз ва унинг учун ҳажжи бадал амалини адо этамиз, яҳудий қавмида ва ёки масиҳий қавмида вафот қилибди, дейдиганларни ҳам ёлғончига чиқармаймиз, дейишади. Бундай тоифадаги одамлар шиалар, хаво-

рижлар ва муржиаларнинг айтганларини инкор этадилар, аммо уларнинг сўзларини айтадилар.

Бу уч тоифанинг сафсаталарини рост дегувчилар, ёлғон деб ҳисоблайдиганлар ҳам бор. Яна бу борада, Расулуллоҳ, алайҳиссалом, айтганлар, деб ҳисоблаганлари ривоятлар келтиришади. Улар: биз, шубҳасиз, Аллоҳ таоло Расулини (с.а.в.) ихтилоф чиқариш, мусулмонлар бир-бирларининг юзларини тирнашлари учун эмас, балки раҳмат этиб, тарқалганларни бирлаштириш, иттифоқни кучайтириш учун юборганини биламиз, дейишади ва ихтилофлар ривоятларнинг турли-туманлиги боис рўй бергандир, уларнинг носих ва мансухлари бор, деб ўйлайдилар-у, ривоятларни қандай эшитган бўлсак, шундай ривоят қиласиз, дейишади. Хайф уларгаки, оқибатларига тегишли ишларга оз аҳамият берадилар, одамлар олдиларида тик туриб, баъзи мансух бўлганларни айтадилар. Ваҳоланки, бугунги кунда мансухларга амал қилиш залолатdir. Чунки одамлар, мансухларга амал қилсалар, залолатга кетадилар.

Бизга маълумки Пайғамбаримиз, алайҳиссалом, бир оятни ҳеч қачон икки хил тафсир қилмаганлар, барча инсонларга носих оятларни носих ва мансухларни мансух, деб тафсир этганлар. Носих ва мансух масаласи фақат амр ва наҳийга оид оятларга дахлдордир. Хабар ва сифатларнинг ҳеч бирида мансух йўқдир.

Шоғирд:

— Устоз, Аллоҳ Сизни Жаннат билан сийласин. Ҳақиқатдан ҳам, сиз олижаноб муаллим экансиз. Илм соҳасида мен билмаган янги бобни очиб бердингиз. Мазкур тоифадаги одамлар сўзларининг заифлиги, фикрларининг ожизлигини чуқур билишда мен эътибор қилмаган томонларини баён этдингиз. Энди иккинчи тоифа кишиларнинг: «Аллоҳнинг дини кўп, у, яъни дин, Аллоҳ фарз этган барча амални бажариш, ҳаром қилган ҳамма нарсалардан сақланиш», дейишларини рад қилиш йўлини айтинг.

Устоз:

— Сен барча пайғамбарлар бир динда эканликларини

билмасмидинг?! Уларнинг ҳеч бири қавмини ўзидан олдин ўтган пайғамбарнинг динини тарқ этишга даъват қилмаган. Зеро, ҳамма пайғамбарларнинг дини бир бўлган. Ҳар бир пайғамбар ўз шариатига даъват этган, ўзидан аввал ўтган пайғамбарнинг шариатидан қайтарган. Уларнинг шариати ҳар хил ва кўп бўлган. Шунинг учун Аллоҳ: «...Ҳар бир (уммат) учун (алоҳида) шариат ва йўл (тайин) қилиб қўйдик. Агар Аллоҳ ҳоҳласа эди, сизларни бир уммат (бир хил шариатда) қилиб қўйган бўлур эди...» (*Муїда*, 48, мазмуни). Аллоҳ уларга бир динни барпо этишни буюрган. Удин тавҳид — Аллоҳни бир ва ягона, деб эътиқод қилмоқлик динидир. Аллоҳ бандаларнинг ушбу динда гурухгрух, тоифа-тоифа бўлиб кетмасликларини буюрган. Аллоҳ уларнинг динини битта қилган.

Аллоҳ таоло марҳамат қиласди: «**Аллоҳ Нуҳга тавсия қилгани, ваҳий орқали хабар бергани ва сизга** (Эй Мұҳаммад), **Иброҳимга, Мусога, Исога тавсия қилғанлари диндан эканлигини шаръий** (қонуний) **қилиб қўйди**».

«...сизлар учун дин бўйича Нуҳга буюрган нарсанни ва Биз сизга (Мұҳаммадга) ваҳий қилган нарсанни, (шунингдек), Биз Иброҳим, Мусо ва Исога буюрган нарсанни — шариат қилди...» (*Шуро*, 13, мазмуни). Бундан ташқари Аллоҳ бошқа оятларида ҳам: «(Эй, Мұҳаммад,) Сиздан илгари Биз юборган ҳар бир пайғамбарга ҳам: "Мендан ўзга илоҳ йўқ, бас, Менга ибодат қилинглар", — деб ваҳий юборгандирмиз» (*Анбиё*, 25, мазмуни).

«...Аллоҳнинг яратувчилигини (англангиз!). Аллоҳнинг яратишига ўзгартириш йўқ. Энг тўғри дин шудир...» (*Рум*, 30, мазмуни). Аллоҳнинг динини ўзгартириб бўлмас. Дин алмаштирилган, бузилган ва ўзгартирилган эмас. Аммо шариатлар ўзгартирилган ва алмаштирилган. Аллоҳ баъзи халқларга ҳалол этган нарсанни бошқа халққа ҳаром қилган, Аллоҳ баъзи бир ишни бир халққа амр қилган ва бошқа халқни ундан қайтарган. Шундай бўлгач, шариатлар кўп ва турли-туман бўлган. Шариатлар амрлардир.

Агар Аллоҳ таолонинг ҳамма амрларини бажариш ва

барча қайтариқларидан тиийилиш дин бўлса, Аллоҳ таоло-нинг бирор амрини бажармаган ё бирор қайтариғига қўл урган кимса диндан чиқади ва кофир бўлади. Агар кофир бўлса у билан мусулмонлар орасидаги никоҳ, мерос, жа-ноза, сўйганини ейиш каби ишлар йўқ бўлади. Зоро, Аллоҳ таоло уларнинг барчасини мўминлар ўртасида жорий қилган. Имон сабабли бир-бирларига ношаръий қон тўкиш ва молларини ношаръий ейишни ҳаром қилган.

Аллоҳ таоло мўминларни, динга иқрор бўлганларидан сўнг уларга фарзларни адо этишни амр этган. Аллоҳ таоло марҳамат қиласди:

«(Эй, Муҳаммад), имон келтирган бандаларимга айтинг, намозни мукаммал адо этсинлар...» (*Иброҳим*, 31, мазмуни); «Эй, имон келтирганлар, тақволи бўлишларингиз учун сизлардан олдинги (уммат)ларга фарз қилингани каби сизларга ҳам рўза тутиш фарз қилинди...» (*Бақара*, 183, мазмуни); «Эй, имон келтирганлар! Сизларга ўлдирилган кишилар учун қасос олиш фарз қилинди...» (*Бақара*, 178, мазмуни); «Эй имон келтирган бандалар, Аллоҳни кўп зикр қилинглар!..» (*Аҳзоб*, 41, мазмуни).

Ушбу фарзлар имон бўлганида эди, оятларда Аллоҳ таоло уларни бажармасларидан илгари бандаларни мўминлар, деб хитобан атамаган бўлур эди. Шубҳасиз, Аллоҳ таоло имон ва амал ўртасини ажратди. Аллоҳ таоло марҳамат қиласди: «Имон келтириб, солиҳ амалларни қилганларга...» (*Бақара*, 25, мазмуни); «Йўқ, кимки юзини (ўзини) Аллоҳга бўйсундирса, Рабби ҳузурида унга ажр муҳайёдир...» (*Бақара*, 122, мазмуни); «Кимки охиратни истаса ва мўминлик ҳолида (ўз) саъии билан ҳаракат қилса, бас, ундай зотларнинг саъилари (Аллоҳ наздида) манзурдир» (*ал-Исро*, 19, мазмуни).

Аллоҳ таоло имонни амалдан бошқа этди. Мўминлар Аллоҳга имон келтирганларидан намоз ўқийдилар, закот берадилар, рўза тутадилар, ҳажга борадилар ва Аллоҳни зикр қиласдилар. Улар намоз ўқишлари, закот беришлари, рўза тутишлари ва ҳажга боришларидан Аллоҳ-

га имон келтирмайдилар. Улар аввал имон келтириб, сўнг амал қиласидилар. Шунинг учун уларнинг фарзларни бажаришлари Аллоҳ таолога имон келтирганликларидандир. Уларнинг имонлари фарзларни бажарганликларидан эмас.

Бунга мисол: Бир одам қарздор бўлса, у, аввало, қарздорлигига иқрор бўлади, сўнгра қарзини тўлайди. У ҳеч қачон олдин қарзини тўлаб, сўнгра қарзига иқрор бўлмайди. Унинг қарзига иқрор бўлиши уни тўлаганидан эмас, балки унинг қарзини қайтариши қарзига иқрор бўлишидандир. Қуллар хожаларига хизмат қилганларидан уларга қулликни иқрор этмайдилар, балки қуллар хожаларига қул эканликларига иқрор бўлганидан уларга хизмат қила-дилар.

Сизлар ҳам бир-бирингизга хизмат қиласиз, бу билан қулликка иқрор бўлган бўлмайсиз, хизмат қилишни қулликка иқрорлик дейилмайди. Бошқа бирор қулликка иқрор бўлса-да, ишламаса ундан қуллик исми йўқолмайди.

Шогирд:

— Жуда яхши тушунтирдингиз, устоз. Менга айтинг-чи, имон ўзи нима?

Устоз:

— Имон тасдиқ, маърифат, яқийн (шубҳасизлик), иқрор ва Исломдан иборатдир. Тасдиқ қилишда одамлар уч хил даражада бўладилар:

1. Аллоҳни ва У томондан келган барча нарсани дили ва тили билан тасдиқ қиласидиганлар;

2. Аллоҳни ва У томондан келган барча нарсани дили билан тасдиқ қиласидиган, аммо тили билан инкор этадиганлар;

3. Аллоҳни ва У томонидан келган барча нарсани тили билан тасдиқ қиласидиган ва аммо дили билан инкор этадиганлар.

Шогирд:

— Устоз, мен топа олмай юрган масалани очдингиз. Айтинг-чи, мазкур уч даражадаги одамлар Аллоҳ таоло наздида мўмин ҳисобланадими?

Устоз:

— Аллоҳни ва У томонидан келган барча нарсаларни дили ва тили билан тасдиқ қилган бандалар Аллоҳ наздида ҳам, одамлар наздида ҳам мўминдирлар.

Тили билангина тасдиқ қилиб, дили билан инкор этган банда Аллоҳ наздида кофир, аммо одамлар наздида мўминдир. Чунки, одамлар бундай кимсанинг қалбида нима борлигини билмайдилар. Шунинг учун одамлар ундан зоҳир бўлган иқрорига қараб, уни мўмин, деб аташлари мумкин. Улар қалбларни билишга қийналишлари керак эмас.

Одамлардан, уларнинг наздида кофири, лекин Аллоҳ таоло наздида мўмини бор. Улар диллари билан Аллоҳни тасдиқ қиласидилар, лекин улар хавфу хатардан ўзларини ҳимоя қилиш учун тиллари билан куфрни изҳор қиласидилар ва одамлар уларнинг эҳтиёткорлигини билмай, уларни кофирлар деб атайдилар. Аммо улар Аллоҳ наздида мўминдирлар.

Шогирд:

— Кўп яхши гапларни айтдингиз, устоз. Аммо имонни тасдиқ, маърифат, яқийн, иқрор ва Ислом деб кўп ҳисобладингизми?

Устоз:

— Сен кўпам шошилаверма, фатвода эҳтиёт бўл. Менинг айтаётганимга эътирозинг бўлса, самимий бўлсанг, мендан уларни шарҳлаб беришни сўра! Одам эшитган сўзини ёқтираслиги ҳам мумкин. Унга агар сўз шарҳлаб берилса, ундан қониқиш пайдо бўлади. Сен бир гапни эшитиб ёқмагани учун уни қоралаш мақсадида, бу сўзниг мен билмаган тафсири ва сабаби бўлса керак, биродаримдан унинг тафсирини сўрайин, балки, бу сўзлар унинг оғзидан беихтиёр чиқиб кетгандир, уни аниқлаб олсам яхши бўларди, унинг асл мақсадини билмасдан туриб, уни айбдор қилишим дуруст эмас, деб одамлар орасида тарқатиб юрувчига ўхшама.

Шогирд:

— Устоз, Аллоҳ сизни событқадам қилсин, сизга бер-

ган яхшиликни давомли қылсын! Сұзларингизни англаб етдим. Мендан содир бүлган нұқсонау камчиликни кечириңг, мен ҳали фур шогирдман. Менға сиз тавсиф қылған тасдиқ, маърифат, иқрор, Ислом ва яқийнларнинг эътиборингиздаги даражаларини ва тафсирини айтиб беринг.

Устоз:

— Мазкур калималар турли бүлса ҳам, аммо уларнинг маънолари бир, яъни Имондир. Аллоҳни парвардигорим деб иқрор бўлиш, Уни парвардигорим деб тасдиқ қилиш, Уни парвардигорим деб яқийн этиш, Уни парвардигорим деб таниш (маърифат) Имондир. Бу сўзлар турли бўлса ҳам, уларнинг маъноси бирдир. Масалан, бир кишини: эй одам, эй киши, эй фалончи дейилса ҳам, унинг бир ўзи чақирилади.

Шоғирд:

— Устоз, агар илмим саёзлигини ва раъйим заифлигини билмаганимда, ҳузурингизга келмаган бўлардим. Устоз, мендан сизга ёқмайдиган ҳатти-ҳаракат содир бўлганини сезган ёки оғирлик ўтган бўлса, мени койиманг. Зеро, беморни даволаш оғирлиги табибга, кўзи ожизнинг оғирлиги кўзи очиқقا тушади. Худди шунингдек, олим саводсиз одамнинг оғирлигини кўтариши лозим. Сұзларингиздан жоҳил одам эшитса, унга ёқмайдиган сўзлар борлигини, агар унга ётиғи билан тушунтирилса, қаноат ҳосил қилишини англадим. Шунингдек, имон, тасдиқ, маърифат, яқийн ва иқрорни жуда яхши тушунтирдингиз. Энди айтинг-чи, бизнинг имонимиз фаришталар ва пайғамбарлар имонлари каби, деб қандай айтамиз. Шубҳасиз, уларнинг бизлардан кўра Аллоҳга итоатлироқ эканликларини биламиз-ку?

Устоз:

— Сен фаришталар ва пайғамбарларнинг биздан кўра Аллоҳга итоатлироқ эканликларини билибсан. Мен сенга имон амал эмас, деган эдим. Шунинг учун, бизнинг имонимиз ҳам уларнинг имонлари кабидир. Чунки биз ҳам улар каби Аллоҳнинг яккаю ягоналигини, Унинг пар-

шардигорлигини, Унинг қудратини ва У томонидан келган барча нарсаларни тасдиқ қилганимиз. Шунинг учун имонимиз фаришта ва расулларнинг имонлари каби деймиз. Анбиё ва расуллар ҳам уларни тасдиқлаганлар. Фаришталар-ку Аллоҳнинг ажойиботларини кўриб, Унга имон келтирганлар, биз эса уларни кўрмасдан турибоқ, имон келтирганимиз.

Шоғирд:

— Устоз, Аллоҳ сизни нажот топганлардан қилсан! Ўйтганларингиз фоят гўзал. Менга аён бўлдики, бизнинг имонимиз, тасдиқимиз ва жазмимиз фаришталарнидек экан. Айтинг-чи, улар нега бизга нисбатан Аллоҳдан қўрқадиганроқ ва Унга итоатлироқлар? Баъзи жоҳиллар бирор банданинг хатосини ё мусибат етганида бесабрлигини ёки душмандан қўрқанини ёки ҳою ҳавасга берилганини кўрганида, бу яқийн заифлиги деб айтишни қаердан олишган?

Устоз:

— Жоҳилларнинг яқийн заиф дейишларига келсак, улар яқийннинг тафсирини билмаганларидан айтишган. Яқийн бир нарсани ҳеч иккиланмай қаттий билмоқлиkdir. Имон келтирганларнинг бирортаси гуноҳ қилсалар ҳам, Аллоҳнинг ягоналигига, Унинг китобларига, Унинг фаришталарига шак-шубҳа қилмайдилар. Биз одамларнинг ҳолатини ўзимизнинг ҳолатимизга қиёслаймиз. Биздан хато ўтиши, бошимизга бирор мусибат етганида бесабрлик қилишимиз, душмандан қўрқишимиз мумкин. Аммо ҳеч қачон бизнинг қалбимизда Аллоҳга ва Унинг томонидан келган барча нарсаларга шубҳа туғилмайди. Биз бошқаларни ҳам ўзимиздай деб ўйлаймиз.

Ҳа, фаришталар, пайгамбарлар бизга нисбатан Аллоҳдан қўрқувчироқ ва Унга биздан кўра итоатлироқдирлар, бунинг бир неча сабаблари бор:

1. Улар пайғамбарлик ва расуллик билан сийланганларидек, қўрқиши, рағбат, олий хулқларда ҳам бошқалардан ортиқ қилингандар;

2. Пайғамбарлар фаришталардан биз күрмаган ажайи-ботларга шоҳид бўлганлар;
3. Пайғамбарларга гуноҳ ишлар олдида фурсат қўйилмаган;
4. Пайғамбарлар гуноҳкорлар бошига тушаётган жазони кўриб туарар эдилар ва бу ҳолат уларнинг гуноҳ ишлардан тийилишларига сабаб бўлган.

Шогирд:

— Устоз, сиз баён этганингизни тушундим. Сиз ҳақиқатни баён этишда ва уларни айтишда давом этмоқдасиз. Сиз менга баён этганингиз яқийнимиз, хавфимиз ва журъатимиз пайғамбарларнинг шундай хислатлари қандай фарқ қилишини қиёслаб тушунтириб беришингизни жуда истар эдим. Агар жоҳил ишининг оқибатини ўйласа ва ўрганишни истаса, унга тушунмаган бир ишни қиёслаб тушунтирангиз, тез тушуниб олишга имкони бўлади.

Устоз:

— Ҳа, қиёс ҳақида сўраб тўғри қилдинг. Зеро, ҳар бир толиби илм шериги билан дарсини музокара қилаётганида уни тушуна олмай қолса, ундан қиёслаб беришини илтимос қиласди. Билгинки, тўғри қиёс ҳақни изловчининг ҳаққини рўёбга чиқаради. Қиёс ҳақдор томонида тўғри ва рост гувоҳликка ўтаётган адолатли шоҳидга ўхшайди. Жоҳил одамлар ҳақни инкор қилмаганида, олимлар қиёс ва қиёслаш усулини ишлаб чиқмаган бўлур эдилар.

Бизнинг яқийнимиз ва фаришталарнинг ва пайғамбарларнинг яқийлари бир бўлса-ю, уларнинг қўрқуви бизнинг қўркувимиздан ортиқ бўлишининг қиёсини ислашингга келсак, буни, иккита бир хил сузиш маҳоратига эга бўлган кимсалар серсув ва тезоқар дарё ёқасига келиб, улардан бири сувга тушишдан қўрқмайдиган, иккинчиси қўрқадиган бўлганига ёки бир хил дардга чалинган икки беморга бир хил аччиқ дори берилганида, улардан бири уни ичишдан қўрқмагани, иккинчиси эса қўрқсанга қиёслаш мумкин.

Шоғирд:

— Яхши тушунтириңгиз, устоз. Бизнинг имонимиз пайғамбарларнидек бўлса, имонларимизнинг савобла-ри ҳам бир хил эмасми? Агарда бир хил бўлса, у вақтда пайғамбарларнинг биздан афзалликлари нимада? Дунёда имонларимиз teng бўладиган бўлса, охиратда ҳам имон савобида teng бўлишимиз керак. Агарда имонимиз савоби охиратда уларнидек кам бўлса, яъни имонимиз teng бўлса-ю, бизга уларнидек кам савоб берилса, зулм бўлиб қолмайдими?

Устоз:

— Сен масалани жуда жиддийлаштириб юбординг. Фат-вода эҳтиёт бўл! Бизнинг имонимиз пайғамбарларнинг имони каби эканлигини билмайсанми? Зоро, биз ҳам улар имон келтирган нарсаларга имон келтирганмиз. Аммо улар имонлари ва ибодатлари савобида биздан кўра ортиқдир. Чунки Аллоҳ уларни пайғамбарлик билан бошқалардан афзал қилганидек, уларнинг сўзларини ҳам, ибодатларини ҳам, уйларини ҳам, иқомат қиласиган жойларини ҳам, барча ишларини ҳам бошқаларнидек афзал қилган. Аллоҳ бизнинг савобимизни уларники билан баробар қилмагани зулм эмас. Зулм бизнинг савобимизни камайтириб, ранжитганида бўлар эди. Аммо бизнинг ҳақимизни камайтирамай берса, зулм бўлмайди. Пайғамбарлар бу дунёда бошқалардан ортиқ фазилатга эгадирлар. Зоро, улар халқ йўлбошчилари ва Аллоҳнинг ишончли бандаларидир. Аллоҳга ибодатда, Ундан қўрқишида, мاشаққат ва оғирликларга чидаш ва дош беришда ҳеч ким уларга teng кела олмайди. Яна Аллоҳнинг изни билан одамлар пайғамбарлар туфайли фазилатга эришганлар. Пайғамбарларга, уларнинг дуолари шарофати билан Жаннатга кирадиган бандаларнинг савоблари билан teng савоб ҳам бўлади.

Шоғирд:

— Аллоҳ сизни Жаннат билан сийласин, устоз. Ҳақни баён этдингиз. Аллоҳ ширқдан бошқа яна қандай гуноҳлар учун бандаларни азоблашини биласизми? Ё гуноҳлар-

нинг ҳаммаси мағфират қилинади деб ўйлайсизми? Ё улар-нинг баъзилари мағфират қилинади деб ўйласангиз, айтинг-чи, улар қайсилари?

Устоз:

— Мен Аллоҳнинг бандани ширкдан бошқа гуноҳ учун азоблашини билмайман. Аҳли қиблалар гуноҳкорлардан бирортасини Аллоҳ ширкдан бошқа гуноҳи учун азоблашига гувоҳлик бера олмайди. Аниқ биламанки, ширкдан бўлак баъзи гуноҳлар мағфират қилинади. Уларни да билмайман. Чунки Аллоҳнинг: «Агар сизлар ман этилган гуноҳларнинг катталаридан сақлансангизлар, кичик гуноҳларингизни сизлардан ўчирумиз...» (*Niso*, 31, мазмуну) оятига кўра, кечириладиган ва кечирилмайдиган ҳамма гуноҳи кабиралар ва кичик гуноҳларни билмайман. Аллоҳ ширкдан бошқа барча гуноҳларни мағфират қилса, ажаб эмас. Зеро, Аллоҳ: «Албатта, Аллоҳ ўзига ширк келтириш (гуноҳи)ни кечирмагай ва (лекин) ана шундан бошқа (гуноҳлар)ни ўзи хоҳлаган бандаларидан кечирур...» (*Niso*, 48, мазмуну). Аммо мен Аллоҳнинг қайси бандани мағфират қилишни исташини ва қайси бандани мағфират қилмаслигини ҳам билмайман.

Шогирд:

— Айтинг-чи устоз, шояд қотилни Аллоҳ мағфират қиласи ва бегонага бир қараганни азоблайди дея оласизми? Сизнинг назарингизда афв умид қилишда улар иккаласи ҳам бир хил даражада эмасми?

Устоз:

— Агар Аллоҳ қотилни мағфират қиласидиган бўлса, бегонага бир қараган одам мағфират қилинишга ҳақлироқдир. Агарда бегонага бир қараганга азоб берса, қотил ундан кўра кўпроқ азобланишга лойикдир. Чунки Аллоҳ: «Албатта, Аллоҳ наздида (энг азизу) мұкарраморингиз тақводоррингиздир...» (*Хужурот*, 13, мазмуну), деган. Бегонага бир қараган киши, одам ўлдирмаган бўлса, у қотилга нисбатан тақводорроқдир. Энди сен айтганингдек, уларнинг умидвор бўлиш масаласига келсак, менинг назаримда

иккаласи тенг эмаслар. Менимча, гуноҳи сафира қилган гуноҳи кабира қилгандан кўра умидворроқ. Лекин мен иккаласининг ҳам охиридан кўрқаман. Аммо мен учун гуноҳи кабира қилганнинг оқибати гуноҳи сафира қилганнинг охиридан хатарлироқ. Бунга қиёс келтирай. Икки кишидан бири денгизга ва иккинчиси кичик дарёга тушди. Мен уларнинг иккаласи ҳам сувға фарқ бўлиб кетишларидан кўрқаман ва иккаласининг ҳам нажот топишларига умид қиласман. Аммо шунга қарамай, мен кичик дарёга тушган кишига нисбатан, денгизга тушган кимсаннинг фарқ бўлишидан кўпроқ кўрқаман ва денгизга тушган кимсага кўра кичик дарёга тушган кимсаннинг нажот топишига кўпроқ умидвор бўламан. Худди шунга ўхшаш, мен гуноҳи кабира қилган одамнинг тақдиридан кўпроқ кўрқаман. Гарчи мен иккала гуноҳкорнинг мағфират қилинишидан умидвор бўлсам ҳам, ва уларнинг амалларига қараб оқибатидан кўрқсам ҳам, гуноҳи кабира қилганнинг оқибати гуноҳи сафира қилганнинг оқибатидан кўрқинчлироқ, гуноҳи сафира қилганнинг оқибати гуноҳи кабира қилганнинг оқибатидан умидлироқдир.

Шогирд:

— Қиёсни жуда яхши қилдингиз, устоз. Айтинг-чи, гуноҳи кабира содир қилган кишининг гуноҳи кечирилишини сўраш яхшими ёки уни лаънатлаб, дуоибад қилган яхшими? Сиз қайси бирини ихтиёр этган бўлардингиз, уни лаънатлаган бўлармидингиз ёки унга истиффор айттармидингиз? Буларнинг барини менга тушунтириб беринг!

Устоз:

— Аллоҳга ширк келтиришдан бошқа ҳамма гуноҳлар икки тоифага бўлинади. Бу икки тоифадаги гуноҳлардан қайси бирини қилган банданинг гуноҳи кечирилишини сўраб, унинг ҳаққига дуои хайр қилиш афзалдир. Агарда уни лаънатласанг, гуноҳкор бўлиб қолмайсан. Масалан, бир одам сенга нисбатан айб иш қилиб қўйса, сен унинг гуноҳидан кечиб, уни лаънатламаганинг албатта яхшироқдир.

Шунингдек, бир одам Аллоҳга гуноҳ иш қилиб қўйди, аммо Унга ширк келтирмади, ундей одамга раҳмдиллик қилиб, калимаи шаҳодатнинг ҳурматидан унга мағфират тилашинг афзалроқдир. Агарчи, сен унинг ҳаққига дуоибад қилиб, эй Раббим, уни гуноҳи учун жазолагин деб илтижо қилсанг, гуноҳкор бўлиб қолмайсан. Аммо у гуноҳкор бўлмаса ҳам, эй Раббим, уни жазолагин, десанг, гуноҳкор бўлиб қоласан. Гуноҳкорга истиғфор айтишингда икки хислат бор. Бири шуки, у одам мўмин банда, иккинчиси, сен гуноҳкор бандани Аллоҳ азоблашини аниқ билмайсан. Агарда Аллоҳ унга азоб беришини аниқ билсанг, у ҳолда унга истиғфор айтишинг ҳаромдир. Чунки Аллоҳ азобланишга маҳкум этилган гуноҳкорга истиғфор айтишни манъ қилган. Аллоҳ азоблайман деганга мағфират сўраш Аллоҳнинг сўзини бажармаслигини тилаш: эй Аллоҳ, мени бир ўзими ни ўлдирмагин, дейиш кабидир. Чунки Аллоҳ: «**Ҳар бир жон ўлим (аччиғи)ни тотувчиидир...**» (*Оли-Имрон, 185, мазмуни*) деб марҳамат қилган.

Калимаи шаҳодат шарофати ва ҳурмати юзасидан калимаи шаҳодат келтирган ва унга иқрор бўлган бандалар учун истиғфор айтиш афзалдур. Аллоҳга ибодатлар қилганида калимаи шаҳодатга иқрорликдан кўра ортиги йўқдир.

Еру осмон ва улар бағридаги нарсалар олдида тухум қанчалик кичик бўлса, барча фарз амаллар калимаи шаҳодат олдида тухумдан ҳам кичикроқдир.

Аллоҳга ширк келтириш қанчалик катта гуноҳ бўлса, калимаи шаҳодат келтириш шунчалик катта савобдир. Аллоҳ таоло бирор ёмон амал гуноҳини ширкнинг гуноҳини катта қилгандек катта этмаган: «...**Аллоҳга ширк келтирмагин!** Чунки, ширк улкан зулмдир» (*Луқмон, 13, мазмуни*); «**Аллоҳга чин ихлос қилиб, Унга ширк келтирмаган ҳолингизда** (мазкур ишларни бажаринг). Кимки Аллоҳга ширк келтирса, бас, у гўё осмондан қулаган ва уни қушлар (ўлжа қилиб) олиб кетган ёки уни (қаттиқ) шамол йироқ жойларга учириб кетгандекдир» (*Ҳаж, 31, мазмуни*); «(Мушриклар): «**Раҳмон фарзанд тутди**», — дедилар. (Эй,

мушриклар,) сизлар шундай оғир гап айтингизки, унине (огирилигидан) осмонлар ёрилиб, Ер бўлинниб, тоғлар қулаб, парчаланиб кетаёзур» (*Марям*, 88—91, мазмуни).

Аллоҳ қотиллик ва ундан кичик гуноҳлар хусусида бунча қаттиқ айтмаган.

Шоғирд:

— Борган сари, эй устоз, суҳбатингизга иштиёқим зиёда бўлаётир. Аллоҳ сизни барча мўминлар номидан сийласин! Уларнинг яхшилари ва гуноҳкорлари тўғрисидаги сўзингиз, фикрингиз ва муносабатингиз, фазилатларини билишингиз, уларга меҳрибонлигингиз жуда гўзалдир. Айтинг-чи, устоз, аҳли қиблалар ҳақидаги фикру мулоҳазаларида адолат аҳлининг баъзилари баъзилардан афзалми?

Устоз:

— Адолат аҳлларининг уммат ҳурматини улуғлашда сўzlари бирдир. Бироқ, илмда, Аллоҳнинг амрларини улуғлашдаги асосда, Унга дуюю илтижо қилишда, қийинчиликларни кўтаришда, мўминларни фасод ишлардан ҳимоя этишда, уларнинг ҳурматини улуғлаш йўлини излашда ва ҳимоя этишда, адолат аҳлларининг бир-биридан ортиқ эканликлари намоён бўлади. Улар гўё юрт бошига душман бостириб келган вақтда бир бўлиб халқни ҳимоя қилишга отланган аскарларга ўхшайдилар. Аскарлар ҳам бир-биридан жанг қилиш ва душманни қириш маҳоратида, ёвни енгиш учун ҳийла ишлатишда, молу давлатларини фидо қилишда, ёвга қарши таргибу ташвиқот ишларида фарқ қиласидилар.

Шоғирд:

— Қасам ичаманки, устоз, бу каби қиёслашни шу кунга қадар эшитган эмасман. Айтинг-чи, гуноҳи кабира қилган мўмин Аллоҳнинг душмани бўладими?

Устоз:

— Мўмин одам Аллоҳга ширк келтирмаса, ҳар қанча гуноҳ қиласа ҳам, Унга душман бўлмайди. Душман эса ўз душманидан нафратланади ва уни камситади. Мўмин одам, бирор гуноҳи кабира қиласа-да, Аллоҳ унга барча нарсалар-

дан азиз ва севимли зот бўлиб қолаверади. Агар бундай одамга ўзини ёкиб юбориш ёки Аллоҳга юракдан туҳмат қилишдан бирини танлаш ихтиёри берилса, албатта, у ўзини ўтда ёкиб юборишни Аллоҳга туҳмат қилишдан яхши кўради.

Шогирд:

— Унга Аллоҳ бошқа нарсалардан суюклироқ бўлса, нега гуноҳ қиласди? Ахир бир одам иккинчи бир одамни яхши кўрса, унинг буйруғидан бош тортмайди-ку?

Устоз:

— Ҳа, фарзанд отани севади, аммо шунга қарамасдан унга саркашлиқ қилиши мумкин. Мўминга Аллоҳ ҳаммадан ҳам маҳбубдир. Агар у Аллоҳга гуноҳ қилса, бу шаҳватнинг зоҳир ва ғолиб бўлганидандир. Масалан, бир одам султон ҳузурида хизматчи эди. Султон уни ишдан бўшатди ва сўнгра унга азоб берди, қийнади. Шунга қарамасдан, у, имкон берилса, ўз ишига қайтаверади. Аёл ҳам туғиши машаққатларига қарамай, нифосдан фориг бўлгач, яна фарзанд туғишини орзу қиласверади.

Шогирд:

— Шаҳватнинг ғолиб келиши тўғрисида маълум сўзни айтдингиз. Жуда кўп обидларни шаҳват енган. Одам, алайҳиссалом ва Довуд, алайҳиссалом, улар жумласидандирлар. Менга айтинг-чи, устоз, мўмин гуноҳ учун азобланишини билган ҳолда гуноҳ қиласдими?

Устоз:

— Мўмин одам гуноҳ учун азобланишини билса, гуноҳ қилмайди. Аммо икки сабабга кўра гуноҳ ишга қўл уради: Биринчиси, у Аллоҳдан мағфират умид қиласди ва иккинчиси, у касал бўлишидан ёки ўлиб қолишидан олдинроқ Аллоҳга тавба этишдан умид қиласди.

Шогирд:

— Киши азобланишидан кўрқсан нарсага ҳам қўл урадими?

Устоз:

— Ҳа, киши ўзига зарар қиласдиган овқатга, сувга, жангга ҳам тоҳо қўл уради. Унда денизга тушганида фарқ

бўлмасликка, жантга кирганида зафар қозонишга умид бўлмаганида эди, у ҳеч қачон жангга ҳам кирмас ва денгизга ҳам тушмаган бўлар эди.

Шоғирд:

— Тўғри айтдингиз, устоз. Мен буни шахсан бошимдан ўтказганман. Бир кун бир овқатдан еганимда қорним оғриб қолди. Мен уни истеъмол қилганимдан жуда афсусландим ва ўша овқатни бошқа ҳеч емасликка аҳд қилдим. Аммо кейинроқ уни яна шундай овқат келтиришганида сабрим чидамади ва уни едим.

Менга куфр ҳақида батафсил маълумот беринг, устоз. Унинг номи, изоҳи ҳақида сўзлаб беринг.

Устоз:

— Куфрнинг номи ва шарҳи бор. Унинг шарҳи: инкор этиш, бўйин товлаш ва ёлғонга чақиришdir. «Куфр» арабча сўздир. Араблар инкорга куфр номини берганлар. Аллоҳ Куръони каримни араб тилида нозил қилган. Бир мисол келтираман. Бир одамнинг иккинчи бир одамда дирҳамлари бўлса, қарзини қайтариш муддати келгач, уни кўрганида, қарзга инкор бўлиб, тўламаса, қарз берган киши уни «кофараний» демай, «моталаний», яъни, у қарзини берадиган вақтини ўтказиб юборди, дейди. Агарда қарздор қарзини мутлақо инкор этиб, уни рад қилса, ҳақдор «моталаний» демай, «кофараний» дейди. Шунга ўхшаш, мўмин одам бирор фарз амални, уни инкор этмаган ҳолда, тарк этса, у гуноҳкор дейилади. Агарда у фарз амалини мутлақо инкор этган ҳолда тарк этса, Аллоҳнинг фарз амалини тарк этувчи кофир, дейилади.

Шоғирд:

— Тўғри айтдингиз, устоз. Киши инкор этганлиги сабабли мункир, тасдиқ қилса, мусаддиқ, ёмонлик қилса, ёмон, яхшилик қилса, яхши дейилиши маълум. Энди тавҳидни баён этиб, мен: «Мұхаммад алайҳиссаломни инкор қиласман», деган киши ҳақида айтинг.

Устоз:

— Биз бундай одамни кофир ва Аллоҳни танийман,

деган гапида ёлгончи деймиз. Уларнинг Муҳаммад алайхиссаломни инкор этиши Аллоҳни инкор этишига далиллар. Аллоҳни инкор этган шахс Муҳаммад алайхиссаломни инкор этади. Насронийлар Аллоҳнинг ягоналигини инкор қилганидан, «Аллоҳ учтанинг учинчиси», деб гумон қиласидар. Улар Аллоҳ бечора, хасис, Узайр Унинг боласи, Унинг шакли одам боласига ўхшайди, деб гумон қиласидар. Оташпастлар ва Ою Куёшга сифинувчилар ҳам улар кабидирлар. Аллоҳ: «...Бизнинг оятларимизни фақат коғирларгина инкор қилурлар» (*Анкабут*, 47, мазмуни), «Бас, Раббингиз ҳаққи, улар ўрталарида чиққан низоларга Сизни ҳакам қилмагунларича ва сўнгра чиқарган ҳукмингиздан дилларида танглик сезмай, тўла таслим бўлмагунларича, зинҳор имон келтирмагайлар» (*Нисо*, 66, мазмуни), деган.

Биз, «Аллоҳни танийман, аммо Муҳаммад алайхиссаломни инкор қиласман», деган банданинг ушбу сўзини, унинг Аллоҳни инкор этишлигига далил қиласиз. Унинг гапи, икки қафиз (*оғирлик ўлчови, бир қафиз таҳминан ўн саккиз килога тенг*) юкни ҳам кўтара олмайдиган одамнинг йигирма қафизни кўтара оламан, деганидек гап. Биз биламизки, икки қафиз кўтара олмайдиган банда, йигирма қафиз юкни мутлақо кўтара олмаслиги ойдек равшан.

Агарда бир одам, Аллоҳ ҳақлигини биламан, аммо инсон яратилганлигига мен иқорор эмасман, деса, биз биламизки, у ўз гумонида ёлғончидир. Агарда у Аллоҳни таниганида эди, Аллоҳдан ўзга нарсалар махлуклигини биларди. Худди шунингдек, бир одам олдида бир хил ма-софада чироқ ва гулхан бўлса ва у, мен чироқни кўярпман, аммо гулханни кўрмаяпман деса, биз унинг ёлғончилигини биламиз. Чунки кичкинагина чироқни кўрган одам катта гулханни жуда яхши кўради.

Шоғирд:

— Жавобларингиз мени ўта хушнуд қилди. Айтинг-чи, устоз, бир одам Пайғамбаримиз алайхиссаломга, «мен сизнинг Аллоҳнинг элчиси эканингизни биламан ва шун-

га қарамай, сизни қатл қилишни хоҳтайман», деса нима бўлади?

Устоз:

— Бу камситувчиларда бўладиган муаммо. Бундай бўлиши эҳтимолдан йироқ. У чиндан ҳам Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг Аллоҳнинг элчиси эканликларини билса, у зотни қатл этишни, ўлимларини ва уларга озор этишини ҳам ҳеч истамайди. Бу бир одамнинг бошқасига: «сен менга ҳамма одамлардан кўра ҳам суюклисан, аммо мен сени ўз қўлим билан ўлдириб, гўштингни ейишни истайман», деганига ўхшаб кетади.

Аллоҳнинг ягоналигини тасдиқ қилган ва Муҳаммад алайҳиссаломга имон келтирганлардан бирортаси Расулуллоҳни бесавод камбағал бўлганлар, дейишида у зотни айблаш ё камситишни хаёлларига келтирмайди. Ким Аллоҳни ва Муҳаммад алайҳиссалом Унинг пайғамбари эканликларини билса, асло у зот шаънини камситадиган гапни айтмайди. Аллоҳ таоло Пайғамбаримизнинг мартабаларини улуғлаб, марҳамат қиласи: «**Кимда-ким Пайғамбарга итоат этса, демак, у Аллоҳга итоат этибди...**» (*Нисо, 80, мазмуни*). Зоро, Аллоҳ Пайғамбаримизни инсонлару жинларнинг барчасига йўлбошли ва фарзларига омонатдор қилган. Аллоҳ таоло: «...**Пайғамбар сизларга келтирган нарсани олинглар, у сизларни қайтарган нарсадан қайtingлар ва Аллоҳдан кўрқинглар!**...» (*Хашр, 7, мазмуни*), деб марҳамат қиласи.

Шогирд:

— Субҳаналлоҳ! Аллоҳ Қиёмат кунида сизнинг йўлингизни мунаввар айласин. Бир одам: «Аллоҳни танийман, лекин Унинг боласи бор бўлишини истайман», деса қандай бўлади?

Устоз:

— Ҳайҳот ва яна ҳайҳот. Аллоҳ боладан муназзаҳдир. Бу ва юқорида берган саволинг ва уларга ўхшаш саволлар камситувчиларда бўладиган муаммолардир. Ўлик одам тушкўради, деб қандай айта оласан. Аллоҳнинг ягоналигига

ишонган киши ўлук одамни туш кўради, демаганидек, Аллоҳнинг боласи бор, дейишни ҳам истамайди.

Шоғирд:

— Қасам ичаманки, юқоридаги саволлар, сиз айтганингиздек, камситувчиларда бўладиган муаммолар. Жуда бемаъни гаплар. Айтинг-чи, бугунги нифоқ аввалги нифоқ кабими? Бугунги куфр аввалги қуфрдекми? Нифоқ қадимда қандай бўлган?

Устоз:

— Ҳа, бугунги нифоқ ва бугунги куфр аввалгилариdek. Бугунги Ислом ҳам аввалги Исломдир. Сенга аввалги нифоқ тўғрисида айтиб берай.

Аввалги нифоқ инкор этиш, тил билангина иқорор ва тасдиқ қилиш, қалбда ёлғон дейиш бўлган ва бугунги нифоқ ҳам шундай. Аллоҳ Қуръони каримда мунофиқларни шундай тавсиф қилган: «(Эй, Муҳаммад,) мунофиқлар хузурингизга келиб: "Гувоҳлик берамизки, Сиз, албатта, Аллоҳнинг пайғамбаридан сизга мурасимли", — дерлар...» (*Мунофиқун, 1, мазмуни*). Аллоҳ мунофиқларнинг мазкур гувоҳликлари ёлғон эканлигини таъкидлаб: «Сиз Унинг пайғамбари эканлигинизни Аллоҳ албатта билур ва Аллоҳ мунофиқларнинг ҳақиқатан ёлғончи эканликларига ҳам гувоҳлик берур» (*мазкур оятнинг давоми*), деб марҳамат қиласди. Уларни ёлғончи дейиш, айтганлари ёлғонлигидан эмас, балки тиллари билан айтганлари дилларидаги тасдиқларига мувофиқ бўлмаганидантир. Бақара сурасида Аллоҳ мунофиқларнинг асл башаралари тўғрисида шундай деган: «Имон келтирган кишиларга дуч келиб қолганларида: «Биз ҳам имон келтиридик», — дейдилар. Ўз шайтонлари (бошликлари) билан холи қолганларида эса: «Биз, албатта, сизлар билан биргамиз, фақат биз (мўминларни) мазах қилувчилармиз, холос», — дейдилар» (*Бақара, 14, мазмуни*).

Шоғирд:

— Қасамки, гапларингиз тўғри, устоз! Айтинг-чи, Аллоҳ одамларни нега мўминлар ва кофирлар, деб атади ва биз уларни нега мўминлар ва кофирлар деймиз?

Устоз:

— Аллоҳ уларнинг қалбларидағи эътиқодлари учун мўминлар ва кофирлар дейди. Биз эса уларнинг тиллари билан иқрор ва тасдиқ қилишларига, ёлғон ва сохта сўзларига, кийимларига ва ибодатларига қараб уларни мўмин ёки кофир, деймиз. Масалан, бизга нотаниш халқнинг масжидларида қиблага қараб намоз ўқиётганига шоҳид бўлсак, уларни мўминлар деб айтамиз ва уларга салом берамиз. Аммо улар масиҳийлар ё яҳудийлар бўлишлари эҳтимолдан холи эмас. Пайғамбаримиз алайҳиссалом даврларида мусулмонлар мунофиқларни ҳам уларнинг ташқи ва зоҳирان иқрор бўлганларига қараб, улар қалбларидағи ёлғон учун Аллоҳ эътиборида кофир бўлсалар ҳам, мўминлар деб атайдерганлар. Шунинг учун биз Аллоҳ эътиборида кофир бўлганларни ҳам юзаки кўринишларига қараб мўминлар, бошқаларни эса қиёфасига қараб, кофирларнинг кийим-бошини кийиб олган бўлса, қалбida Аллоҳни иқрор ва тасдиқ қилиб, намоз ўқиб юришини билмаганимиз учун Аллоҳ наздида мўмин бўлса-да, кофир деймиз. Аллоҳ бизни бунинг учун жазоламайди. Чунки Аллоҳ бизга қалб илмини ва унинг сир-асрорларини билишни юкламаган. Бизга Аллоҳ одамларни мўминлар, деб аташни, уларни севиши. уларнинг зоҳирий ножӯя амаллари учунгина улардан нафратланишни буорган. Аллоҳ сиру асрорлардан хабардор ва уларни билувчи зотдир. Аллоҳ кироман котибийн фаришталарига ҳам одамларнинг зоҳирий амалларини ёзиб боришга амр қилган. Уларга ҳам қалб сари йўл йўқ. Зеро, қалб ишидан фақат Аллоҳ хабардор, агар ваҳий этилса Пайғамбарлар ҳам ваҳий орқали уларга хабар берилган нарсанигина билади, холос. Қалб илмини ваҳий этилмасдан билишни даъво қилган банда, Аллоҳнинг илмини билишни даъво қилган бўлади. Аллоҳга хос бўлган қалб илми ва шунга ўхшашиб илмни биламан, деб даъво қилган банда катта гуноҳ қилган бўлади ва у кофир ва дўзахий бўлишга маҳкумдир.

Шогирд:

— Жуда яхши гапларни айтдингиз, устоз! Энди айтинг-чи, «иржо»нинг асли ва унинг шарҳи қандай бўлади, ким ишини «таъхир», яъни «иржо» қиласди?

Устоз:

— Иржо асли фаришталар томонидан содир бўлган. Уларга Аллоҳ ашёларни кўрсатиб: «Агар ростгўй бўлсангиз, ана у нарсаларни номлари билан Менга айтиб берингиз!» (*Бақара, 31, мазмуни*) деб марҳамат қилганида, улар асоссиз гапириб, хато қилишдан кўркиб, тўхтаб қоладилар. Ва бирордан сўнг: «Зоти покинг ҳаққи, бизда Ўзинг билдирганингдан ўзга илм йўқдир. Албатта, Сен илм ва ҳикмат эгасидирсан» деб жавоб қиласдилар. Билмаган нарсаси тўгрисида сўралган одам, ўйламасдан гапириб, адашса, хаторкор бўлиб, тўғри топса, асоссиз гапирганидан таҳсинга сазовор бўлмаганидек, фаришталар беҳуда гапирмадилар. Шунинг учун Аллоҳ Пайғамбаримизга: «(Эй инсон), ўзинг (аниқ) билмаган нарсага эргашма!», яъни аниқ билмаган нарсангни сўзлама, «Чунки қулоқ, кўз, тил — буларнинг барчаси тўгрисида (ҳар бир инсон) масъул бўлур (жавоб берур)» (*Ал-Исрор, 36, мазмуни*) деб марҳамат этади.

Аллоҳ пайғамбарига билмаган нарсаси тўгрисида тахмин билан сўзлашга, бировга адоват қилишга, тұхмат қилишга мутлақо рухсат бермаган. Афсуски, одамлар бир-бирларига нималар қилмайдилар, билмасдан, гумон билан ўзгаларни айблайдилар!

Агар сендан, сен билмаган ҳалол ё ҳаром ҳақида сўрашса, «Аллоҳу аълам биҳи», яъни, уни Аллоҳ билгувчироқдир, десанг тийилган бўласан. Ва яна ҳузурингга уч киши келиб, сен билмаган ва тажриба ва қиёсда билмаган ҳадис ҳақида сўрашса, уни билишни Аллоҳга ҳавола этсанг, вукуф қилган бўласан.

«Иржо»нинг шарҳи: Тасаввур қилгин, сен бир тинч ва хотиржам қабила ичида эдинг. Уларни шу ҳолатда тарк этдинг. Кейинчалик эшитиб қолдингки, улар икки тоифага бўлинишиб, бир-бирлари билан урушиб кетибдилар.

Бу нохуш хабарни эшитиб, сен яна уларнинг олдига бординг. Кўрдингки, улар эски ҳолатдагидек бир-бирлари билан иноқлиқда яшаётган эканлар. Лекин уруш натижасида курбонлар берилганига шоҳид бўлдинг. Бу тўғрисида икки томондан ҳам сўраб-суриштирудинг. Икки томон ҳам ўзларига зулм қилинганини таъкидладилар. Уларнинг қайси бири ҳақ, қайси бири ноҳақ эканлигини исботлаш учун эса бирорта ҳам гувоҳ йўқ. Улар бир-бирлари билан хусуматда бўлганлари сабабли, уларнинг бир-бирларига нисбатан берган гувоҳликлари айблаш учун асос бўла олмайди. Шу вазиятда сен у икки томоннинг бирортасини жабрланган ва бошқасини зулмкор, демай туришинг лозим. Аммо уларнинг иккаласи ҳам ҳақ эмаслигини билишинг керак. Чунки бир-бирини ўлдирганлиги боис уларнинг иккаласи ҳам хато қилган ёки бири ҳақ ва иккинчиси ноҳақ бўлиши мумкин. Шунда жиноят қилган томонни дўзахий ё жаннатий, демай туришинг «иржо» дейилади.

Барча одамлар, бизнинг фикримизча, уч даражага бўлинадилар:

Биринчи даража — Пайғамбарлар жаннатийдирлар ва пайғамбарлар жаннатий деганлар ҳам жаннатий;

Иккинчи даража — мушриклар, уларни дўзахий деб шаҳодат берасан;

Учинчи тоифа — муваҳҳидлар. Уларни Жаннат аҳли ё Дўзах аҳли дейишдан тийиласан.

Лекин биз уларга яхшиликни умид қиласиз, оқибати ёмон бўлишидан ҳам қўрқамиз. Улар ҳақида Аллоҳ таолонинг: «...Яхши ишни бошқа — ёмонига аралаштириб юборганлар. Аллоҳ уларнинг тавбаларини шояд қабул қилса...» (*Тавба, 102, мазмуни*), деб марҳамат қилганини айтамиз.

Биз улар учун яхшиликни умид қиласиз. Зоро, Аллоҳ истаган бандасининг ширкдан бўлак гуноҳини кечиради, гуноҳлари ва хатолари сабабли уларнинг оқибатидан қўрқамиз.

Шогирд:

— Мунча ҳам адолатли, мунча ҳам тушунарли ва мун-

ча ҳам ҳақиқатта яқин бўлган сўзлар! Айтинг-чи, устоз, пайгамбарлар ва улар айтганлардан бошқа намоз ўқийдиган, рўза тутадиган одамни кўриб, уни Жаннатга киради, дея оласизми?

Устоз:

— Йўқ.

Шоғирд:

— Сиз одамларнинг: «Мўмин зино қилса, бошидан имонини кўйлагини ечгандай ечиб ташлайди ва тавба қилса, унинг имони қайтарилади», деган ривоятларини тасдиқлайсизми ёки унга шубҳа билан қарайсизми? Агар бундай сўзни тасдиқласангиз, хаворижларнинг сўзига кўшиласиз. Сўзларига шубҳа қилсангиз, хаворижларнинг аслига шубҳа қилиб, айтган ҳақиқатингиздан қайтган бўласиз. Агарда уларнинг сўзини ёлғонга чиқарсангиз улар сизга, Пайғамбаримиз сўзларини рад қиляпсан, дейдилар. Чунки улар ривоят қилган гап ровийларининг силсиласи Пайғамбаримиз алайҳиссаломгача бориб етади.

Устоз:

— Мен хаворижларни ёлғончиларга чиқараман. Уларни ёлғончига чиқаришим ва уларнинг сўзларини рад қилишм асло Пайғамбаримиз алайҳиссаломни ёлғончига чиқариш, деган маънони англатмайди. Пайғамбарнинг сўзлари ёлғон дейман деган кимсагина Пайғамбаримиз сўзларини ёлғонга чиқарган бўлади. Аммо одам, мен Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг барча сўзларига ишонаман, лекин у зот нотўғри ва Куръонга хилоф гап айтмаганлар, деса, бу унинг Пайғамбарни ва Куръонни тасдиқ этиши ва Пайғамбаримиз Куръонга хилоф қилмаганлар дейиши бўлади. Мабодо, у зот Куръон оятларига зид бирор нарса деганларида ёхуд Аллоҳ таолога нисбатан ноҳақ сўз айтганларида, Аллоҳ уларни жазоламасдан қўймас эди. Чунки Аллоҳ таоло: «Агар (пайғамбар) Бизнинг номимиздан (Биз айтмаган) баъзи сўзларни тўқиб айтганида эди, албатта, Биз унинг ўнг қўлидан тутган, сўнгра унинг шоҳтомирини узиб ташлаган бўлар эдик. У ҳолда сизлардан бирор киши ундан (пайғамбардан

ҳалокатни) тўса олувчи бўлмас эди» (*Ал-Ҳааққа*, 44—47, мазмуни), деб марҳамат қилган.

Аллоҳнинг пайғамбари ҳеч қачон Унинг китобига хилоф қилмайди. Аллоҳнинг китобига хилоф қилган Унинг пайғамбари бўлмайди. Уларнинг ривояти Куръонга хилофдир. Чунки, Аллоҳ таоло Куръонда зинокор эркак ва фоҳиша аёл деб номлаб, улардан имонни рад этмади. Аллоҳ шундай марҳамат қиласи: «**Сизлардан ўша (зинокорлик)ни қилганиларнинг иккиси (эркак ва аёл)га...**» (*Niso*, 16, мазмуни). Бу оятдаги «сизлардан» сўзида мўминлар назарда тутилмоқда. Насронийлар ёки яхудийлар назарда тутилмаган.

Кўриб турибсанки, биз далил асосида хаворижларнинг сўзларини рад қилмоқдамиз. Куръони каримга хилоф ҳадисни Пайғамбардан деб айтётган кишини қайтариш Пайғамбаримизни қайтариш ёки у зотни ёлғончига чиқариш деган гап эмас, балки, унинг Пайғамбардан деб гапирган ботил ва тухмат сўзини рад этишидир. Бундай одамнинг раддияси зинҳор Пайғамбаримиз алайҳиссаломга қаратилган эмас.

Биз Пайғамбаримиздан эшитган ва эшитмаган ҳамма ҳадисларни бош устига қўйиб қабул қиласиз, уларга ишонамиз ва Пайғамбар айтгандайлигига иқрормиз. Пайғамбар, Аллоҳ қайтарган бирор нарсани буюрмаганлигига, Аллоҳнинг буйруқларидан бирорта нарсани тушириб ҳам қолдирмаганлигига, Аллоҳ тавсиф қилган нарсани бошқача қилиб тавсиф қилмаганликларига, барча ишда Аллоҳга мувофиқ бўлганликларига, Пайғамбаримиз алайҳиссалом Аллоҳ айтмаган нарсани Аллоҳ айтган деб ичларидан тўқиб чиқармаганликларига, Аллоҳнинг буйруғисиз бирор ўзгариш қилмаганликларига, соҳтакор бўлмаганликларига иқрормиз. Шунинг учун, Аллоҳ таоло: «**Кимда-ким Пайғамбарга итоат этса, демак, у Аллоҳга итоат этибди...**» (*Niso*, 80, мазмуни), деб марҳамат қиласи.

Шогирд:

— Яхши тушунтириб бердингиз, устоз. Одамларнинг: «ичкилик истеъмол қилувчи банданинг намози қирқ кун

қабул бўлмайди», деган гапларига нима дейсиз? Эзгу ва солиҳ амалларни нима йўқ қиласди?

Устоз:

— Мен уларнинг: «ичкилиқ ичувчининг намозини Аллоҳ қирқ кечакундуз қабул қилмайди», деган сўзларини изоҳлаб бера олмайман. Уни ҳақиқатга мос равишда тушунтириб бермас эканлар, мен уларни ёлғончи, дейман. Аллоҳ гуноҳ қилган бандани жазолаши ёки уни авф қилиши, қилмаган гуноҳи учун жазо бермаслиги, банданинг қилган ибодатларини ҳисобга олиб қўйганидек, унинг гуноҳларини ҳам бўйнига ёзиб қўйиши Унинг адолатидан эканлигини биламиз. Масалан, бир одам молининг закотидан бериши лозим бўлганини тўла бермай, унинг 50 дирҳамини берса, Аллоҳ мазкур бандани бермagan закоти учун, унинг миқдорича жазолайди, аммо унинг закотини берган қисмини савобини унинг ҳисобига ёзиб қўяди. Ёки бир одам рўза тутса, намоз ўқиса, ҳажга борса ва қотиллик қилса, яхши амаллари унинг ҳисобига, ёмон амали ҳам унинг бўйнига ёзилади. Аллоҳ таоло:

«...Унинг касб этгани (яхшилиги) — ўзига, ва орттиргани (ёмон амали) ҳам ўзигадир...» (*Бақара*, 286, мазмуни);

«Албатта, Мен сизлардан амал қилувчиларнинг — хоҳ эркак бўлсин ва хоҳ аёл бўлсин — амалини зое қилмасман...» (*Оли Имрон*, 195, мазмуни);

«...биз яхши амал қилувчиларнинг ажрини зое қилмагаймиз» (*Аъроф*, 170, мазмуни);

«...сизлар фақат ўзларингиз қилиб ўтган амалларингизга қараб тақдирланурсизлар» (*Ёсин*, 54, мазмуни);

«...сизлар фақат ўзларингиз қилиб ўтган қилмишларингиз жазосини олурсизлар» (*Тур*, 16, мазмуни);

«Бас, кимки дунёда зарра миқдорича яхшилик қилган бўлса, (Қиёмат куни) уни кўтар. Кимки зарра миқдорича ёмонлик қилган бўлса, уни ҳам кўтар» (*Залзала*, 7—8, мазмуни) деб марҳамат қилган.

Аллоҳ таоло энг кичик яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам ҳисоб қиласди:

«Биз Қиёмат куни учун адолатли тарозилар қўюрмиз, бас, бирор жонга заррача зулм қилинмас. Агар хантал (ўсимлиги) уругидек (яхши ёки ёмон) амали бўлса ҳам, ўшани келтиурмиз! Биз ўзимиз етарли ҳисоб-китоб қилув-чидирмиз» (*Анбиё*, 47, мазмуни).

Буларга зид гапирган кимса ёлғон сўзлаган, Аллоҳни адолатсизлик ва зулм билан тавсиф қилган бўлади. Шубҳасиз, Аллоҳ бандаларни зулм ва адолатсизликдан омон этган зотдир. У ўзини Шакуур, деб атаган. Чунки Аллоҳ бандаларга солиҳ амал қилганлари учун ажр беради. У энг меҳрибон Зотдир.

Солиҳ амалларнинг савобини уч нарсадан бўлак ҳеч нарса йўққа чиқармайди:

1. Аллоҳга ширк келтириш. Чунки Аллоҳ: «Кимки, имондаи куфрга қайтса, (қилган савобли) иши, албатта, зое бўлур...» (*Моуда*, 5, мазмуни), деган.

2. Миннат қилиш. Одам Аллоҳнинг ризолиги учун кул озод қилса ёки дўст-биродарлик, қариндош-уругчилик риштасига риоя қилса ёки садақа қилса-ю, сўнг аччиғи чиққан вақтида ёки одатий пайтда яхшилик кўрсатган биродарига: мен сени озод қилганман, ёки силаи раҳм қилган кишисига: мен сени қариндошим, деб ёрдам қўлимни чўзиб юрардим, ёки садақа берган кишисига: мен сенга эҳсон бергандим деса, у қилган хайрли ишларнинг савоби юзига урилади. Зоро, миннат қилишлик ва озор беришлик билан амалларнинг савоби йўқ бўлади.

3. Риё – одамларга кўз-кўз қилиш учун амалга оширилган солиҳ ишларни Аллоҳ қабул этмайди.

Ушбу уч хил нарсадан бошқа қилмишлар хайрли ишларнинг савобини йўқ қилмайди.

Шогирд:

– Гапларингиз ўта адолатли тавсифлардандир. Айтингчи, устоз, бир одам сизни куфрда айбласа, сиз унга нима деган бўлар эдингиз?

Устоз:

– Ундай одам ёлғончидир. Мен уни кофир деб ата-

майман, ёлғончи дейман. Чунки икки хил ҳурмат бор: Аллоҳ ҳурмати ва банда ҳурмати. Ширк келтириш, куфр келтириш, Аллоҳни ёлғончига чиқариш Аллоҳ ҳурматини тўкишдир. Бир-бирига зулм қилиш бандалар ҳурматини тўкишдир. Аллоҳ ва Унинг Пайғамбарини ёлғончига чиқараётган бандани мени ёлғончига чиқараётган одам билан тенглаштиrmайман. Зеро, Аллоҳ ва Унинг Пайғамбарини ёлғончи деювчининг гуноҳи барча одамларни ёлғончи деювчининг гуноҳидан оғирдир. Мени куфрда айблаётган банда менинг наздимдагина ёлғончидир. Унинг ёлғон сўзи учун унга ёлғон айтишим дуруст бўлмайди. Чунки Аллоҳ: «...бирор қавм (кишилари)ни ёқтираслик сизларни адолатсизлик қилишга ундумасин! Одил бўлингиз! Зеро, у (адолат) тақвога яқинроқдир...» (*Моуда*, 8, мазмуни), «Бирор қавмга нисбатан бўлган адоват зинҳор улар ўртасида адолатни тарқ этишингизга сабаб бўлмасин!» — деган.

Шоғирд:

— Тўғри, устоз. Марҳамат қилиб айтинг-чи, бир одам ўзини ўзи кофирман деса, бу ҳолда сиз нима деган бўлар эдингиз?

Устоз:

— Бундай одамнинг ўзини алдашини таҳқиқ қилиш менга лозим эмас, дейман. Агарда у ўзини эшак деса, мен рост гапирди, дейишим керак эмас. Мабодо у, мен Аллоҳни эътироф этмайман, Унинг пайғамбарини ҳам тан олмайман ва унга ишонмайман деб, ўзини мўминман десада, уни кофир деб атайман, шунингдек, Аллоҳни бир деб биламан, У томонидан нозил этилганларга имон келтирганман деб, ўзини кофирман деса ҳам, уни мўмин деб атайман.

Шоғирд:

— Устоз, у одамнинг ўзидан кўра ҳам унга нисбатан яхши гапни айтдингиз. Сиз ҳақсиз. Агарда у сизга, мен сенинг динингни инкор қиласман, шунингдек, сенинг маъбудингга мункирман деса, нима деган бўлар эдингиз?

Устоз:

— Агарда шундай деса, мен унга жавоб қайтаришга шошилмаган бўлар эдим. Мен ундан: сен Аллоҳнинг динидан юз ўғирдингми ёки Унинг ўзиданми, деб сўраган бўлар эдим. Агарда у мазкур икки саволнинг қайси бирига бўлса ҳам, ҳа, деб жавоб берса, уни мен мушрик кофир, деб атаган бўлар эдим. Мабодо у, мен Аллоҳдан ҳам, Унинг динидан ҳам бўйин товламайман, мен фақат сенинг динингдан юз ўгираман, зеро, дининг куфр дини ва сен сифинаётган илоҳингдан юз ўгираман, чунки сен шайтонга сажда қиласан, деса мен уни кофир деб атамайман. Чунки у шахсан менга нисбатан ёлғон сўзламоқда.

Шогирд:

— Қасам ичаманки устоз, бу айтганларингиз тақво аҳлининг сўзларидандир. Айтинг-чи, шайтонга итоат этган ва унинг хоҳишини истаган кимса кофир ва шайтонга сифинувчи эмасми?

Устоз:

— Бу саволинг билан нима демоқчилигингни биласанми?! Мўмин Аллоҳга бўйсунмаса, бу бўйсунмаслиги билан, агар амали шайтон тоати ва хоҳишига мувофиқ келса, шайтонга итоат қилган ва унинг хоҳишини истаган ва қасд қилган бўлмайдими?

Шогирд:

— Устоз, ибодат ўзи нима, уни қандай изоҳлаб берасиз?

Устоз:

— «Ибодат» сўзи тоат, рафбат ва Парвардигорга иқрорлик маъноларини ўзида жам қилган. Бу шундай: киши Аллоҳга имонда итоат этса, унинг қалбига Аллоҳнинг мағфиратидан умидворлик ва Унга гуноҳ қилишдан қўрқиш киради. Қалбida ушбу уч хислат бор банда Аллоҳга ибодат қиласди. Кишида Аллоҳдан умидворлик ва қўрқиш бўлмаса, мўмин бўлмайди. Аммо бир мўминнинг Аллоҳдан қўрқиши кучли, бошқасиники кам бўлиши мумкин. Шунингдек, Аллоҳдан ўзга нарсага, ундан савоб истаб ё азобидан қўрқиб, итоат қилган инсон ўша нарсага сифин-

ган бўлади, Аллоҳга эмас. Агарда ҳар нарсага итоатнинг ўзигина ибодат бўлганида, Аллоҳдан бошқага итоат этган киши унга ибодат қилган бўлар эди.

Шоғирд:

— Яхши сўзларни айтдингиз, устоз! Айтинг-чи, киши Аллоҳдан бошқа бир нарсадан қўрқса ёки ундан бирор манфаат умид қилса, у кофир бўлиб қоладими?

Устоз:

— Қўрқиш ва умид қилиш икки хил бўлади:

1. Бир одам бошқа бир одамдан, Аллоҳнинг иродасиз зарар ё фойда қила олади, деб қўрқса ё умид қилса, бундай одам кофирдир.

2. Бир одам Аллоҳдан умид қилиб ё қўрқиб, бошқа бир одамдан умид қилса ёки ундан қўрқса, Аллоҳ унга бошқанинг кўлидан ё бир нарса сабабидан зиён етказишидан хавфсираса, кофир бўлмайди. Чунки ота фарзандининг унга яхшилик қилишидан, түякашнинг туяси унинг молини ташиб беришидан, қўшни қўшнисининг унга яхшилик қилишидан, султон ўзининг ҳимоя қилинишидан умид қиласди. Бу билан уларнинг қалбига куфр кириб қолмайди. Чунки уларнинг умидлари Аллоҳдандир. Ўғлининг ва қўшнисининг яхшилик қилишини Аллоҳдан умид қиласдилар. Аллоҳдан шифо беришини умид қилиб, дори ичган bemor кофир бўлиб қолмайди. Аллоҳ азобига дучор бўлиб қолишдан қўрқиб, ёмонликдан қўрқилади ва ундан қочилади. Буларни Мусо алайҳиссаломнинг ҳатти-ҳаракатлари га қиёслаш мумкин. Аллоҳ уни пайғамбарликка танлаб олди ва унга каломини бевосита етказди. Аммо шунга қарамасдан у: «Бас, мени ўлдириб қўйишларидан қўрқаман», деди (*Шуаро, 14, мазмуни*). Ёки Пайғамбаримиз алайҳиссаломни олайлик. У зот қўрққанларидан Ҳиро форига қочиб кириб олдилар. Бу ҳолатларда на Мусо алайҳиссалом ва на Пайғамбаримиз, саллаллоҳу алайҳи ва саллам, қалбларига куфр доҳил бўлмади. Шунга ўхшаш одамлар йиртқич ҳайвондан, илону чаёндан, уйнинг қулашию йўлнинг ўпирилиб кетишидан ёки озиқ-овқатга тушиб қолган заҳарнинг за-

пар келтиришидан табиий ҳолда құрқадилар. Аммо улар-нинг қалбларига күфр кирмайды, аммо қўрқинч киради.

Шоғирд:

— Айтганларингизни англадим, устоз. Энди Аллоҳдан қўрқмай, аммо маҳлуқлардан қўрқадиган мўмин тўғрисида нима дейсиз?

Устоз:

— Мўмин ҳеч нарсадан Аллоҳдан қўрқанидан ортиқ қўрқмайди. Чунки Аллоҳ унинг баданига бирор азоб берадиган дард етказса ҳам ёки бошига оғир мусибат туширса ҳам, эй Аллоҳ, менга берган дарду мусибатларинг нега шунчалар ёмон, деб оламга дод солмайди ва ҳатто ўзига-ўзи паст овозда ҳам гапирмайди. Аксинча, у Аллоҳ зикрини қўпроқ қила бошлайди. Агар шундай фалокатларнинг ўндан бири унга дунё султонларидан бири томонидан етказилса, гапини султонга етказмайдиган ишончли одамлар олдида тили билан султоннинг золимлигини айтган бўларди.

Мўмин банда ҳеч ким йўқ кимсасиз жойда ҳам, одамлар орасида ҳам, пинҳона ҳам, ошкора ҳам, иссиқда ҳам, совуқда ҳам Аллоҳдан қўрқади. Дунё султонларидан на шодлик ва қайфуда, на пинҳон ва ошкора қўрқилади. Масалан, унга совуқ тунда жанобат етса, гарчи Аллоҳдан ўзга ҳеч ким унинг жунуб бўлганини билмаса-да, ўзини зўрлаб бўлса ҳам, ўрнидан туради ва Ундан қўрқанлиги учун фусл қиласи. Мўмин жазирама иссиқ кунлари чанқоқлиқ азобини тортса ҳам, уни бирор кўриб турмаётган бўлса ҳам, Аллоҳдан қўрқанидан, рўза тутади, сабр қиласи, бесабрлик қилмайди.

Киши дунё султонлари олдидагина улардан чўчийди ва қўрқади, улар фойиб бўлгач, унда қўрқувдан асар ҳам қолмайди. Демак, мўмин учун Аллоҳдан қўрқишидан ортикроқ қўрқув бўлмас экан.

Шоғирд:

— Онт ичаманки, устоз, биз бошимиздан кечиргандарни сўзлаб бердингиз. Энди имон ва күфрни билмаслик тўғрисида нима дейсиз?

Устоз:

— Одамлар Парвардигорни билишлари ва тасдиқ қилишлари билан мүмин бўладилар ва Уни инкор этиш билан эса кофир бўладилар. Агар улар Аллоҳнинг маъбуд Зот эканлигига иқрор бўлсалар ва Унинг яккаю ягона эканлигини ва У томонидан келган нарсаларни тасдиқ қиласалар, имоннинг яхшилигини ва куфрнинг ёмонлигини билгач, имон ва куфрнинг номларини билмасалар, кофир бўлмайдилар. Масалан, бир одамга асал ва алоэ тақдим қилдилар ва у уларни тотиб кўриб, асал ширин ва алоэ аччиқ эканлигини билди, аммо у уларнинг номлари нималигини билмайди. Бундай одамни ширин ва аччиқни ажратса олмайдиган демаймиз, балки уни асал ва алоэларни номларини билмаган, деймиз. Шунга ўхшаш, имоннинг яхшилигини ва куфрни ёмонлигини билган, аммо уларнинг номини билмаган одамни Аллоҳни билмас экан, демаймиз, балки уни имон ва куфр сўзларининг номини билмас экан, деймиз.

Шоғирд:

— Мўмин азобланса, унга имони фойда берадими? У имонга келганидан кейин ҳам, имони бўлатуриб, азобланадими?

Устоз:

— Сен мендан илгари сўралмаган масалалар ҳақида сўрамоқдасан. Иншааллоҳ, саволингга жавоб бераман. Мўмин одам имони бўлиб, азобланса, ҳа, унга имони фойда беради. Унинг имони боис ундан энг қаттиқ азоб кўтарилади. Энг қаттиқ азобга эса кофир дучор қилинади. Чунки, куфран кўра ҳам каттароқ гуноҳ йўқ. Мазкур мўмин Аллоҳга куфр қилгани йўқ, балки Унинг баъзи буйруқларини бажармай, гуноҳ қилгани учун Аллоҳ уни қилган гуноҳига яраша азблайди. Аммо қилмаган гуноҳи учун Аллоҳ уни азобламайди. Масалан, бир киши одам ўлдирди, аммо ўғирлик қилмади. У қотиллиги учунгина азобланади, ўғирлик учун эмас. Зоро, Аллоҳ: «Қилган қилмишларингиз учун жазоланасиз», деб таъкидлаган. Маъ-

лумки, беморнинг дарди оз бўлса, унга енгил бўлади. Қилган қилмиши учун бу дунёда азобланса, у қаттиқ азобдан озод этилгандир. Бир тур азоб билан азобланадиганга икки тур азоб билан азобланадиган одамдан кўра енгилроқдир.

Шогирд:

— Қасамки, бу ҳақиқатдан маълум, устоз. Айтинг-чи, кофирларнинг ибодатлари кўп ва турли бўлган ҳолда, куфра бир хил бўлиб қолишлари нимадан?

Устоз:

— Кофирнинг куфри бир, ибодатлари кўп ва турли бўлиши Еру осмон аҳлларининг имонлари бир, аммо уларнинг фарз амаллари кўп ва турли-туман бўлганидандир. Масалан, фаришталарга фарз бўлган нарсалар бизга буюрилган фарзлардан кўра бошқачароқ. Шунингдек, биздан илгари ўтган Бани Одамларга фарз бўлган амаллар бизга фарз бўлган амаллардан фарқ қиласди. Аммо фаришталарнинг ва олдингиларнинг ва бизларнинг имонларимиз бир хилдир, барчамиз ёлғиз ва ягона Аллоҳга имон келтирганмиз, танҳо Унга бандачилик қилганмиз ва У томонидан келган барча нарсаларни тасдиқ этганимиз. Шунга ўхшашиб кофирларнинг ҳам куфри ва инкори бир хил. Аммо уларнинг сифатлари кўп ва турлича. Масалан: яхудийга кимга сиғинасан, десанг, у, Аллоҳга, деб жавоб беради. Аллоҳ ҳақида сўрасанг: У Узайрнинг отаси ва инсон қиёфасида, дейди. Ким шу фикрда бўлса, Аллоҳ таолога имон келтирган бўлмайди. Агар насронийдан: кимга сиғинасан, деб сўрасанг, у, Аллоҳга сиғинаман, дейди. Ундан Аллоҳ ҳақида сўрасанг: У Исонинг жасадида, Марямнинг қорнида, нарсага яширинган ва уни қамраган, унга сингган, дейди. Бундай саволни мажусийга берсанг, у ҳам: Аллоҳга сиғинаман, дейди. Ундан Аллоҳ ҳақида сўрасанг, Унинг шериги, боласи ва хотини бор, деб жавоб қиласди. Бундай эътиқоддаги одам, албатта, мўмин эмас. Бу одамларнинг барчасининг Аллоҳни танимаслиги ва уни инкор этиши бир хил. Аммо уларнинг ибодатлари ва тавсифлари кўп ва турличадир.

Уларни қуидаги уч нафар одамга қиёслаш мумкин. Улардан бири:

— Менда дунёда ўхшаши йўқ марварид бор, — деди ва қора узум донини чиқариб қўйди ва унинг марварид эканлигини исбот қилиш учун онт ҳам ичди ва одамлар билан баҳлаша бошлади. Улардан иккинчиси:

— Менда баҳоси энг юқори бўлган марварид бор, — деди-да ёнидан беҳини чиқариб қўйди ва биринчи одам каби ҳаракат қилди. Навбат учинчи одамга келди ва у:

— Менда дунёда яккаю ягона бўлган марварид бор, — деб, бир парча қуритилган лойни ўртага қўйди ва у ҳам чиқарган нарсаси марварид эканлигига онт ичди ва одамлар билан шу хусусда баҳсу мунозара қилди.

Ушбу мисолдан мазкур уч нафар одамнинг марваридли билмасликда ва танимасликда бир хил нодонликлари намоён бўлди. Уларнинг бирортаси ҳам умуман марварид нима эканлигини билмайди. Уларнинг сифатлари кўп ва турли-туман. Бу сенинг улар сифатлаган «маъбудларига» сифинмаслигинг билан билинади. Чунки улар «маъбудларини» иккита, учта дейдилар ва сифатлаганларига сифинадилар. Сен эса маъбудингни битта дейсан ва биттага сифинасан. Демак, сенинг маъбудинг уларнидан бошқа ва уларнинг «маъбудлари» сеникidan бошқадир. Шунинг учун Аллоҳ таоло: «(Эй, Мухаммад,) айтинг: «Эй кофирлар! Мен сизлар ибодат қилаётган нарсага ибодат қилмасман. Сизлар ҳам мен ибодат қиласидиган (Аллоҳ)га ибодат қилувчи эмассизлар»» (*Кофирун*, 1–3, мазмуни), деган.

Шогирд:

— Сиз тавсиф қилганингизни билиб олдим. Аллоҳ Раббимиз дея туриб, Аллоҳни билмайдиганлар, Уни танимайдиганлар қаердан пайдо бўлади, устоз?

Устоз:

— Уларнинг «Раббимиз Аллоҳдир», дейишларини биламан. Улар шундай десалар ҳам, Аллоҳни билмайдилар. Чунки, Аллоҳ шундай деб хабар берган: «Қасамки, агар улардан: «Осмонлар ва Ерни ким яратган?» — деб сўра-

сангиз, албатта, «Аллоҳ», — дерлар. Сиз «Аллоҳга ҳамд!»— денг. Йўқ, уларнинг аксарияти (ҳақиқатни) билмаслар» (Луқмон, 25, мазмуни). Бу оятдан кўриниб турибдики, «Аллоҳ — Раббимиз» дейдиганларнинг кўпчилиги уни билмасдан, тушунмасдан айтадилар. Улар онасидан кўр туғилиб, тун ва кун, сариқ ва қизил тўғрисида билмай гапираётган болага ўхшайди. Худди шундай кофиirlар ҳам Аллоҳ таоло номини мўминлардан эшишиб, уни билмай, эшитганларини гапираверади. Бу хусусда Аллоҳ: «Илоҳингиз ягона илоҳdir. Бас, охиратга имон келтирмайдиганларнинг диллари (Унинг ягона эканлигини) инкор қилур ва улар мутакаббирдирлар» (Нахъ, 22, мазмуни), деган.

Шогирд:

— Тўгри васф қилдингиз, устоз. Сиз ўзингиз Пайғамбаримиз алайҳиссаломни Аллоҳ орқали таниганмисиз ёки Аллоҳни Пайғамбаримиз орқали таниганмисиз? Агарда сиз у зотни Аллоҳ орқали таниганман, десангиз, бу қандай бўлади? Ахир Аллоҳга бизни Пайғамбаримиз (с.а.в.) даъват қиладилар-ку?

Устоз:

— Ҳа, биз Пайғамбаримиз алайҳиссаломни Аллоҳ орқали таниймиз. Аллоҳ мўминлар қалбига Пайғамбаримизни (с.а.в.) билиш ва тасдиқ қилиш туйғусини солмаганида эди, гарчи Расулуллоҳ Аллоҳга даъват қилсалар ҳам, ҳеч ким у зотнинг айтиётгандари ҳақ эканини билмас эди. Шунинг учун Аллоҳ: «(Эй, Мұхаммад!) Сиз ўзингиз сўйган кишиларни ҳидоят қила олмайсиз, лекин Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур...» (Қасас, 56, мазмуни), деган.

Аллоҳни таниш Расулуллоҳ (с.а.в.) орқали бўлганида, одамларга Аллоҳни таниганлари учун Рсулуллоҳ миннат қиласдилар. Лекин Аллоҳ таоло Расулуллоҳга Ўзини танитгани учун одамларга Расулллоҳни (с.а.в.) тасдиқ қилишни ўргатгани учун миннат қиласди. Шунинг учун банданинг: «Аллоҳни пайғамбар орқали танидим», дейиши мумкин эмас, балки «банда, ҳар бир яхшиликни фақат Аллоҳ орқали билади», дейиши лозим.

Шоғирд:

— Мени жуда хушнуд этдингиз, устоз! Энди «вилоят» ва «бароат» сўзларини изоҳлаб берсангиз. Бу икки хислат бир одамда жамъ бўладими?

Устоз:

— «Вилоят» — яхши ишга рози бўлишлик, «бароат» эса ёмон ишдан нафратланиш демакдир. Бу икки хислат бир одамда жамъ бўлиши ҳам ва жамъ бўлмаслиги ҳам мумкин. У иккиси жам бўладиган инсон яхши ишни ҳам, ёмон ишни ҳам қиласидиган мўминдир. Сен унинг яхши ишни қўллаб, уни қилгани учун яхши кўрасан. Унинг ёмон ишига қаршилик қиласан ва бунинг учун уни ёмон кўрасан. Бу вилоят ва бороат бир одамда жамъ бўладими, деган саволинга жавоб. Кофирда ҳеч қандай яхшилик йўқ. Сен уни ёмон кўрасан ва ундан барча ишда узоқ юрасан. Сен яхши кўрадиган ва ҳеч ёмон кўрмайдиган инсон ҳамма солиҳ ишларни қиласидиган, ёмон амаллардан ўзини сақлаган мўмин кишидир. Сен унинг ҳамма нарсасини ёқтирасан, ундаги бирор нарсани ёмон кўрмайсан.

Шоғирд:

— Мунча ажойиб сўзларни айтдингиз, устоз! Энди менга куфрони неъмат ҳақида гапириб беринг!

Устоз:

— Куфрони неъмат кишининг неъматлар Аллоҳ томонидан эканлигини инкор этишидир. Неъматлардан бирор тасини инкор қилиб, улар Аллоҳ томонидан эмас, деган банда Аллоҳ неъматларини инкор қилган бўлади. Зоро, Аллоҳни инкор қилган кимса, Унинг неъматларини инкор қиласи. Чунки, Аллоҳ таоло: «(Улар) Аллоҳнинг неъматини танийдилар, кейин эса уни инкор этадилар...» (*Наҳї, 82, мазмуни*), деган.

Кофирлар тунни тун, кунни кун дейдилар, сиҳат-саломатлик, бойлик ва роҳату фароғатда яшашлари неъмат эканлигини биладилар, бироқ улар мазкур неъматларни ҳақиқий хожаси Аллоҳга эмас, балки ўзларининг «маъбудларига» нисбат берадилар. Шунинг учун ҳам Аллоҳ та-

оло юқорида эслатганимиздек, баён қилади: «(Улар) Аллоҳнинг неъматини танийдилар, кейин эса уни инкор этадилар...». Кофирлар неъматларнинг Эшитувчи, Кўрувчи, ўхшаши йўқ, ҳар бир ишга Қодир, ёлғиз Аллоҳдан эканлигини инкор этадилар.

Булар сен сўраганларинг ҳақидадир.

Ёрдам умид қиласиганимиз Аллоҳдир, Аллоҳдан ўзгага эҳтиёжимиз йўқ, Ишончимиз Удир.

Оlamларнинг Парвардигори Аллоҳга ҳамд, Хожамиз ва саййидимиз Муҳаммад алайҳиссаломга, авлодларига ва барча саҳобаларига Қиёмат кунигача дуруд ва саломлар бўлсин!

АЛ-ФИҚҲ АЛ-АҚБАР

Тавҳиднинг пойдевори ва эътиқод қилиш тӯғри бўлган нарсалар

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

— Банда шубҳасиз ишонгач, унга: «Аллоҳ таолога, Унинг фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, ўлгандан сўнг қайта тирилтирилишга, яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам Аллоҳнинг иродаси билан бўлишига имон келтирдим, Ҳисоб, Мезон, Жаннат ва Дўзах ҳаммаси ҳақдир», демак вожиб бўлади.

— Аллоҳ бирдир. Унинг бирлиги сон жиҳатидан эмас, балки, шериги йўқлиги, туғмаганлиги, туғилмаганлиги, тенги йўқлиги, махлукларидан бирор нарсага ўҳшамаслиги ва унга махлукларидан бирор нарсанинг ўҳшамаслиги жиҳатидандир.

— Аллоҳ исмлари, зотий ва феълий сифатлари билан ҳамиша бўлган ва бўлади. Тириклик, қодирлик, билиш, сўзлаш, эшитиш, кўриш, хоҳлаш Аллоҳнинг зотий сифатларидир, Яратиш, ризқ бериш, пайдо қилиш, вужудга келтириш кабилар Аллоҳнинг феълий сифатларидир. Аллоҳ ўз исми ва сифатлари билан ҳамиша бўлган ва бўлади. Аллоҳнинг бирорта исми ва сифати янги пайдо бўлмаган.

— Аллоҳ ўз илми билан доимо олимдир, илм Унинг азалий сифатидир, У ўз қудрати билан доимо қодирдир, қодирлик Унинг азалий сифатидир, У ўз яратувчилиги билан доимо яратувчи, яратиш Унинг азалий сифатидир, У ўз феъли билан доимо фоъилдур, феъл Унинг азалий сифатидир. Фоъли Аллоҳ таолодир, мафъул махлукдир. Аллоҳнинг феъли махлук эмас. Аллоҳнинг сифатлари азалда қадимийдир, махлук эмасдир. Ким Аллоҳнинг сифатла-

рини маҳлук ёки янгидан пайдо бўлган деса ёки бунга бетараф бўлса ёки Аллоҳнинг сифатларига шубҳаланса, у Аллоҳни инкор этган кофирдир.

— Куръон мусҳафларда битилган, қалбларда ёдланган, тилларда ўқилган ва Пайғамбаримизга (с.а.в.) нозил қилинган. Куръонни талаффуз қилишимиз, уни ёзишимиз ва ўқишимиз маҳлукдир. Куръон маҳлук эмас.

— Аллоҳ таолонинг Куръонда Мусо ва ундан бошқа пайғамбарлар, алайҳимуссалом, тұғрисида ҳамда Фиръави ва Иблис ҳақидаги айтганлари барчаси Аллоҳнинг улар ҳақида билдирган каломидир. Аллоҳ таолонинг каломи маҳлук эмас. Мусо алайҳиссалом ва ундан бошқа маҳлук-ларнинг сўзлари ҳам маҳлукдир. Куръон Аллоҳ таолонинг каломидир, уларнинг каломи эмасдир.

— Аллоҳ таоло: «Аллоҳ Мусога гапирди...», деб баён қилганидан, Мусо алайҳиссалом Аллоҳ таолонинг каломини эшилдилар. Аллоҳ Мусо алайҳиссаломга гапиришдан олдин ҳам азалда сўзлагувчиидир, маҳлукотларни яратищдан олдин ҳам азалда яратувчиидир. Аллоҳ таолога ўхшашийўқ. У эшитувчи ва кўрувчиидир.

— Аллоҳ Мусо алайҳиссаломга сўзлашни ирода этганида унга ўзининг азалий сўзлаш сифати билан сўзлади. Аллоҳнинг ҳамма сифатлари маҳлукларнинг сифатларига ўхшамайди. Аллоҳ таоло билади. Билиши бизнинг билиши-мизга ўхшамайди. Аллоҳ таоло қодирдир. Кудрати бизнинг қудратимизга ўхшамайди. Аллоҳ таоло кўради. Кўриши бизнинг кўришимизга ўхшамайди. Аллоҳ таоло эшигади. Унинг эшитиши бизнинг эшитишимизга ўхшамайди. Аллоҳ таоло сўзлайди. Сўзлаши бизнинг сўзлашимизга ўхшамайди. Биз воситалар (аъзолар) ва ҳарфлар ёрдамида сўзлаймиз. Аллоҳ таоло восита ва ҳарфларсиз сўзлайди. Ҳарфлар маҳлукдир. Аллоҳнинг каломи — маҳлук эмасдир.

— Аллоҳ мавжуддир. Мавжудлиги маҳлукларнинг мавжудлиги каби жисм, жавҳар, араз (аломат) билан эмасдир. Аллоҳ маҳдуд эмас. Унинг зидди ва тенги ва ўхшаши йўқдир. Аллоҳ Куръонда зикр қилганидек, Унинг тасав-

вурсиз йади, юзи ва нафси бор. Аллоҳнинг йади қудратидир ёки неъматидир, дейилмайди. Зеро, бундай айтиш сифатни йўқ қилишдир, қадарийлар ва мўтазилийлар сўзидир. Йади Унинг тасаввурсиз сифатидир. Аллоҳнинг газаби ва ризоси Аллоҳнинг тасаввури йўқ сифатларидан иккитасидир.

— Аллоҳ таоло нарсаларни йўқдан яратди. У нарсаларни улар бўлмасидан, азалда билувчилик. Нарсаларнинг ҳолатини таъйин этиб, ҳукм қилувчи Удир. Бу дунёда ҳам, охиратда ҳам ҳеч нарса Аллоҳнинг хоҳишидан, илмидан, қазойи қадаридан, Лавҳул Маҳфузга битганидан ташқари бўлмайди. Аммо Лавҳул Маҳфузга баён этиб битгандир. Ҳукм этиб битган эмасдир.

Қазо, қадар, хоҳиш Аллоҳнинг азалий, тасаввури йўқ сифатларидир.

— Аллоҳ йўқнинг йўқлик ҳолатида қандайлигини ва уни яратса, қандай бўлишини билади. Аллоҳ мавжуднинг вужудлик ҳолатида қандайлигини ва унинг йўқлиги қандай бўлишини билади. Аллоҳ таоло, билиши ўзгармай ё билиши янги бўлмай, турганни турган ҳолида қандайлигини, агар у ўтирса, ўтирган ҳолида қандай бўлишини билади. Ўзгариш ва ҳолатдаги ҳар-хиллик маҳлуқларда юз беради.

— Аллоҳ маҳлуқларни куфрдан ва имондан холи яратди. Сўнгра уларга расуллари орқали хитоб қилди, имон ва тоатга буюрди, куфр ва гуноҳдан қайтарди. Сўнг кофир бўлган ўз феъли, инкори, ўжарлиги билан ва Аллоҳ таолонинг унга мадади бўлмаганидан кофир бўлади. Мўмин бўлган ўз феъли, икрори, тасдиқи, Аллоҳ таолонинг унга тавфиқи ва мадади билан мўмин бўлади.

— Аллоҳ Одам зурриётини унинг пуштидан зарралардек қилиб чиқариб, уларни ақлли қилди ва уларга хитоб этиб, уларни имонга буюрди, куфрдан қайтарди. Улар Аллоҳнинг рубубиятига иқрор бўлдилар. Бу уларнинг имонидир. Улар ана шу сифатда туғиладилар.

— Сўнг кофир бўлган фитрий имонини куфрга ал-

маштиради ва ўзгартиради. Мўмин бўлган имонда событ қолиб, унда давом этади. Аллоҳ ҳеч бир маҳлуқини куфрга ва имонга мажбур этмади ва уларни мўмин қилиб ҳам, кофир қилиб ҳам яратмади, уларни куфр ва имонга қобилиятили шахслар қилиб яратди. Имон ва куфр бандаларнинг феълларидир. Аллоҳ таоло куфр келтирган кимсани кофир ҳолида қандайлигини билади. Агар у сўнг имон келтирса, имонли ҳолида қандай мўминлигини билади ва яхши кўради.

— Бандаларнинг ҳамма ҳаракат ва туриш феъллари ҳақиқатда уларнинг касбидир. Уларнинг яратгувчиси Аллоҳ таолодир. Уларнинг ҳаммаси Аллоҳнинг хоҳиши, илми ва қазойи қадари билан содир бўлади. Тоатларнинг ҳаммаси Аллоҳнинг амри, муҳаббати, розилиги, илми ва қазойи қадари билан рўй беради. Гуноҳларнинг ҳаммаси эса Аллоҳнинг илми, қазойи қадари ва хоҳиши билан воқеъ бўлади. Аммо Аллоҳнинг амри, розилиги ва муҳаббати билан бўлмайди.

— Ҳамма пайғамбарлар, алайҳимуссалом, катта ва кичик гуноҳлардан ва куфрдан асралгандирлар. Гоҳо уларнинг баъзиларидан янглишишлар содир бўлган. Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳнинг ҳабиби, хос бандаси, расули, пайғамбари, танлаганидир. Бутга сифинмаганлар, Аллоҳга асло ширк келтирмаганлар, кичик ва катта гуноҳни ҳеч қилмаганлар.

— Пайғамбарлардан, алайҳимуссалом, кейин одамларнинг энг афзали Абу Бакр Сиддик, сўнгра Умар ибн ал-Хаттоб ал-Форуқ, сўнгра Усмон ибн Аффон Зуннурайн, сўнгра Али ибн Абу Толибдирлар. Уларнинг ҳаммасидан Аллоҳ рози бўлсин. Улар ҳақ билан бўлиб, ҳақда ўтганлар. Уларнинг барчаларини дўст тутамиз.

— Пайғамбаримизнинг саҳобаларидан ҳар бирларини фақат яхшилик билан ёдга оламиз. Бирор мусулмонни қилган гуноҳи учун, гарчи у катта гуноҳ қилган бўлса ҳам, уни ҳалол ҳисобламаса, кофирга чиқармаймиз, ундан имон номини олиб ташламаймиз ва уни ҳақиқатда

мўмин деб атаймиз. Киши кофир бўлмай, фосиқ мўмин бўлиши мумкин.

— Махсига масҳ тортиш суннат билан событдир. Рамазон ойида таровеҳ намозини ўқиши суннатдир. Солиҳ ва солиҳ бўлмаган мўминларнинг ортида намоз ўқиши жоиздир. Биз мўминга гуноҳлар зарар қилмайди ва у дўзахга кирмайди, дунёдан мўмин ҳолда кетса ҳам, агар у фосиқ бўлса, дўзахда абадий қолади, демаймиз. Биз, муржиалар каби, албатта, яхши ишларимиз мақбул ва ёмон ишларимиз мағфур, демаймиз.

— Аллоҳ таоло дунёдан имон билан ўтганнинг яхшиликларини, шартларига биноан ва бузувчи айблардан холи қилиб, куфр ва диндан қайтиш билан йўққа чиқармаган бўлса, зое қилмайди, балки қабул қиласи ва унга ажр беради; ширк ва куфрдан бошқа гуноҳ қилиб, тавба қилмай, имон билан ўтган киши Аллоҳнинг хоҳишида: агар истаса, уни Дўзах билан азоблайди ва хоҳласа, уни афв қиласи, Дўзах билан абадий азобламайди, деймиз. Бирор ишда риё бўлса, унинг ажрини йўқ қиласи. Шунингдек, фурурланиш ҳам.

— Пайғамбарларнинг мўъжизалари, авлиёларнинг кароматлари ҳақдир. Аммо хабарларда келтирилган Аллоҳнинг душманлари — Иблис, Фиръавн, Дажжол қабиларда бўлган ва бўладиган мўъжиза ва одатдан ташқари ишларни каромат деб атамаймиз. Буларни биз уларнинг ҳожатларини чиқариш деб атамаймиз. Чунки Аллоҳ душманларининг дунёда фурурда, охиратда азобда қолиши учун ҳожатларини раво қиласи. Улар бу билан мағрурланиб, куфру туғёнда ҳаддан ошиб кетадилар. Бу мумкиндир.

— Аллоҳ маҳлуқларни яратмасдан илгари ҳам яратувчи ва уларга ризқ бермасдан олдин ҳам ризқ берувчи зотдир. Аллоҳ таоло охиратда кўринади, уни мўминлар Жаннатда ўз кўзлари билан, ўхшашсиз, тасаввурсиз, ўртада масофасиз кўрадилар.

— Имон иқрор ва тасдиқдир. Еру осмон аҳлининг имони озаймайди ҳам, кўпаймайди ҳам. Мўминлар имонда ва

тавҳидда тенгдирлар, амалларда эса улар бир-бирларидан ортиқдирлар.

— Ислом таслим бўлмоқ ва Аллоҳнинг буйруқларига бўйинсунмоқдир. Имон ва Ислом сўзларида луғавий маъно жиҳатидан фарқ мавжуд бўлса-да, имонсиз Ислом бўлмаганидек, Исломсиз имон ҳам бўлмайди. Уларнинг иккаласи бел билан қориндек. Дин имон, Ислом ва ахкомларнинг ҳаммасининг номидир.

— Биз Аллоҳ таолони, Китобида зотини васф қилганидек, ҳамма сифатлари билан ҳақиқий таниймиз. Ҳеч ким Аллоҳга, У лойиқ бўлган ҳақиқий ибодатни адо этолмайди. Аммо Унинг амри билан, У буюрганидай Унга ибодат қиласди. Мўминларнинг барчалари Аллоҳни танишда, ишонишда, Унга суянишда, Уни севишида, Ундан рози бўлишда, Ундан қўрқишида, Ундан умидвор бўлишда ва имонда бир-бирлари билан тенгдирлар. Аммо улар бир-бирларидан амалда фарқ қиласдилар.

— Аллоҳ бандаларига фазлу қарам қилувчи ва адолатли зотдир. У фазл айлаб, бандага, у лойиқ бўлганидан бир неча баробар зиёда савоб беради. У адл айлаб, бандага гуноҳи учун азоб беради ва фазл айлаб, унинг гуноҳини афв қиласди.

— Пайгамбарларнинг, алайҳимуссалом, шафоатлари ҳақдир ва Пайгамбаримизнинг, алайҳиссалом, гуноҳкор мўмин бандаларни ва азобу укубатга лойиқ бўлганларни, гуноҳи кабира қилганларни шафоат қилишлари ҳақдир.

— Киёмат куни тарозида амалларнинг тортилиши ҳақдир, Пайгамбаримизнинг, саллаллоҳу алайҳи ва саллам, Жаннатда ҳовузлари борлиги ҳақдир, Киёмат куни хусуматчилар ўрталарида бир-бирларидан яхши амалларини олиб, қасос олишлари ҳақдир. Агар уларнинг яхши амаллари бўлмаса, мазлумларнинг ёмон амаллари золимларга ортилиши ҳақ ва жоиздир.

— Жаннат ва Дўзах ҳозир яратиб қўйилгандир, улар абадий йўқ бўлмайдилар. Ҳурлар ҳам абадий ўлмайдилар. Аллоҳнинг иқоби ва ажри йўқ бўлмайди, улар абадий-

дир. Аллоҳ истаган бандасини фазл айлаб, ҳидоятга со-
лади. Истаган бандасини адл айлаб, излол этади. Аллоҳ
таолонинг излоли хизлонидир. Хизлоннинг тафсири –
Ўзи рози бўладиган амалларга бандани мойил қимас-
лигидир. Бу Аллоҳнинг адлидир. Шунингдек, мойил
қилинмаганни гуноҳ учун жазолаш ҳам адолатдир. Биз,
шайтон мўмин банданинг имонини зўрлаб, қаҳр қилиб
тортиб олади, демаймиз. Балки, биз, банда олдин имо-
нини тарк этади, ана шу вақтда шайтон ундан имони-
ни тортиб олади, деймиз.

— Қабрда Мункар ва Накир номли фаришталарнинг
савол бериши ҳақдир. Қабрда бандага унинг руҳи қайта-
рилиши ҳақдир. Қабрнинг қисиши ҳақдир. Қабрда ҳамма
коғирларга ва баъзи бир осий мусулмонларга азоб бор ва
бу ҳақдир.

— Аллоҳ таолонинг йад сифатидан бошқа муташобиҳ
ҳамма сифатларини арабчадан бошқа тилда уламолар айт-
ганларидек айтиш жоиздир. Йад сифатини бошқа тилга
таржима қилиб айтиш мумкин эмасдир. Ундан бошқа мут-
ашобиҳ сифатларини «ўхшашсиз» ва «тасаввурсиз» сўзлари
билин кўшиб, масалан: «Ўхшашсиз ва тасаввурсиз, Пар-
вардигорнинг юзи учун» деб, айтмоқ жоиздир. Аллоҳнинг
яқинлиги ва узоклиги масофанинг узоқ ва қисқалиги жи-
ҳатидан эмасдир. Фазилат ва ҳақорат маъносидадир. Ито-
атгўй Аллоҳга тасаввурсиз яқин ва гуноҳкор-осий Ундан
тасаввурсиз йироқ деган маънодадир. Яқинлик, узоклик,
юзланиш ёлборувчига нисбатан қўлланилади. Шунингдек,
банданинг жаннатда Унга яқинлиги ва хузурида туриши
тасаввурсиздир.

— Куръон Пайғамбаримизга, саллаллоҳу алайҳи ва сал-
лам, нозил этилгандир. У мусҳафларда битилгандир. Куръон
оятларининг барчаси Аллоҳнинг каломи бўлганидан фа-
зилатда ва улуғликда тенгдирлар. Аммо баъзи оятларида
ҳам зикр fazilati ва ҳам зикр қилинганинг fazilati
бор. Бунга мисол, Оятул Курсийдир. Унда Аллоҳнинг улуғ-
лиги, буюклиги ва сифатлари зикр қилингандир. Демак,

мазкур оятда икки фазилат жамъ бўлган, яъни, зикр фазилати ва зикр қилинган Аллоҳнинг фазилати. Аммо баъзи оятларда фақат зикр фазилати бор. Бунга мисол кофирларнинг қиссалари баён қилинган оятлар. Унда зикр қилинганнинг — кофирларнинг фазилати йўқ. Шунингдек, Аллоҳнинг исмлари ва сифатлари улуғлик ва фазилатда тенгдир, улар орасида тафовут йўқдир.

— Пайгамбаримизнинг, саллаллоҳу алайҳи васаллам, ота-оналари куфрда вафот этган эмаслар. У зотнинг амакилари Абу Толиб кофирликда бу дунёдан ўтган. Қосим, Тоҳир ва Иброҳим, Аллоҳ улардан рози бўлсин, Пайгамбаримизнинг, алайҳиссалом, ўғиллариридир. Фотима, Руқия, Умму Гулсум ва Зайнаблар Пайгамбаримизнинг (с.а.в.) қизларирилар.

— Агар мўмин кишига Тавҳид илмининг нозик масалаларидан бирортаси тушунарсиз бўлса, шу заҳоти бир олимни топиб ундан сўраб билгунга қадар, «Аллоҳ олдида қандай тўғри бўлса, шундай эътиқод қилдим», демоқлиги лозимдир. Унга, бу ҳолда сўрашни кечикириш мумкин эмас. Уни билмай туриши узр бўлмайди. Агар тавҳид илмининг тушунмаган масаласини ўрганишга ҳаракат қилмаса, кофир бўлади (бу ҳукм барча авомга эмас, балки кўнглида шундай жиддий савол туғилган кишиларгагина тегишлидир).

— Меъроҳ тўғрисидаги хабар ҳақдир. Ким уни рад этса, аҳли сунна вал жамоадан ажралган ва адашган бўлади.

— Дажжолнинг ва Яжуж-Мажужнинг чиқиши, Қўёшнинг гарбдан тулуъ қилиши, Исо алайҳиссаломнинг осмондан тушиши ва саҳиҳ ҳадисларда ворид бўлган Қиёматнинг бошқа аломатлари ҳақдир, содир бўлажақдир.

Аллоҳ истаган бандасини тўғри йўлга солади.

Ҳамд оламларнинг Парвардигори Аллоҳгадир. Хожамиз Муҳаммадга (с.а.в.) ва унинг барча авлодларию саҳобаларига дуруду саломлар бўлсин!

АЛ-ФИҚҲ АЛ-АБСАТ

(Китоб Имоми Аъзам билан шогирдлари Абу Мутиънинг савол-жавобларига асосланиб ёзилган.)

Савол:

— Энг улуф ва энг содда фиқҳ нима?

Жавоб:

— Кимсани гуноҳи учун коғирга чиқармаслигинг, бирорта одамни имонсиз деб маҳкум қиласлигинг, яхшиликка буюришинг ва ёмонликлардан қайтаришинг, сенга теккан нарсанинг тегмаслиги мумкин эмаслигини, сенга тегмаган нарсанинг тегиши мумкин эмаслигини билишинг, Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) асҳобларидан бирорталаридан ўзингни четга тортмаслигинг, бирларидан бирларини яқин тутмаслигинг. Ҳазрат Усмон ва Ҳазрат Алининг (Аллоҳ улардан рози бўлсин) воқеаларини Аллоҳга ҳавола қилишинг, улардан бирини иккинчисидан афзал деб билмаслигинг энг содда ва энг улуф фиқҳдир.

Имоми Аъзам сўзларида давом этдилар:

— Диний билимларни билиш аҳқомларни билишдан кўра афзалроқдир. Зеро, одамнинг Парвардигорига қандай ибодат (бандачилик) қилишни билиши бошқа кўп илмларни ўзида тўплаганидан кўра фойдалироқдир.

Савол:

— Энг афзал фиқҳ қайси?

Жавоб:

— Банданинг Аллоҳга имон келтиришни, диний вожибларни, суннатларни, тўсиқларни, умматнинг ихтилофларини билиши энг афзал фиқҳдир.

Савол:

— Имон нима?

Жавобида Абу Ҳанифа шундай дедилар:

— Ҳаммод Иброҳимдан, у Алқама ибн Муршиддан, у эса Яҳё ибн Яъмурнинг Ибн Умарга (Аллоҳ улардан рози бўлсинг) қўйидаги савол билан мурожаат этганини ривоят қилган:

— Дин тўғрисида хабар беринг-чи, у нима ўзи?

Ибн Умар жавоб қилдилар:

— Имон келтирсанг, уни биласан.

Яҳё ибн Яъмур:

— Бўлмаса, айтинг-чи, имон ўзи нима? — дедим.

Шунда Ибн Умар қўлимдан ушлаб бир кекса чолнинг олдиға олиб бордилар, унинг ёнига ўтқизиб қўйдилар ва: бу мендан имон нима ўзи, деб сўраяпти дедилар. Бу мўйсафид Бадр муҳорабасида Пайғамбаримиз (с.а.в.) билан бирга иштирок этгандардан, дедилар-да, менга юзланиб:

— Мен Расулulloҳнинг, саллаллоҳу алайҳи ва саллам, ёнларида эдим, бу мўйсафид мен билан бирга эди. Шу пайт Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳузурларига бошида салласи бор, чиройли қўринишдаги бир киши кириб келди. Биз уни бадавий араблардан бўлса керак, деб ўйладик. У одамларнинг елкалари оша ўтиб Пайғамбаримиз (с.а.в.) олдиларида тўхтаб:

— Эй Аллоҳнинг элчиси, имон нима? — деди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) жавоб қилдилар:

— «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Муҳаммад Аллоҳнинг бандаси ва элчиси» деб икror бўлмоқлигининг. Аллоҳнинг фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, Қиёмат кунига, яхшилик ва ёмонлик Аллоҳнинг хоҳиши билан бўлишига ишонмоқлигингдир.

Мўйсафид, тўғри айтдинг, деди. Биз, бадавийларнинг саводсизликларига қарамай, бу мўйсафиднинг Пайғамбаримиз (с.а.в.) сўзларини тасдиқлаётганидан ажабландик. Мўйсафид сўзида давом этиб:

— Эй Аллоҳнинг элчиси, Исломнинг арконлари нима? — деди.

— Намоз ўқимоқ, Рамазон ойида рўза тутмоқ, закот

бермоқ, имкони бор одамга Байтуллохга ҳаж қилмоқ, жанобатдан фусл қилмоқ, — дедилар Пайгамбаримиз.

Мўйсафид:

— Тўғри айтдинг, — деди.

Биз яна унинг Пайгамбаримиз (с.а.в.) сўзларини тасдиқ қилаётганидан ажабландик. Гўё у Пайгамбаримиз алайҳиссаломга таълим бераётгандек эди.

— Эй Аллоҳнинг элчиси, эҳсон нима? — деди мўйсафид.

— Аллоҳни кўриб турганингдек иш қилмоғинг. Чунки сен Уни кўрмассанг ҳам, албатта, У сени кўриб туради, — дедилар Пайгамбаримиз (с.а.в.).

— Тўғри айтдинг, — деди мўйсафид ва:

— Қиёмат қачон бўлади? — деб сўради.

— Сўралаётган сўрагувчи одамдан билимдонроқ эмас,

— деб жавоб бердилар Пайгамбаримиз, алайҳиссалом.

Шундан сўнг мўйсафид ўрнидан турди, у одамлар орасига киргач, биз уни кўролмай қолдик. Пайгамбаримиз алайҳиссалом:

— Ушбу мўйсафид Жаброил алайҳиссалом эдилар. У сизларнинг олдингизга динингиз асосларини таълим бергани келди, — дедилар.

Савол: — Агар банда юқорида зикр этилганларга қаттиқ ишонса ёки уларга иқрор бўлса, у мўминми?

Жавоб: — Ҳа, агар бандада уларга иқрор бўлса, демак, Исломнинг барча таълимотларига иқрордир ва у мўминдир.

Савол: — Банда Аллоҳнинг яратгандаридан бирортасини инкор қиласа ва: бунинг яратувчисини билмайман деса-чи?

Жавоб: — Унда у Аллоҳнинг: «...У (Аллоҳ) ҳамма нарсанинг яратувчисидир...» (Анъом, 102, мазмуни) деган оятига биноан кофирдир. Гўё у ўз сўзи билан: бунинг яратувчиси Аллоҳдан ўзгадир, деган каби бўлади. Шунингдек у: менга Аллоҳ намоз ўқиши, рўза тутиши, закот бериши фарз қилганини билмайман деса, Аллоҳнинг: «Намозни мукаммал адо этингиз, закот берингиз...» (Бақара, 43, мазмуни) ва шунингдек, Унинг: «...сизлардан олдинги (уммат)ларга фарз

қилингани каби сизларга ҳам рўза тутиш фарз қилинди...» (Бақара, 183, мазмуни), «Бас, тунга кириш пайтларингизда ҳам, тонгта кириш вақтларингизда ҳам Аллоҳга тасбех айтингиз!» (Рум, 17, мазмуни) оятларига биноан у кофирдир. Агар у, бу оятларга ишонаман, лекин уларнинг таъвилини ҳам, тафсирини ҳам билмайман деса, кофир бўлмайди. Чунки у, буларнинг Аллоҳ томонидан нозил бўлганига ишонган, аммо тафсирларида хато қилган.

Савол: – Агар у мушриклар юртида бўлса, фарзлардан ва бошқа шариат аҳкомларидан бирор нарса билмаса, Куръонга ҳам, шариат аҳкомларидан бирортасига ҳам иқрор бўлмаса, фақат Аллоҳга ва Имонга иқрор бўлса, шу ҳолда вафот этса, у мўминми?

Жавоб: – Ҳа, у мўминдир.

Савол: – Фақат Имонга иқрор бўлиб, у ҳеч нарса билмаган ва ҳеч қандай амал қилмаган бўлса ҳам-а?

Жавоб: – У мўминдир.

Савол: – Имон ҳақида айтиб беринг.

Жавоб: – Танҳо Аллоҳдан ўзга сифинадиган илоҳнинг йўқлигига, Унинг шериги йўқлигига иқрор бўлишинг, Унинг фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, Жаннату Дўзахига, Қиёматига, яхшилик ва ёмонлик Ундан эканлигига иқрор бўлишинг, Аллоҳ амалларни ҳеч кимнинг ихтиёрига топширмаганлигига, одамлар Аллоҳнинг хоҳиш-иродаси ва белгилаганига мувофиқ бўлишларига иқрор бўлишинг.

Савол: – Агар банда буларнинг ҳаммасига иқрор бўлсан ю, лекин Аллоҳнинг: «Бас, хоҳлаган киши имон келтирсин, хоҳлаган кимса кофир бўлсин!» (Қаҳф, 29, мазмуни), деган оятига биноан: истасам имон келтираман, истасам имон келтирмайман, хоҳиш-ихтиёр менда, деса, сиз нима деган бўлар эдингиз?

Жавоб: – У ўз даъвосида ёлғончидир. Аллоҳнинг: «Йўқ! Балки, улар охиратдан қўрқмаслар. Йўқ! У (Куръон) бир эслатмадир. Бас, хоҳлаган киши ундан эслатма олур. Улар фақат Аллоҳ хоҳлаганидагина (Куръондан) эслатма олур-

лар...» (*Қиёмат*, 53–56, мазмуни); «(Улар) Аллоҳ истаганинигина истайдилар...» деган оятларига қарамайсанми?! Аллоҳнинг «Истаган одам имон келтирсин, истаган одам инкор қилсин!» деган ояти ваъиддир. Мазкур банда бу оятнинг ўзини ва унинг Аллоҳ томонидан нозил бўлганини рад қилаётгани йўқ. У фақат оятни таъвил қилишда хатога йўл қўйган ва бу билан у кофир бўлиб қолмайди.

Савол: – Банда, агар менга мусибат етса, Аллоҳ у билан мени синамоқчимикин ёки мусибат мени қилмишимданмикин, Аллоҳ мени у билан синамоқчи эмас, деса, кофир бўладими?

Жавоб: – Йўқ.

Савол: – Нега?

Жавоб: – Чунки бу одам Аллоҳ таолонинг: «(Эй исонлар), сизларга не мусибат етса, бас, ўз қўлларингиз қилган нарса (гуноҳ) сабаблидир» (*Шуро*, 30, мазмуни); «Сизга қандай яхшилик етса, у Аллоҳдандир, Сизга қандай ноҳушлик етса, у ўзингиздандир...» (*Нисо*, 79, мазмуни), яъни, гуноҳнинг сабаблидир, «...Бас, Аллоҳ (Ўзи) хоҳлаган кимсани йўлдан оздирур ва (Ўзи) хоҳлаган кишини ҳидоят қилур...» (*Иброҳим*, 4, мазмуни) деган оятлари таъвилида хато қилган. Аллоҳнинг: «...Аллоҳ инсон билан унинг дили (ўртаси)да «парда» бўлиб туради...» (*Анфол*, 24, мазмуни) дегани, мўмин ва куфр, кофир ва Имон ўртасида (парда) бўлади, деганидир.

Банданинг маъсият қилишга қодирлигининг айнан ўзи унинг Аллоҳга итоат қилишга ҳам салоҳиятидир. Банда, Аллоҳ унга маъсият қилиш учун эмас, итоат этиш учун берган, буюрган қодирлик салоҳиятини гуноҳ ишга сарф қилгани учун жазоланади.

Савол: – Агар у, нега Аллоҳ бандаларни гуноҳ қилишга мажбур қиласди, сўнгра уларга азоб беради, деса, сиз нима деган бўлардингиз?

Жавоб: – Агар у шундай деса, сен ундан сўра: Банда ўзига ўзи фойда ёки зарар келтира оладими? Агарда у: йўқ, чунки бандалар зарар ва фойдада мажбур қилин-

ганлар, итоат қилиш ва маъсият қилишда эмас, деса, унга айт: Аллоҳ ёмонликни яратганми? Агар у: ҳа, яратган, деса, ўз сўзидан чиққан бўлади. Агарда у: йўқ, Аллоҳ ёмонликни яратган эмас, деса, у ҳолда Аллоҳнинг: «...Паноҳ тилаб илтижо қилурман тонг Парвардигорига, яратган нарсалари ёвузлигидан...» (Фалақ, 1—2, мазмуни) сўзига биноан, у кофирдир. Аллоҳ ёмонликнинг ҳам яратгувчисидир. Агарда у: сизлар Аллоҳ куфрни ҳам, имонни ҳам хоҳлайди, демайсизларми? — деса, биз унга: ҳа, десак у: «У (Аллоҳ) қўрқилишга лойиқ ва қўрқанларни мағфират қилувчиидир. (Бандалар Ундан қўрқиши лозим)» (Муддассир, 56, мазмуни), деб, Аллоҳ марҳамат қиласидими? — дейди.

Савол: — Биз унга: ҳа, десак у: Аллоҳ куфрга лойиқми? — деса, биз қандай жавоб қиласиз?

Жавоб: — Унга айт: Аллоҳ истаган тоатга лойиқ, истаган маъсиятга лойиқ эмасдир.

Савол: — Агар у: Аллоҳ Унга қарши ёлғон ва туҳмат қилинишини истамади, деса биз нима деймиз?

Жавоб: — Унга айт: Аллоҳга яқинлик — сўз ва гап билан бўладими ёки йўқ? Агар у: ҳа, деса, унга айт: Одамга ҳамма ишларни ким ўргатди? Агар у: Аллоҳ ўргатди, деса, унга айт: куфр сўзми ё сўз эмасми? Агар у: ҳа, сўз, деса, унга айт: кофирни ким сўзлатди? Агар у: Аллоҳ, деса, билгинки, улар ўзларига хусуматчи бўладилар. Чунки ширк гап жумласидандир. Агар Аллоҳ хоҳласа, кофирларга ширкни сўзлатмас эди.

Савол: — Агар у менга: бир одам хоҳласа, яъни, унда бир ишга хоҳиш бўлса, уни қиласеради, агар хоҳиши бўлмаса, уни қилмайди, хоҳласа ейди, хоҳламаса емайди, хоҳласа ичади, хоҳламаса ичмайди, деса, мен нима деб жавоб бераман?

Жавоб: — Унга айт: Аллоҳ Бани Исроилга денгиздан кечиб ўтишни хукм қилди, Фиръавнга эса фарқ бўлишни тақдир қилди, шундайми, дегин. Агар у: ҳа, деса, унга айт: Фиръавн Мусони изламаслиги, у ва унинг ҳамроҳла-

ри гарқ бўлмаслиги рўй бериши мумкинмиди? Агар у: ҳа, деса, демак, у кофирдир. Агар у: йўқ, деса, у юқоридаги сўзини бекор қилган бўлади.

ТАҚДИР БОБИ

Абу Ҳанифа розияллоҳу анҳу дедилар:

— Ҳаммод Иброҳимдан ва у Абдуллоҳ ибн Масъуддан ушбу ҳадисни Пайғамбаримиздан (с.а.в.) ривоят қилганларини бизга айтди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом айтдилар:

— Ҳар бирларингизнинг яралиш жараёни шундай кечали, у қирқ кун онасининг қорнида нутфа, сўнгра яна шунча муддатда алақа, сўнгра яна шунча муддатда музга бўлади. Шундан кейин Аллоҳ бир фариштани юборади ва у банданинг ризқини, яшаш муддатини, унинг баҳтли ёки баҳтсиз бўлишини ёзади. Ўзидан бўлак илоҳ йўқ зотга қасамки, банда аҳли Дўзахнинг ишини қилганида, у билан Дўзах орасида бир зироъ масофа қолади ва шу вақтда унга китоб голиб келади ва у Жаннат аҳлининг амалларидан қила бошлияди ва сўнг вафот этади ва Жаннатга киради. Бошқа бир одам эса аҳли Жаннатнинг амалларидан қилиб юради ва Жаннатга киришига бир зироъ масофа қолганида, унга китоб голиб келади ва Дўзах аҳлининг ишларидан қила бошлияди, сўнгра вафот этади ва Дўзахга киради.

Савол: — Бир одам амри маъруф ва наҳий мункар қилиб юрса ва одамлар унга эргашса, сўнгра у жамоатга қарши чиқса, бундай одам тўғри қилган бўладими?

Жавоб: — Йўқ.

Савол: — Нега? Ахир Аллоҳ ва Унинг пайғамбари амри маъруф ва наҳий мункарга буюрганлар ва бу мутлақо фарз-ку.

Жавоб: — Шундай. Лекин уларнинг бузадиган нарслари қон тўкиш, ҳалолни ҳаром дейиш, молларни ўғирлаш каби нарсаларни ислоҳ қилишларидан қўп бўлади.

Аллоҳ таоло: «Агар мўъминлардан икки тоифа ўзаро урушшиб қолсалар, дарҳол улар ўртасини ислоҳ этинглар. Бас, агар улардан бири, иккинчисининг устига тажовузкорлик қилса, бас, то (тажовузкор тоифа) Аллоҳнинг амрига қайтунича, сизлар тажовуз қилган (тоифа) билан урушинглар!..» (Хўжурот, 9, мазмуни), деган.

Савол: – Тажовузкор, ҳаддан ошган тоифага қарши қилич билан курашамизми?

Жавоб: – Амри маъруф ва наҳий мункар қиласан, қабул этмасалар, уларға қарши жанг қиласан. Пайғамбарамиз алайҳиссаломнинг: «Сизга жабр қилувчининг зулми, одил одамнингadolати зарар қилмайди. Сизга ўз ажрингиз, уларга ўз гуноҳлари», деган сўзларига биноан сен, агар имом ситамкор бўлса,adolатли тоифа билан бирга бўласан.

Савол: – Очиқ хавориж бўлганлар тўғрисида нима дейсиз?

Жавоб: – Улар хаворижларнинг энг ифлосларидир.

Савол: – Уларни кофирлар деймизми?

Жавоб: – Йўқ, Лекин уларга қарши пешволаримиз курашганидай, эзгулик соҳиблари Ҳазрати Али ва Умар ибн Абдулазизлар каби курашамиз.

Савол: – Хаворижлар биз каби такбир айтадилар, нағоз ўқыйдилар, Куръон тиловат қиласидилар. Абу Амома нинг қиссасини эсланг-чи! У Дамашқ масжидига кирганида, унда хаворижлардан бирталайининг каллалари думалаб ётар эди. У Абу Голиб ал-Ҳуммусийга: Эй Абу Голиб, улар одам болалари, ҳамشاҳарларингдан-ку, деди. Сенга уларни таништираман, деб Абу Голиб: Эй аҳли дўзахнинг лайчалари, эй аҳли дўзахнинг кучуклари, эй осмон тагидаги энг разил мурдалар, деди. Абу Амома ўзини тўхтатолмай кўз ёш тўкарди. Бу ҳолатни кўрган Абу Голиб: Эй Абу Амома, сени йиғлатаетган нарса нима, деди. Абу Амома унга деди: улар мусулмон эдилар, сен улар тўғрисида нималар деяпсан, мен нималарни эшитяпман, аввалимбор Аллоҳ таоло Куръонда: «Баъзи юзлар оқарадиган ва баъзи юзлар қораядиган Кун (қиёмат)ни эсланг:

юзи қорайғанларга: «Имон келтиргандан кейин яна куфрга қайтган әдингизларми? Куфрингиз туфайли мана шу азобларни тотиб күринг энди», – дейилур» (*Оли Имрон, 106, мазмуни*); «Юзлари оқарған зотлар эса Аллоҳнинг раҳмати (жаннати)дадирлар. Улар у ерда абадий қолувчилардир» (*Ўша сурा, 107, мазмуни*) деган-ку.

Иккинчидан, Пайғамбаримиз алайҳиссалом, «Субҳаналлоҳ»ни етти марта айтиб: «Хаворижларнинг куфри куфрони неъматдир, Аллоҳнинг уларга берган инъомларига куфр қилганлар», деб айтмаганмилар?

Савол: – Хаворижлар хуруж қилган, курашган, форат қилган бўлсалар ҳам, сўнгра ислоҳга келганлар. Шунга қарамай, улар қилмишлари учун таъқиб қилинаверадиларми?

Жавоб: – Хаворижлик ҳаракати тинганидан сўнг хаворижларга жарима ҳам солинмайди, уларга жазо ҳам, хун ҳам йўқ ва ҳатто улардан қасос ҳам олинмайди.

Савол: – Нима учун шундай?

Жавоб: – Ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳу қатл этилганларида одамлар орасида воқеъ бўлган фитнага оид ҳадисда саҳобалар, қон тўйкан одамга қасос йўқ, зино қилганга жазо йўқ, мол олган одам таъқиб этилмайди, фақат молнинг айни ўзи топилса, эгасига қайтарилади, деб иттифоқ қилганлари учун.

Савол: – Бир одам, мен кофирни кофир деб билмайман, деса, унга нима дейсиз? Ёки кофирнинг тақдири менга маълум эмас, деса-чи?

Жавоб: – Ундей одам кофир кабидир.

Савол: – Кофирнинг борар жойини билмайман деса-чи?

Жавоб: – У Аллоҳнинг каломига мункирдир, у ҳам кофирдир.

Савол: – Сен мўминмисан, деб сўралганида, «Аллоҳу аълам» (Аллоҳ билувчироқдир), деб жавоб берган одамга нима дейсиз?

Жавоб: – У ўз имонида шак қилувчидир.

Савол: – Куфр билан имон ўртасида мунофиқлик бор. У ё мўмин, ё кофир, ё мунофиқ эмасми?

Жавоб: – Йўқ, ўз имонига шубҳа қиласиган банда мунофиқ эмас.

Савол: – Нега?

Жавоб: – Ҳаммод менга қуидаги қиссани сўзлаб берган эди:

Ҳорис ибн Молик биродарлари Маоз ибн Жабал ал-Ансорий билан бирга эдилар. Маоз ибн Жабалнинг жон таслим қилаётгандарини кўрган Ҳорис ибн Молик йифладилар. Кўз ёшини кўрган Маоз: сени нима йифлатяпти, эй Ҳорис, дедилар. У: мени сизнинг вафот этаётганингиз йифлататеётгани йўқ. Чунки, у охират сиз учун бу дунёдан кўра афзалроқдир. Мени йифлататеётган нарса сиздан кейин бизга ким муаллимлик қиласди, деган саволдир, деди. Бошқа бир ривоятда: сиздан кейин олим одам ким бўлади, деган савол мени йифлатмоқда, дедилар. Шунда Маоз: сабр қил, мендан сўнг Абдуллоҳ ибн Масъуднинг этагидан маҳкам ушланглар, дедилар. Менга бирор нарсани насиҳат қилинг, деди Ҳорис. Маоз ибн Жабал Аллоҳ имкон берганича панду насиҳат қилганларидан сўнг: олимнинг хатосидан сақланинглар, деб жон таслим қилдилар.

Маоз ибн Жабал вафотидан кейин Ҳорис Куфага, Абдуллоҳ ибн Масъуд ҳузурларига бордилар. Шу вақт нағозга азон айтила бошлади. Ҳорис масжидда ўтирганларга: аzon овозини эшигтан ҳар бир мўмин азонга жавоб бериши вожибdir, ўрнингиздан туинглар, деди. Одамлар унга қараб: сен мўминмисан, дейишди. У: ҳа, мен мўминман, деб жавоб қилди. Одамлар уни айблашди. Абдуллоҳ ибн Масъуд чиққанларида, унга бўлган воқеа сўзлаб берилиди. Абдуллоҳ ибн Масъуд ҳам Ҳорисга улар айтганларини айтдилар. Ҳорис бошини эгди ва йифлаг Аллоҳ таоло Маозни раҳматига олсин, деди. Сўнг унинг хабарини етказди.

Сўнг Абдуллоҳ ибн Масъуд билан Ҳорис ибн Молик ўрталарида ушбу суҳбат бўлиб ўтган экан:

– Сен ҳақиқий мўминмисан? – дедилар.

Ҳорис: – Ҳа, мен ҳақиқий мўминман.

Абдуллоҳ: — Сен ўзингни аҳли Жаннатданман, дейсанми?

Хорис: — Маозни Аллоҳ раҳмат қилсин, у менга олимнинг хатосидан сақланишни, мунофиқнинг ҳукмини эътиборга олмасликни васият қилган.

Абдуллоҳ: — Бирор хато кўрдингми?

Хорис: — Сенга Аллоҳ номи билан қасам ичаманки, Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳаёт бўлганларида одамлар уч тоифа: ичида ҳам, ташида ҳам мўмин бўлган; ичида ҳам, ташида ҳам кофир бўлган; ичида мунофиқ бўлган, эмасмиди? Сен бу уч тоифанинг қайси биридансан?

Абдуллоҳ: — Сен менга Аллоҳ таоло номи билан қасам ичсанг, мен ичимдан ҳам, ташимдан ҳам ҳақиқий мўминман.

Хорис: — Нега бўлмаса, мен ҳақиқий мўминман, десам, менга дашном бердинг?

Абдуллоҳ: — Бу менинг нуқсоним, уни менинг ичимга кўмиб юборинглар. Аллоҳ Маоз ибн Жабални ўз раҳматига олсин!

(*Абдуллоҳ ибн Масъуд ва Хорис ибн Молик ўрталаридаги сұхбат тугади.*)

Савол: — Бирор: мен албатта Жаннат аҳлиданман, деса нима бўлади?

Жавоб: — У ёлғончидир. Чунки у Жаннатга кириши ёки кирмаслигини билмайди. Мўмин имон билан Жаннатга кирадиган, гуноҳлари билан Дўзахда азобланадиган бандадир.

Савол: — Бирор: мен Дўзах аҳлиданман, деса-чи?

Жавоб: — У ҳам ёлғончидир. Чунки унда ҳам Дўзахга тушиши ёки тушмаслигини биладиган илм йўқ. У Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бандадир. Мўмин одам, мен ҳақиқий мўминман, дейиши лозим. Зеро, мўмин имонида шубҳа қилмайди.

Савол: — Мўминнинг имони фаришталарнинг имони кабими?

Жавоб: — Ҳа.

Савол: — Амали ноқис бўлса ҳам, ҳақиқий мўмин бўладими?

Жавоб: — Менга Ҳорисанинг ҳадисини айтиб бердилар. Пайғамбаримиз алайҳиссалом унга:

— Қандай ухлаб турдинг, Ҳориса? — дедилар.

Ҳориса: — Ҳақиқий мўмин бўлиб ухлаб, уйкудан турдим.

Пайғамбаримиз (с.а.в.): — Ўйлаб гапир. Ҳар бир ҳақ нарсанинг ҳақиқати бор. Сенинг имонинг ҳақиқати нима?

Ҳориса: — Эй пайғамбари Худо! Нафсимни дунёдан билдим, ҳатто кунимни тун, тунимни кун қилдим. Энди мен Раббимнинг Аршига қараётгандайман, аҳли Жаннатларнинг бир-бирларини зиёрат қилаётгандарини кўраётгандайман, Дўзах аҳлининг Дўзахда бир-бирларига адодат қилаётгандарига қараётгандайман.

Пайғамбаримиз (с.а.в.): — Муддаога эришибсан, муддаога эришибсан, шундай қилишда давом этавер! Сўнгра атрофдагиларга: «Аллоҳ қалбини мунаvvар қилган бандага боқиб, шод бўлишни истаган банда Ҳорисага боқсин», дедилар.

Ҳориса: — Эй Пайғамбари Худо! Менинг шаҳид бўлишимни сўраб, Аллоҳга дуо қилинг.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) уни дуо қилдилар ва дуолари мустажоб бўлиб, Ҳориса шаҳид бўлди.

(Пайғамбаримиз (с.а.в.) билан Ҳориса ўрталаридағи суҳбат тугади.)

Савол: — Мўмин одам Дўзахга кирмайди, деганларнинг мақсади нима?

Жавоб: — Ҳар бир мўмин, албатта, Дўзахга киради.

Савол: — Кофир-чи?

Жавоб: — Улар ўша куни имон келтирадилар.

Савол: — Қандай қилиб?

Жавоб: — Аллоҳ таолонинг: «Бас, қачонки, улар Бизнинг азобимизни кўришгач: «Якка Аллоҳга имон келтирдик ва (илгари Аллоҳга) шерик қилиб олган нарса (бут)ларимизга кофир бўлдик», — дедилар. (Лекин) Бизнинг азобимизни кўрган вақтдаги имонлари уларга фойда берувчи

бўлмади...» (*Fofigur, 84–85, мазмуни*), деган оятларига биноан. Ноҳақ ўлдирган, ўғирлик қилган, босмачилик ва йўлтўсарлик қилган, фисқу фужур билан машғул бўлган, зино қилган, ароқ ичган ёки маст бўлган фосиқ мўминдир, кофир эмасдир. Аллоҳ уни гуноҳига яраша Дўзахида азоблайди ва сўнгра имони туфайли ундан чиқаради. Агарда имон келтириш лозим бўлган ҳамма нарсаларга имон келтирса-ю, аммо, «мен Мусо ва Исонинг пайғамбар ёки пайғамбар эмасликларини билмайман», деса у кофир бўлади. «Кофиринг Жаннатда ёки Дўзахда бўлишини билмайман», деган одам ҳам кофирдир. Бунга далил Аллоҳнинг: «Кофир бўлган кимсаларга эса жаҳаннам ўти бордирки, на уларга ҳукм қилиниб, ўла олурлар ва на улардан (жаҳаннам) азоби енгиллатилур...» (*Fotipr, 36, мазмуни*); шунингдек: «уларга ўт азоби бор... уларга қаттиқ азоб бор» деган оятлариидир. Саъид ибн Мусайябнинг: «кофириларни Дўзахдаги ўз жойларига жойлаштиргмаган банда ҳам улар кабидир», деган сўзлари менгача етиб келган.

Савол: – Банда мўмин бўлса-ю, аммо намоз ўқимаса, рўза тутмаса, Исломнинг амалий ибодатларидан бирор нарса қилмаса, унга имонининг фойдаси борми?

Жавоб: – У Аллоҳ ихтиёридадир. Агар истаса, уни азоблайди ва истаса, унга раҳм қиласи. Аллоҳнинг каломидан бирор нарсани қатъий инкор қилмаган банда мўминдир. Баъзи бир аҳли илмлар менга қуидаги воқеани сўзлаб берган эдилар:

«Маоз ибн Жабал Ҳумс шаҳрига қадам қўйганларида одамлар тўпланиб, у кишини ўраб олдилар ва ундан бир ўспирин йигит:

– Намоз ўқийдиган, рўза тутадиган, Байтуллоҳга ҳажга борадиган, Аллоҳ йўлида курашадиган, қул озод қиласидиган, закот берадиган, фақат Аллоҳ ва Унинг Пайғамбарига шак-шубҳа келтирадиган, бандада тўғрисида нима дейсиз, – деди. Маоз:

– Шундай бўлса, унга Дўзахдир, – дедилар. Шундан кейин ўспирин:

— Намоз ўқимайдиган, рўза тутмайдиган, ҳажга бормайдиган, закот бермайдиган, фақат Аллоҳ ва Унинг Пайғамбариға имон келтирган банда тўғрисида нима дейсиз, деди. Маоз унга:

— Унга яхшиликни умид қиласман ва оқибатининг ёмон бўлишидан ҳам кўрқаман, деб жавоб берди. Ўспирин:

— Эй, Абу Абдураҳмон (Маознинг кунялари), ширк билан амал фойда бермаганидек, имон билан ҳеч нарса зарар қилмайди, деб йўлига равона бўлди. Маоз эса:

— Бу ўлкада ушбу ўспириндан кўра фақиҳроқ ҳеч ким йўқ, дедилар.

(*Ўспирин билан Маознинг сұҳбати тугади.*)

Абу Ҳанифа сўзларида давом этдилар:

— Исёнкорларга қарши коғирликлари учун эмас, балки исёнкорликлари учун жанг қилганлар. Сен одил тоифа ва ситамкор ҳукмдор билан бирга бўласан. Исёнкорлар билан бирга бўлма. Кўпчилик (жамоа) орасида фосиқлар, золимлар бўлса ҳам, улар ичида фосиқ ва золимларга қарши курашда сенга ёрдам берадиган аҳли салоҳ ҳам бор. Агарда жамоанинг ҳаммаси исёнкор бўлса, улардан четлан, бошқа жамоа ҳузурига бор! Аллоҳ таоло: «...Аллоҳнинг ери унда ҳижрат қилишларинг учун (етарлича) кенг эмасмиди?..» (*Нисо, 97, мазмуни*); «...Менинг ерим кенгdir. Бас, Менгагина ибодат қилингизлар!» (*Анкабут, 56, мазмуни*), деган. Шунингдек, Ҳаммод ибн Иброҳим Ибн Мастьуддан қўйидаги ҳадисни ривоят қилган:

«Пайғамбаримиз (с.а.в.) марҳамат қиладилар:

— Ер юзида маъсиятлар зоҳир бўлса ва сен уларни ислоҳ қила олмасант, у ердан бошқа жойга кўч ва у ерда Раббингга ибодат қил!»

Аҳли илмлардан баъзилари саҳобалардан ривоят қилинган қўйидаги ҳадисни менга айтиб бердилар. Пайғамбарамиз (с.а.в.) марҳамат қилдилар:

— Бир одам фитнадан кўрқиб, бир ердан иккинчи жойга кўчса, Аллоҳ унга етмиш сиддиқнинг савобини ёзади.

Абу Ҳанифа дедилар:

— Раббим осмондами ёки Ердами, билмайман, деса у Парвардигор сифатларини билмагани учун кофирдир. Аллоҳ таоло: «Аллоҳ осмонларни, кўриб турганингиздек устунсиз кўтариб қўйган, сўнгра Арш узра муставий бўлган...» (*Раъд, 2, мазмуни*); «(У) Арш узра муставий бўлмиш Раҳмондир» (*Toҳа, 5, мазмуни*). Мен Аршнинг осмонда ёки Ерда эканини билмайман, деса ҳам кофирдир. Чунки у бу сўзи билан Аршнинг осмонда эканини инкор қиласди. Ваҳоланки, Арш Иллийиннинг энг тепасидадир. Аллоҳ улуғдир, аксинча бўлиши мумкин эмас. Пастликда, нарса ичиде ё устида бўлиш илоҳнинг сифати эмасдир.

Ҳадисда ривоят қилинганки, бир куни Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳузурларига бир одам қора чўрини етаклаб келиб, у зотга: менга бир мўмин қул озод қилиш вожиб бўлиб қолди, мана бу чўри бўладими, деди. У зот чўрига: сен мўминмисан, дедилар. У: ҳа, деди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом: Аллоҳ қаерда, дедилар. Чўри: мунаzzах деб ёд қилди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) бояги кишига: бу чўрини озод қил, у мўмина экан, дедилар.

Абу Ҳанифа айтдилар:

— Қабр азобини билмайман, деган банда ҳалокатга йўлиқсан, пасткаш жаҳмиялар тоифасидандир. Чунки у: «...уларни икки бора азоблаймиз...» (*Тавба, 101, мазмуни*), яъни қабрда ва дўзахда, «Албатта, золим (кофир) бўлган кимсалар учун бундан (Қиёматдан) илгари (дунёда) ҳам азоб(лар) бордир...» (*Нажм, 47, мазмуни*), яъни, қабрда азоб бор, деган оятни инкор этади. Агар у: мен мазкур оятларга имон келтираман, аммо уларнинг таъвили ва тафсирига ишонмайман, деса ҳам кофир бўлади. Чунки баъзи оятлар баъзиларининг таъвилидир. Уларни қатъий инкор этса, сўзсиз, кофирдир.

Абу Ҳанифа дедилар:

— Бир одам менга Минҳол ибн Умардан, у эса Ибн Аббосдан ушбу ҳадисни Пайғамбаримиздан (с.а.в.) ривоят қилиб берди. У зот (с.а.в.) марҳамат қилдилар:

— Умматимнинг ёмонлари: мен Дўзахда эмас, Жаннатда бўламан, — дейди. Умматимдан массолларнинг ҳолига вой! У зотдан (с.а.в.): «Массоллар кимлар», деб сўрашди. Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Фалончи Жаннатда, пистончи Дўзахда бўлади», дейдиганлар массоллардир, — дедилар. Ушбу ҳадисни Абу Сибён ривоят қилган.

Абу Ҳанифа дедилар:

— Мен Нофеъдан эшитдим, у Ибн Аббосдан ушбу ҳадисни ривоят қилади. Пайғамбаримиз алайҳиссалом марҳамат қиладилар:

— Менинг умматимни Жаннатда ёки Дўзахда бўладилар, деб айтманглар! Аллоҳ Қиёмат куни улар орасида ҳукм чиқаргунга қадар уларни ўз ҳолларига қўйинглар! Аллоҳ таоло қудсий ҳадисда: «*Бандаларимни мен Қиёмат куни улар ўртасида ҳукм чиқармагунимча ва уларни ўз қароргоҳларига жойлаштиргунимга қадар, уларни сизлар Жаннат ёки Дўзахга туширманглар!*» — деб буюрган (Ҳасандан ривоят қилинган).

Савол: — Қотилнинг орқасида намоз ўқиб бўладими?

Жавоб: — Ҳар бир яхши ёки ёмон имомнинг орқасида намоз ўқиш жоиздир. Сенинг савобинг ўзингга ва унинг гуноҳи ўзигадир.

Савол: — Қилич кўтариб одамларга қарши чиққан, уларни ўлдирган ва уларни хўрлаган тоифа тўғрисида айтиб беринг-чи.

Жавоб: — Улар турли-туман гуруҳдирлар, уларнинг барчаси ҳам дўзахийлардир. Пайғамбаримиздан, алайҳиссалом, Абу Ҳурайра ушбу ҳадисни ривоят қилган. Пайғамбаримиз (с.а.в.) марҳамат қиладилар:

— Истроил авлодлари етмиш икки фирмага бўлиниб кетган эдилар. Менинг умматим етмиш уч фирмага бўлиниб кетажаклар. Улардан «ас-Савод ал-Аъзам» (аҳли жамоа)-дан бўлак ҳаммаси дўзахийдирлар.

Ибн Масъуддан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом марҳамат қиладилар:

— Исломга янгилик олиб кирган ҳалокатдадир, бидъ-

атни олиб кирган эса залолатдадир, залолатда бўлган одам эса дўзахийдир.

Яна Ибн Аббос ривоят қиласида, бир одам Пайғамбаримиз алайҳиссалом олдиларига келиб: «Ё Расулалоҳ, менга таълим беринг», деди. У зот: «Бор, Қуръонни ўргангин», деб уч марта тақрорладилар ва тўртинчисида:

— Ҳақ, сен яхши кўрадиган одамданми ёки ёмон кўрадиган одамданми, бундан қатъи назар, унга юзлан, Қуръонни ўрган, у қайси томонга мойил бўлса, сен ҳам ўша томонга мойил бўл! — дедилар.

Ибн Масъуд ривоят қилган ҳадисда эса Пайғамбаримиз алайҳиссалом марҳамат қиласида:

— Ишларнинг энг ёмона динга кириб қолган янгиликлардир, ҳар бир янгилик бидъатдир, ҳар бир бидъат эса залолатдир ва ҳар бир залолат эса Дўзахга маҳкумдир.

Аллоҳ таоло оятда: «унга фисқу фужурини ҳам, тақвосини ҳам илҳом қилиб қўйган...» (*Шамс*, 8, мазмуни); «Ҳақиқатан, Биз сенинг орtingдан қавмингни имтиҳон қилдик. Сомирий уларни йўлдан оздирди...» (*Тоҳа*, 85, мазмуни) — дейди.

ХОҲИШ БОБИ

Савол: — Аллоҳ таоло одамларни улар хоҳламаган нарсага буюрганими? Ва Аллоҳ бирор нарсани хоҳлаган-у, аммо уни қилишни одамларга буюрмаганми?

Жавоб: — Ҳа.

Савол: — Нима у?

Жавоб: — Аллоҳ кофирга Исломни қабул қилишни буюрган, аммо кофир Исломга кишини хоҳламаган, У кофирларга куфрни хоҳлаган, лекин уларни куфр қилишликка буюрмаган.

Савол: — Аллоҳ рози бўлган, аммо уни одамларга буюрмаган нарса борми?

Жавоб: — Ҳа, у нафл ибодатлардир.

Савол: – Аллоҳ рози бўлмаган нарсани одамларга бу-
юрганми?

Жавоб: – Йўқ.

Савол: – Нега?

Жавоб: – Чунки Аллоҳ таоло нимани буюрган бўлса,
ундан розидир.

Савол: – Аллоҳ бандаларни рози бўлган нарсаси учун
азоблайдими ёки рози бўлмаган нарса учун азоблайдими?

Жавоб: – Аллоҳ бандаларни рози бўлмаган нарса са-
бабли азоблайди. Чунки Аллоҳ уларни куфр ва гуноҳлари
учун азоблайди. Куфр ва гуноҳдан эса Аллоҳ рози эмас.

Савол: – Аллоҳ бандаларга ирода қилган нарса учун азоб
берадими ёки ирода қилмаган нарса учун азоб берадими?

Жавоб: – Аллоҳ бандаларга ирода қилган нарса учун
азоб беради. Чунки Аллоҳ уларни куфр ва гуноҳлари учун
азоб беради. Аллоҳ кофир учун куфрни, гуноҳкор учун
гуноҳни ирода этди.

Савол: – Аллоҳ уларни Исломни қабул қилишга бую-
риб, сўнгра уларга куфрни ирода этдими?

Жавоб: – Ҳа.

Савол: – Аллоҳнинг иродаси амридан олдин бўладими
ёки Аллоҳнинг амри Унинг иродасидан илгари бўладими?

Жавоб: – Аллоҳнинг иродаси Унинг амридан олдин
бўлади.

Савол: – Аллоҳнинг хоҳиши Унинг розилигими ёки йўқ?

Жавоб: – Аллоҳнинг хоҳиши ва Унинг ризоси билан
иш қилганидан Аллоҳ рози бўлади. Ким Аллоҳнинг хоҳи-
ши, тоати ва буюрганларини қилса, Аллоҳнинг розилиги
ва адли билан иш қилган бўлади. Ким Аллоҳнинг хоҳиши
ва буюрганларини қилса, Аллоҳнинг розилиги билан
иш қилмаган бўлади, лекин гуноҳ қилган бўлади, гуноҳ
қилиш Аллоҳнинг розилиги эмасdir.

Савол: – Аллоҳ бандаларга рози бўлган нарса учун азоб
берадими ёки рози бўлмаган нарса учунми?

Жавоб: – Аллоҳ уларни куфр каби рози бўлмаган нар-
са учун азоблайди. Лекин итоат қилмаганликлари, гуноҳ

ишларни қилғанлари учун уларни азоблашга ва улардан қасос олишга рози бўлади.

Савол: — Аллоҳ мўминларга куфрни хоҳлаганми?

Жавоб: — Йўқ.

Савол: — Аллоҳ кофирларни, уларни яратишдан рози бўлгани учун азоблайдими ёки уларни яратишдан рози бўлмагани учун азоблайдими?

Жавоб: — Аллоҳ уларни яратишга рози бўлгани учун уларни азоблайди.

Савол: — Нега?

Жавоб: — Чунки Аллоҳ куфр учун уларни азоблайди, У куфрни яратишдан рози бўлган, аммо айнан куфрнинг ўзидан рози бўлмаган.

Савол: — Аллоҳнинг «...У Ўз бандаларининг кофир бўлишига рози бўлмас...» (Зумар, 7, мазмуни), деган сўзи-га нима дейсиз?

Жавоб: — Аллоҳ бандаларга куфрни хоҳлайди, аммо унга рози бўлмайди.

Савол: — Нега?

Жавоб: — Чунки Аллоҳ Иблисни яратди, уни яратишга рози бўлди, аммо Иблиснинг айнан ўзидан рози бўлмади. Ароқ ва тўнфизлар ҳам шунга ўхшаш. Аллоҳ уларни яратишга рози бўлган, аммо уларнинг айнан ўзидан рози бўлмаган. Агар Аллоҳ ароқнинг айнан ўзидан рози бўлганида эди, уни ичган одам гўё Аллоҳ рози бўлган нарсани ичган бўларди. Аллоҳ ароқдан ҳам, куфрдан ҳам, Иблис ва унинг қилмишларидан ҳам рози бўлмайди. Лекин Аллоҳ Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламдан розидир.

Савол: — Яҳудийлар: «Аллоҳнинг «йади» боғлиқ (бахил)...» (Моида, 64, мазмуни), — деганларида, Аллоҳ уларнинг шундай дейишларидан рози бўлганми?

Жавоб: — Йўқ.

ХОҲИШ ТЎҒРИСИДА БОШҚА БОБ

Абу Ҳанифа дедилар:

— Унга айт: агар Аллоҳ барча ҳалқни фаришталар каби итоатли қилиб яратишни хоҳлаганида, бунга қодир бўладими? Агар у: йўқ қодир эмас эди, деса, у Аллоҳнинг: «Бандалари устидан У голибдир...» (Анъом, 18, мазмуни); «...У сизларга тепангиздан ёки оёқларингиз остидан азоб юборишга ёхуд сизларни (турли) фирмаларга айлантириб, баъзингизга баъзилар заарини тотдиришга (ҳам) қурдати етадиган зотдир...» (Анъом, 65, мазмуни) деган гапларига биноан Аллоҳни Ўзи васф қилганидек васф қилмаган бўлади. Агар у: Аллоҳ шундай қилишга қодир, деса, унга айт: агар Аллоҳ Иблиснинг итоатда Жаброил каби бўлишини хоҳлаганида, Аллоҳ шунга қодир эмасмиди? Агар у: шундай қилишга Аллоҳ қодир эмас, деса, у ўз сўзидан қайтган ва Аллоҳни Ўз сифати билан сифатламаган бўлади. Агар у: банда зино қилса ёки ўғирлик қилса ёки тўҳмат қилса, бу Аллоҳнинг хоҳиши билан эмасми, деса, унга: ҳа, банда Аллоҳнинг хоҳиши билан қиласди, дегин. Агар у: модомики банда мазкур ишларни Аллоҳнинг хоҳиши билан қилса, нега уларга жазо қўлланилади, деса, унга айтгин: жазо Аллоҳнинг буйруғи билан қўлланилади, жазони қўллашни Аллоҳ амр қилган, Аллоҳнинг амри тарк қилинмайди.

Агар бир одам қулининг қўлини кесса, бу албатта, у Аллоҳнинг хоҳиши билан содир бўлади, аммо одамлар уни маломат қиласдилар. Агарда у қулни озод қилса, уни одамлар мақтайдилар. Ваҳоланки, мазкур икки воқеа ҳам Аллоҳнинг хоҳиши билан рӯй беради. Бу икки ишни ҳам у Аллоҳнинг хоҳиши билан қилган.

Лекин ким гуноҳ хоҳиши билан иш қилса, унинг бу ишида Аллоҳнинг розилиги ҳам, адли ҳам бўлмайди.

Энди юқоридаги, нега уларга жазо қўлланилади, де-

ган саволига келсак, бу уларнинг қоидалари бўйича нотурғри саволдир. Чунки улар кўп гуноҳларни Аллоҳ таолонинг хоҳишига боғламайди. Ароқ ичиш ва бошқа гуноҳ ишларга ҳадни лозим этмайди. Ваҳоланки, ҳамма ишларни Аллоҳ таоло ўз хоҳиши билан қиласди.

ГУНОҲКОРНИ КОФИРГА ЧИҚАРУВЧИГА РАДДИЯ БОБИ

Савол: — Бир одам, бирор гуноҳни қилган банда коғирдир, деса, унга қарши қандай далил бор?

Жавоб: — Унга Аллоҳ таолонинг: «Зуннун (Юнус)нинг (ўз қавмидан) газабланган ҳолда (қишлоғидан чиқиб) кетиб, Бизни унга қарши чиқа олмайди, деб ўйлаган пайтини, сўнг (Биз уни балиқ қорнига ташлаганимиздан кейин) қоронги зулматлар ичра: «Сендан ўзга илоҳ йўқдир. Сен (барча) нуқсонлардан покдирсан. Дарҳақиқат, мен (ўзимга) зулм қилувчилардан бўлдим», — деб нидо қилган (пайтини эсланг») (*Анбиё*, 87, мазмуни), ояти каримаси айтилади. Оятдан кўриниб турибдики, Зуннун (Юнус пайгамбар) золим, гуноҳкор мўмин, аммо кофир ҳам, мунофиқ ҳам эмас экан.

Бошқа бир оятда Юсуф алайҳиссаломнинг инилари: «...Эй, ота, (Аллоҳдан) бизларнинг гуноҳларимизни магфират қилишини сўрагин. Албатта, бизлар хато қилувчилардан бўлдик» (*Юсуф*, 97, мазмуни), деганлари айтилган. Бу оятдан ҳам билиниб турибдики, Юсуф алайҳиссаломнинг инилари гуноҳкор эдилар, кофир эмасдилар.

Худди шунингдек, Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз алайҳиссаломга: «...Сиз учун Аллоҳнинг олдинги ва кейинги гуноҳларингиздан кечиши...» (*Фатҳ*, 2, мазмуни) деди. Аллоҳ бу оятда «гуноҳларингиздан», деди, куфрингдан дегани йўқ. Инчунун, Мусо алайҳиссалом ҳам одам ўлдириб қўйганида гуноҳкор бўлди, кофир бўлиб қолгани йўқ.

Савол: — Бир одам: иншааллоҳ (Худо хоҳласа), мен мўминман, деса, унга нима дейилади?

Жавоб: — Унга Аллоҳ таоло: «Албатта, Аллоҳ ва Унинг фаришталари Пайғамбарга салавот айтурлар. Эй мўминлар, (сизлар ҳам) салавот ва салом айтинглар!» (*Аҳзоб*, 56, мазмуни), — деган, агар сен мўмин бўлсанг, Пайғамбарга (с.а.в.) салавот айт, мўмин бўлмасанг, у зотга салавот айтма, дейилади. Шунингдек, унга: Аллоҳ «Эй, имон келтирганлар, қачонки, жумъя қунидаги намозга (азон) чақирилса, дарҳол Аллоҳнинг зикри сари ҳаракатга тушингизлар ва савдо-сотиқни тарк қилингизлар!...» (*Жумъа*, 9, мазмуни), — деган, дейилади.

Маоз ибн Жабал: Аллоҳга шубҳа қилган банданинг шубҳаси унинг барча эзгу ишларининг савобини ботил (барбод) қиласди. Имон келтириб, гуноҳ қилган банданинг гуноҳлари мағфират қилинишидан умидвор ва унга азоб берилишидан хавотирда бўлинади, деганлар.

Маоз ибн Жабалга бир одам: «Аллоҳга шубҳа қилишлик, эзгу ишларнинг савобини йўқ қилса, албатта, имон гуноҳларни чилпарчин қилиб ташлайди», деди. Шунда Маоз ибн Жабал: «Қасамёд қиламанки, бу одамдан кўра илмлироқ одамни кўрмаганман», деди.

Бир одамга, сен мусулмонмисан, дейилса, у, «билмадим», деб жавоб қилса, унга: « билмадим» деган сўзинг адолатми ёки зулмми, дегин. Агарда у, « билмадим» деган сўзим адолат, деса, унга: бу дунёда адолат бўлган у дунёда адолат бўладими, деб сўра. Агар у, ҳа, у дунёда адолат бўлади, деб жавоб берса, унга: Мункар Накирга, яхши ва ёмонлик Аллоҳнинг хоҳиши билан бўлишига ишонасанми, дегин. Агарда у: ҳа, деса, ундан: сен мўминмисан, деб сўра. Агарда у: «мен билмайман», деса, унга: сен ҳеч нарсани билмабсан ва ҳеч нарсанинг фаҳмига етмабсан ва нажот ҳам топмабсан, дегин.

Савол: — Бир одам: Жаннат ва Дўзах махлуқ эмас, деса, биз унга нима деймиз?

Жавоб: — Ундан: Жаннат ва Дўзах нарсами ёки нарса эмасми? — деб сўра. Аллоҳ таоло: «Аллоҳ ҳар бир нарсанинг Холиқи (Яратувчиси)», «Шубҳасиз, Биз ҳар бир нар-

сани мөъёрида яратганмиз...», «Дўзахга улар туну кун рӯбарӯ қилинажаклар...» деган. Агар у, Жаннат ва Дўзах фоний бўлиб кетадилар, деса, унга: Аллоҳ ўз инъомларини «(улар) туганмас ва ман этилмасдир» (Воқеа, 33, мазмуни), деб тавсиф қилган, дегин. Агар у: Жаннат ва Дўзахга уларнинг аҳли кириб бўлгач, фоний бўлиб кетади, деса, у, шубҳасиз, кофирдир. Чунки у бу сўзи билан Жаннат ва Дўзахда ҳаёт абадийлигини инкор қилган бўлади.

Абу Ҳанифа сўзида давом этди:

— Аллоҳ таоло бандаларнинг сифати билан тавсиф қилинмайди. Аллоҳнинг ғазаби ва ризои — Унинг тасаввурсиз сифатларидандир. Бу Аҳли Сунна вал Жамоанинг сўзлариидир. Аллоҳ ғазабланади ва У рози бўлади, дейилган иборада Аллоҳнинг ғазабини уқубат, деб ва Унинг розилигини савоб, деб таъвил қилинмайди. Биз Аллоҳ ўзини қандай тавсиф қилган бўлса, шундай тавсиф қиласиз. Аллоҳ ўзини «аҳад» (ягона), «сомад» (ҳеч ким ва ҳеч нарсага муҳтож эмас), «лам ялид ва лам йуулад» (туққан ҳам эмас, туғилган ҳам эмас), «лам якун лаҳу қуфуван аҳад» (Унга ҳеч teng келадиган зот йўқ), «ҳайй» (тирик), «қодир» (кудратли), «самиъ» (эшишиб турувчи) «басир» (қўриб турувчи), «олим» (билиб турувчи) деб тавсиф қилган, биз ҳам шундай тавсиф қиласиз. «Аллоҳнинг йади одамлар кўллари устидадир», Унинг йади одамлар кўли каби эмас, одамларнинг кўллари каби шикаст топмайди, У кўлларнинг яратувчисидир. «Аллоҳнинг юзи одамларнинг юзи каби эмас», У ҳамма юзларни яратувчи зот, «Унинг нафси ҳам одамларнинг нафси каби эмас», У нафсларнинг яратувчисидир, «Унга ўхшаш нарса йўқ», у «эшитивчи» ва «кўрувчи» зотдир.

Савол: — Аллоҳ ўзи қаерда, деб сўралса, нима деб жавоб берамиз?

Жавоб: — Ундай савол берган одамга: Аллоҳ бор эди, макон йўқ эди, Аллоҳ халқни яратмасдан илгари бор эди, Аллоҳ бор эди, «қаерда», «ҳеч нарса» деган сўзлар йўқ эди, У ҳамма нарсанинг яратувчисидир, деб жавоб берилади.

Савол: — Хоҳловчи хоҳлаш билан хоҳлайдими, дейилса, нима деймиз?

Жавоб: — Унга айтки, сифат билан бўлгани учун хоҳлайди. Аллоҳ қодирдир. У қудрат сифатига эга бўлгани сабабли ҳар нарсага қодир. Аллоҳ билувчи. Билиш сифати зотида борлиги сабабли У ҳамма нарсани билувчидир. Аллоҳ молик — мулк эгаси. Унинг зотида мулкка эга бўлиш сифати мавжудлиги сабабли бутун олам Унинг мулкидир.

Савол: — Аллоҳ хоҳиш билан хоҳлайди, хоҳиш билан тақдир этади, билиш билан хоҳлайди, десак тӯғри бўладими?

Жавоб: — Савол берган кимсага, ҳа, деб жавоб бер!

ИМОН БОБИ

Савол: — Имоннинг қароргоҳи қаерда?

Жавоб: — Имоннинг маъданни ва қароргоҳи қалбадир. Имоннинг фаръи, шўйбаси жасаддадир.

Савол: — Имон бармоқда ҳам борми?

Жавоб: — Ҳа.

Савол: — Бармоқ кесиб ташланса Имон қаерга кетади?

Жавоб: — Қалбга.

Савол: — Аллоҳ бандалардан бирор нарсани талаб қиладими?

Жавоб: — Йўқ, аксинча, улар Аллоҳдан талаб қиласидар.

Савол: — Аллоҳнинг бандалар устидаги ҳақи нима?

Жавоб: — Бандаларнинг Аллоҳга ибодат қилишлари (сифинишлари), бандачиликда Аллоҳга ҳеч ким ва ҳеч нарсани шерик қилмасликлари (ширк келтирмасликлари) Аллоҳнинг бандалар бўйнидаги ҳақидир. Бандалар шундай қилсалар, уларнинг гуноҳларини мағфират қилиш ва уларга ажру савоб бериш бандаларнинг Аллоҳдаги ҳақларидир. Чунки, Аллоҳ мўминлардан рози бўлади:

«(Эй, Муҳаммад,) дарҳақиқат, Аллоҳ мўминлардан —

улар дараҳт остида сизга байъат (қасамёд) қилаётган вақтларида — рози бўлди...» (*Фатҳ, 18, мазмуни*). Иблисдан эса Аллоҳ фазабнок бўлган. Аллоҳнинг: «...Нимани хоҳласангизлар, ўшани қилаверингизлар!...» (*Фуссилат, 40, мазмуни*) деган ояти ваъид оятлариданdir.

«Раббингиз Унинг Ўзигагина ибодат қилишларингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишни амр этди» (*Ал-Исрор, 23, мазмуни*).

«Самуд (қабиласи) эса, бас, уларни (тӯғри йўлга) ҳидоят қилган эдик, улар ҳидоятни кўйиб, кўрликни (залолатни) севиб қолдилар...» (*Фуссилат, 17, мазмуни*), (биз уларга зафар ато этган ва баён қилган эдик).

«Бас, хоҳлаган киши имон келтирсин, хоҳлаган кимса кофир бўлсин» (*Каҳф, 29, мазмуни*). Бу ваъид оядидir.

«Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим» (*Ваз-зориёт, 56, мазмуни*). Яъни, Мени яккаю ягона деб аташлари учун яратганман, дейилмоқда. Лекин ҳамма нарса, яхшиси ҳам, ёмони ҳам, ширини ҳам, аччиғи ҳам, фойдаси ҳам, зарари ҳам Аллоҳнинг яратиши билан бўлади.

«Мабодо Биз уларга фаришталарни туширсак ва ўликлар (тирилиб) уларга гапирса ҳамда ҳамма нарсани кафил сифатида уларга (уларнинг муқобилига) жам қилганимизда ҳам Аллоҳ хоҳлаганидан бошқалари имон келтирмаган бўлар эдилар...» (*Анъом, 111, мазмуни*).

«Агар Раббинг хоҳласа эди, Ер (юзи)даги барча кишилар ёппасига имон келтирган бўлур эдилар. Бас, сиз одамларни мўмин бўлишга мажбур қиласизми?! Аллоҳнинг изнисиз ҳеч бир жон (эгаси) имон келтира олмас...» (*Юнус, 99—100, мазмуни*).

«Агар Раббингиз хоҳлаганида эди, (барча) одамларни бир уммат (бир дин) қилган бўлур эди. (Улар) мудом турлича (ҳар хил эътиқодда) бўлиб борурлар. Раббингиз раҳм қилган кишилар эса бундан мустаснодирлар...» (*Худ, 118—119, мазмуни*), яъни, Аллоҳнинг хоҳиши билан. Аллоҳ уларни шунинг учун яратган.

«...“Аллоҳга ибодат қилинглар ва шайтондан йироқла-
шинглар”, (деган ваҳий билан) пайғамбар юборганмиз.
Шунда улар орасида Аллоҳ ҳидоят қилғанлари ҳам, шу-
нингдек, йўлдан озишлиги қатъий бўлганлар ҳам бўлган...»
(Наҳі, 36, мазмуни).

«Аллоҳ хоҳлаганинингина сизлар хоҳлайсизлар», яъни,
Аллоҳ тақдир қилганини хоҳлайсизлар.

Шуайб алайҳиссалом дедилар:

«Динингиздан бизни Аллоҳ кутқарганидан кейин яна
унга қайтадиган бўлсак, Аллоҳга ёлғон тўқиган бўламиз-
ку? Илло, Раббимиз — Аллоҳ хоҳлагани бўлур. Раббимиз-
нинг ҳар нарсага илми кенгdir. Аллоҳагина таваккул қил-
дик. Эй, Раббимиз! Биз билан қавмимиз ўртасида ҳақиқий
ажрим ато эт! Зеро, Сен ажрим қилувчиларнинг яхшиси-
дирсан» (А佈оф, 89, мазмуни).

Нуҳ алайҳиссалом дедилар:

«Агар Аллоҳ сизларни оғдиришни истаб турган бўлса,
(мен) сизларга насиҳат қилишни истаганим билан, сиз-
ларга насиҳатим фойда бермайди. У Раббингиздур ва Унинг
хузурига қайтарила жаксизлар» (Худ, 34, мазмуни).

«(Зулайҳо) унга мойил, у (Юсуф дили) ҳам бунга мо-
йил бўлганди. Агар Раббининг ҳужжатини кўрмаганида
(бўлар иш бўлар эди). Шу тарзда ундан ёмонлик ва фаҳш-
ни буриб юбордик. Албатта, у (дили) холис бандаларимиз-
дандир» (Юсуф, 24, мазмуни).

«Сулаймонни имтиҳон қилдик ва унинг тахти устига
бир (жонсиз) жасадни ташладик. Сўнгра у тавба қилиб...»
(Сод, 34, мазмуни).

Буюк ва бенуқсон зот бўлган Аллоҳ билувчироқ зотдир.

Аллоҳнинг мадади ва ҳусни тавфиқи билан Абу Ҳани-
фанинг «ал-Фиқҳ ал-Абсат» китоби ниҳоясига етди.

Оlamларнинг Рабби Аллоҳга ҳамд бўлсин!

Хожамиз ва мавлойимиз Муҳаммад алайҳиссаломга, у
зот авлодларига ва саҳобаларининг барчасига Аллоҳнинг
салавоти бўлсин!

ИМОМИ АЪЗАМНИНГ АБУ ЮСУФГА ЎГИТЛАРИ

Ҳамд унга муносиб бўлган Зотга хосдир, дуруд Унинг Пайғамбариға (с.а.в.) бўлсин!

Ушбу битиклар Имом Абу Юсуф камолот ёшига етганидан сўнг ва унда ажойиб хислатлар ва одамлар билан мулоқот қилиш салоҳияти намоён бўлганидан кейин Имоми Аъзамнинг унга айтган насиҳатлариdir.

Имомиз дедилар:

— Эй Ёкуб! Султоннинг ҳурматини ўрнига қўй, унинг мартабасини эъзозла, унинг ҳузурида ёлғон гапиришдан, бирор илмий ҳожат учун сени чақирмаганида олдига ҳар вақт киришдан ўзингни тий.

Халқ оммаси ва тожирлар ҳузурида фақат илмга оид нарсалар тўғрисида сўзла. Агар сен улар олдида молу дунё хусусида гап очсанг, улар сени молу давлатга ҳирси ва муҳаббати, пора олишга майли бор экан, деб сен тўғрингда ёмон фикрга борадилар ва нотўғри эътиқод қиласдилар. Кўча-кўйларда ўтирганин. Агарда бирорни кутиш зарур бўлса, масжидда кутиб ўтири. Бозору кўчаларда ва масжидларда ҳаргиз овқатланма. Шойи матодан тикилган кийимларни кийма. Чунки бу бефаросатликка олиб боради.

Сен биринчи навбатда илм ол, ундан кейин ҳалол йўл билан молу давлат орттири. Ана ундан кейингина уйлан. Агар илм олиш даврингда мол топишга кўшиш қилассанг, илм ҳосил қилишдан маҳрум бўлиб қоласан. Илм ҳосил қилмасдан туриб, бойлик орттириш ва аёллар билан машғул бўлишга вақтингни сарф қилассанг, билгинки, умринг зое кетади. Уйланганингдан сўнг болаларинг кўпая бошлиайди ва сен илм олишни тарқ этиб, уларни таъминлаш билан шугулланишга мажбур бўласан.

Одамларга беписанд бўлма. Ўзингни ҳам, бошқаларни ҳам ҳурмат қил. Улар билан кўп муносабат қилма. Фақат

сенга мурожаат қилғанларидан сўнг улар билан муносабат қил. Уларнинг муносабатларини масалаларни эслатиш билан тақдирла. Чунки илм аҳлидан бўлса, илм билан машфул бўлиб кетадилар, илм аҳлидан бўлмаса, сени ёқтириб қоладилар. Омма билан сўзлашганингда, сўзинг орасида динга оид масалалардан сўзлама. Чунки улар ҳам сенга тақлид қилиб сўзлай бошлайди. Агар бирор одам сендан бирор масала юзасидан фатво сўраб қолса, фақат унинг саволигагина жавоб бер. Унга ҳеч нарса кўшимча қилма. Ортиқча сўзларинг унинг саволига берган жавобингни чалкаштириб қўяди.

Гарчи сен ўн йил касбсиз ва озиқ-овқатсиз қолсанг ҳам, илмдан юз ўтирма. Фақат бундай қилсанг, ҳаётинг оғир кечади. Сен шогирдларингга юзлан. Уларнинг илм олишга қизиқишиларини кучайтириш учун бирини ота, бошқасини ўғил қилиб ол. Оми ва бозорчи одамлардан бирортаси сен билан муноқаша қилмоқчи бўлса, сен у билан муноқаша қилма. Чунки бу сенинг обруйингни тўқади. Ҳақиқатни айтишда ҳеч кимдан, ҳатто султондан ҳам тортихма. Ибодатни бошқалардан кам қилишда ўзингдан рози бўлма. Оми халқ сенинг ўзларидан кўра ибодатга камроқ юзланганингни кўрсалар, сени ибодатга аҳамият бермас экан, деган фикрга борадилар ва шунингдек, уларга нодонликлари «фойда» берганидек, сенга илминг фойда берган экан, деб эътиқод қилиб қоладилар.

Агар сен олимлари бор шаҳарда қўним топсанг, дарров у шаҳарни ўзингники қилиб олма. Ўзингни ўшалардан биридек тут, токи уларнинг обрўларини тортиб олиш мақсадинг йўқлигини билсинглар. Акс ҳолда, улар биргалишиб сенга қарши чиқадилар ва мазҳабинг шаънига таъна тошларини ота бошлайдилар. Шундай ҳол рўй берса, оми халқ ҳам сенга қарши чиқадилар, сенга хўмрайиб қарай бошлайдилар ва уларнинг назарида давоси йўқ вабога йўлиқкан одамга ўхшаб қоласан.

Агар сендан бирор масалани сўрасалар, унда улар билан қизғин баҳсу мунозара қилиб ўтирма. Уларга фақат

далилу ҳужжатларга асосланиб сүзла. Уларнинг устозлари-га таъна қилма. Акс ҳолда, улар ҳам сенга шу қабилда жавоб берадилар. Одамлардан эҳтиёт бўл. Очик-оидин ҳолатингда бўлганингдек, маҳфий ҳолатингда ҳам Аллоҳ йўлида бўл. Илм сирини ошкор қилмагунингча, у соҳани ислоҳ қилишга уринма.

Мунозара мажлисида қўрқиб гапирма. Чунки бу изоҳлашга халал беради ва тилинг тутилиб қолишига сабабчи бўлади.

Кўп хохолаб кулаверма. Зеро, бу қалбни ўлдиради. Доимо оҳиста юр. Юмуштарда шошма-шошарлик қила кўрма. Ортингдан чақирганга жавоб берма. Чунки молларнигина орқасидан чақирадилар. Сўзлаган вақтингда қичқириб гапирма ва овозингни баланд қилма, ўзингни босиқ тут, кам ҳаракат қил. Шундай қилсанг, сенинг событқадамлигинг ҳаммага аён бўлади.

Одамлар орасида Аллоҳнинг зикрини кўп қил, токи улар сендан ўргансинлар. Куръони карим ўқиш учун ўзингга вақт белгила. Ҳар намоздан сўнг Аллоҳни зикр қилишни, сенга берган сабру бардош учун Унга шукроналар из-ҳор қилишни одат қил. Ҳар ойда маълум кунларда рўзадор бўлишни ўзингга белгилаб қўй, токи бошқалар сенга тақлид қилсинлар. Ўзингни назорат қил, илминг дунё ва охиратингга фойдали бўлиши учун ўзгаларга ғамхўрлик қил. Сен ўзинг олди-сотди қилиб юрма, рўзфор юмушларини қилиб туриш учун бирорта ишончли одамни тайинлаб қўй. Дон-дуналарни харид қилганингда тортишиб ўтирма, тангаларни шахсан ўзинг тортишиб қўриб юрма, балки, бу ишларни бошқаларга юклаб қўй.

Молу давлатингга ва мансабингга кўнгил қўяверма. Чунки Аллоҳ улар ҳақида сени сўроққа тутади.

Одамларнинг хатоларига эргашма. Уларнинг тўғри ишларига эргаш. Агарда бирорта одамнинг ёмон ишини билсанг, унга уни эслатма, балки, ундан яхшилик иста ва унга яхшиликни эслат. Уни фақат диний томонидангина гапир. Агарда диний йўлда хатога йўл қўяётган бўлса,

уни одамларга айт, токи улар унга эргашмасинлар ва ундан эҳтиёт бўлсинлар. Зеро, Пайғамбаримиз, алайҳиссалом: «Ёмоннинг ёмонлигини гапиринглар, токи одамлар ундан огоҳ бўлсинлар. Агар бадавлат ва мансабдор одам динга зарар етказадиган иш қилса, уни ошкор айтинглар, уни обрўсига қараманглар. Зеро, Аллоҳ сенга мададкор. Сенга ва динингга нусрат берувчи зотдир», деганлар. Агарда бир марта Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтганларини қилсанг, одамлар сендан ҳайиқадилар ва ҳеч ким динда бидъату хурофотни зоҳир қилишга журъат қила олмайди. Ўлимни унутма. Устозинг ва бошқа сенга илм ўргатганларга Аллоҳдан мағфират тила, Куръон ўқишида давомли бўл, мозорлар, муборак жойлар ва машойихларни кўпроқ зиёрат қил. Муаззин аzon айтиши билан масжидга шошил, токи бошқалар сендан олдин бормасинлар. Қўшнингда қўрганингни сирсақла. Чунки у сен учун бирорнинг омонатидир. Одамларнинг сирларини фош қилма. Маслаҳат сўраганга билганингча маслаҳат бер. Бундай ишлар сени Аллоҳга яқин қиласди.

Ушбу панду насиҳатларимни қулоғингга қўйиб ол. Улар бу дунёю у дунёда, иншааллоҳ, сенга фойда беражак.

Ҳеч қачон баҳил бўлма. Баҳиллик одамларнинг фазабини қўзгайди. Таъмагир ҳам, ёлғончи ҳам бўлма. Жиддий нарсани ҳазилга йўядиган, ҳақни ноҳақ билан қориштириб юборадиган ҳам бўлма. Барча ишларда шонингни сақла. Кийимларнинг доим оппоғини кий, ўзингнинг кўнглинг тўқ эканлигингни, молу дунёга ҳирс қўймаслигингни қўрсат. Гарчи камбағал бўлсанг ҳам, камбағаллигингни билдирма. Ҳимматли бўл, ҳимматсиз одам беобрў бўлади. Кўча-кўйда кетаётганингда ҳадеб ўнгу сўлингга боқаверма, балки, ерга қараб юр.

Аҳли илмлар олдида ҳеч нарсага арзимас бу дунёй дунни пастга урма. Зеро, Аллоҳ ҳузуридагилар бу дунё нарсаларидан яхшидир. Илмга юз тутмоқлигинг учун баъзи юмушларингни бошқаларга топшириб қўй. Бу ҳожатингни раво қилиш учун ишончлироқ йўлдир. Ақли норасолар билан

гаплашишдан ўзингни сақла. Шунингдек, баҳсу мунозара қилиш одобини билмайдиган ва далилу ҳужжатларни эътироф қилмайдиган ва фақатгина сохта обрӯ орттиришни мақсад қилиб олган, одамлар олдида турли-туман масалалар сўраб, сени ҳижолат қилишни истаган, сенинг ҳақ эканингни билатуриб, инобатга олмайдиган баъзи бир аҳли илмлар билан гаплашиб ўтиришдан ўзингни тий. Одамлар орасида обрӯ-эътиборга эга бўлганлар ҳузурига кирганингда, ўзлари ўтказишмаса улардан олдинга ўтма, токи улардан сенга озор етиб қолмасин. Бегона одамлар орасига кирсанг, сени ҳурмат юзасидан намозга ўтказмасалар, сен ўзингча уларга пешволик қилма. Эрта тонгда ва қиём вақтида ҳаммомга кирма. Илмий мажлисда зинҳор газабланма. Одамларга қисса ва ҳикоялардан сўзлама. Чунки уларнинг муаллифлари одатан ёлғонсиз ижод қила олмайдилар. Бирорта илмий мажлисга боришни қасд қилсанг, фикҳга бағишлиланган мажлисгагина бор. Одамлар сенинг ҳозир бўлишингдан фууруланиб кетмасликлари ё сенинг шарафинг сабабли, мақташинг учун йифин қилганникига маҳалла аҳлингни ва ўзинг суюнадиган одамларни ва уларга яқин бирор биродарингни юбор. Никоҳ маросимларини ўтказишни, жаноза намозини ва икки ийд намозларини адo этиб беришни маҳалла имомига топшириб қўй ва мени дуои хайрингдан дариф тутма.

Ушбу ўйтларимни мендан қабул эт. Мен фақат сенинг ва мусулмонларнинг манфаати учун насиҳат қилмоқдаман. Тамом.

ИМОМИ АЪЗАМНИНГ ЮСУФ ИБН ХОЛИДГА ЎГИТЛАРИ

У зотнинг шогирдларидан Юсуф ибн Холид ўз юрти Басрага қайтиш учун изн сўраганида, Имоми Аъзам шундай дедилар:

— Йўқ, мен сенга одамлар билан муомалада, аҳли илмнинг мартабаларида, нафснинг тарбиятида, раияни бошқаришда, хос ва умумий ахлоқда, омма ҳолини ўрганишда зарур нарсалар ҳақида панду насиҳатлар қилмагунимча ватанингта қайтишингта ижозат беролмайман. Ўйлайманки, менинг ўгитларимни илминг билан бирга олиб кетсанг, улар кундалик ҳаётингда сенга қурол бўлиб хизмат қиласди, сенга зеб бериб турса-турадики, аммо зарари тегмайди.

Шуни билгинки, агар сен одамлар билан ёмон муомалада бўлсанг, нафақат улар ва ҳатто ўз ота-онанг ҳам сенга душман бўлиб қолади. Агарда сен халқ билан хуш муомала да бўлсанг, улар сенга хешу ақрабога айланадилар.

Сўнгра Имоми Аъзам менга дедилар:

— Сен бир кун сабр қил, мен сенга вақтимни ажратаман, фикрларимни тўплаб, нима қилишинг лозим эканини тушунириб бераман. Мендан миннатдор бўласан. Тавфиқ фақат Аллоҳдандир.

Ваъда берган кун етиб келгач, Имоми Аъзам шундай дедилар:

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

Мен сенга қилган ниятимни ошкор этайин. Тасаввур қилгинки, сен Басрага кирдинг ва муҳолифларинг билан зиддиятга учрадинг, ўзингни улардан юқори қўйдинг. Улар олдида илминг билан мағрурландинг ва улар билан муносабат ва борди-келдини тўхтатдинг. Улар ҳам тўхтатишиди. Сен уларни, залолатдалар, деб айбладинг, улар эса, сени

залолатда, деб айблашди ва сендан юз ўгирдилар. Ва бу кулфат бизга ва сенга етди. Сен қочишига ва улардан узоқлашишига муҳтож бўлдинг. Аллоҳ таоло нажот бергунича, муомала қилмасликнинг иложи йўқ киши билан муомала қилмаган киши оқил эмас!

(*Юсуф ибн Холид: устозим айтганлариdek бўлган эди, деб эътироф этган.*)

Сўнгра Имом Аъзам дедилар:

— Агар Басрага кирсанг, сени одамлар кутиб оладилар, сени зиёрат қиласидилар, мартабангни ўз ўрнига қўядилар. Сен ҳам ҳар бир одамнинг хурматини ўрнига қўй, аҳли илмни эъзозла, обрўли одамларнинг иззатини жойига қўй, қарияларни қадрла, ёшларга яхши муносабатда бўл, оммага яқинлаш, савдогарлар билан муомала қил, яхшилар билан юр, сultonларнинг мартабаларини ўрнига қўй, сенга интилганларнинг бирортасидан нафратланма, мурувватингни улардан дариф тутма, зинҳор-базинҳор ўз сирингни бировга ошкор қилма, синамасдан туриб, бирор кимсанинг дўстлигига ишонма, хасис ва пасткаш кимсаларни хизматингга қўйма, ўзингга зарари тегадиган гапларни сўзлашдан ўзингни тий, бадхулқ кишилардан ўзингни узоқроқ тут, гаразли мақсад билан ташкил этиладиган зиёфатларга борма, одамлардан ҳадялар ола кўрма. Сабру қаноатли, хуш хулқли ва кенг юракли бўл. Кийим-кечакларингни янгилаб тур, хушбўй нарсаларни тез-тез истеъмол қил, одамлар билан бот-бот мулоқот қилишига вақт белгилаб қўй. Бундай учрашувлар тайин қилингган вақтида амалга оширилиши лозим. Шахсий юмушларингни қилишинг учун ҳам ўзингга вақт ажратиб қўй. Одамларга насиҳат қилишингдан олдин, айтмоқчи бўлганларингга ўзинг риоя қил. Шундай бўлганидагина ўтитларинг сенга обрў келтиради. Намозларингни қолдирма. Таомингни эҳсон қил. Зоро, баҳил асло улуғ бўлмагандир. Яхши дўстлар орттири, одамлар улар орқали сени танисинлар. Бузуқликни кўрганингда яхшиликни кўпайтири, яхшиликни билганингда унга рафбат ва эътиборни кучайтири. Сени зиёрат

қилғанларни ҳам, зиёрат қилмаганларни ҳам кўриб туришга интил. Сенга яхшилик қилғанларга ҳам, ёмонлик қилғанларга ҳам яхшилик қил. Кечиримли бўл, эзгуликка даъват қил. Кераксиз нарсалардан ўзингни олиб қоч, сенга озор берадиганлардан ўзингни узоқ тут. Ҳукуқларни танишга шошил. Биродарларингдан бирортаси бемор бўлиб қолса, албатта, уни шахсан ўзинг бориб, кўриб тур ва унинг ҳузурига тез-тез ўз вакилингни юбориб туришни унутма. Қўзингга кўринмай қолган биродаринг ҳолидан хабар ол. Улардан бирортаси сени кўрмай қўйган бўлса ҳам, сен уни бориб кўр. Жафо қилғанга вафо қил, ҳузулингга келғанларнинг ҳурматларини ўрнига қўй, сенга ёмонлик қилғаннинг гуноҳидан ўт. Улардан бирортаси сен тўғрингда ёмон сўзлаган бўлса, сен у тўғрисида яхши сўзла, улардан бирортаси вафот этса, унинг ҳаққини адо эт, хурсандчиликни нишонлаётганни табриклаб қўй, бошига мусибат тушганга таъзия билдири, унга ҳамдард бўл, сендан бирор юмуш талаб қилса, унга дарҳол кўмаклаш, ёрдам сўраган одамга ёрдам бер, қўлингдан келганича одамларга меҳр-муҳаббат кўрсат ва ҳатто уларнинг энг ёмонига ҳам саломингни ошкора бер.

Агар бирор мажлисда ёки хонадондаги йиғилишда ёки масжидда одамлар билан бирга бўлиб қолсанг-у, суҳбатда ихтилофли масалалар кўтарилиб қолса ва улар сенингча нотўғри бўлса ҳам сукут сақла. Мабодо, сендан сўраб қолишиша, қавм билганини айтсанг, сўнг, бу хусусда бошқача фикрлар ҳам бор, деб қўйгин ва далил-хужжатлар билан уларга тушунтири. Одамлар сендан эшитишса, қадру қимматингни билишади. Сендан, бу кимнинг сўзи, деб сўрасалар, уларга, «бу баъзи бир фуқаҳоларнинг фикрларидир», деб жавоб бергин. Агар бунга қаноатланиб, фикрларини ўзгартирсалар, улар сени чукур билимга эга эканлигиндан хабар топадилар ва сени осмонга қўтарадилар. Ҳузулингга кам келадиган кимсага ҳам одамлар муҳокама қилаётган илмдан бирор билим ўргат. Уларнинг ҳар бири ундан бирор маълумот олади. Уларга тушунарли илм-

ни ўргат. Гоҳо улар билан ҳазил қилиб, суҳбатлашиб тур. Бу ўзаро меҳр ва муҳаббат пайдо бўлишига ва уларнинг илм олишда бардавом бўлишларига сабабчи бўлади. Гоҳо уларга меҳмоннавозлик кўрсат, уларнинг баъзи бир ҳожатларини раво қил, уларни қадрла, уларнинг хатоларини билмасликка ол, уларга нисбатан шафқатли ва кечиримли бўл, юрагинг сиқилганини, хафалигингни уларга билдирима, ўзингни гўё уларнинг биридек тут, одамлар сенга қандай муомалада бўлишларини истасанг, сен ҳам уларга шундай муомалада бўл, ўзингга нимани раво кўрсанг, уларга ҳам шуни раво кўр, нафсингни тийиб юр, уни тергаб тур, уни ўз ҳолига ташлаб қўйма, сенга газаб қилмаганга газаб тошини отма, ёмонликка боис бўладиган бақириқ-чақириқдан четда бўл, сени тингламаганни сен тингла. Модомики, одамлар сенга масъулият юкламас эканлар, сен ҳам уларга масъулият юклама, уларга ўзлари нимани истаса шуни иста. Холис ниятли ва ростгўй бўл. Кибр-ҳаволи бўлма, уни тарк эт. Сенга жафо қилсалар ҳам, сен одамларга жафо қилма. Бироннинг омонатига хиёнат қилма, сени алдасалар ҳам, сен уларни алдама. Тақвони маҳкам тут, бошқа дин аҳллари билан улар сенга муносабат қилганларига мувофиқ муносабат қил.

Агар сен ушбу ўғитларимга амал қилсанг, умид қиласанки, иншааллоҳ, омонликда умргузаронлик қиласан.

*Имоми Аъзам Нўймон ибн Собит, Аллоҳ у зотдан
рози бўлсин ва марқадларини мунаввар айласин, тар-
жимиаи ҳолларининг хотимасига оид ушбу маълумот
«Аълом ал-Ахёр» китобидандир.*

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

Имом Қози Абдул Уло Саид ибн Муҳаммад «Китоб ал-Ақида» асарида Сулаймон Мусо Журжонийдан шундай ривоят қилган:

Бир одам Имоми Аъзам (р.а.) хузурларига келиб:

— Одамлар ўртасида гаплар турли-туман, уларни эши-тиб ҳайрон бўламан, улардан қайси бири тўғрилигини билмай қолдим. Муҳтарам имом жаноблари, менга шундай йўл кўрсатингки, эртага мен Дўзахдан нажот топайин ва ўзингизга ўзингиз раво кўрадиган йўлни менга тушунтириб берингки, мен унга эргашсам маломатга қолмайдиган бўлайин, — деди.

Абу Ҳанифа дедилар:

— Одамлар, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига ва Муҳаммад (с.а.в.) Унинг бандаси ва расули эканлигига ва Аллоҳ бутун борлиқнинг Хожаси эканлигига иккор бўлиб, Аллоҳдан ўзгага сифинадиганлардан йироқ бўлиб, Аллоҳ тенги ва ўхшалий йўқ зот эканлигини эътироф қилганларидан сўнг, уларга намоз, рўза, закот, ҳаж (имкони бўлган бандага) амалларининг фарзлигига иккор бўлишлари ва шунингдек, куфр ва ширклардан холи бўлишлари ва фарз бўлган амалларни бажаришлари вожибдур. Мазкур ишларни қилиб, вафот этган бандада Аллоҳнинг валий бандалари-дандир. Агар бандада Аллоҳнинг бирлигига ва Пайгамбарнинг (с.а.в.) барҳақлигига гувоҳлик берса-ю, фарз амалларини тугал бажармаса, у вақтда унинг ҳоли Аллоҳга ҳаволадир. Аллоҳ истаса, бундай бандани фарз амалларини бажармагани учун азоблайди ва истаса, уни афв қиласди.

Пайгамбаримиз (с.а.в.) саҳобаларидан бирорталарини ҳақорат қилишдан ўзингни сақла. Уларнинг сиру асрорларини Аллоҳга ҳавола қил. Аллоҳ: «**Улар ўтиб кетган уммат(лар)дир. Уларнинг аъмоллари ўзларига ва сизларнинг аъмолларингиз ўзларингизга. Сизлар уларнинг қилган ишлари учун жавоб бермайсиз**», — деган (*Бақара, 134, мазмуни*).

Тақдирнинг барчасига имон келтиришинг, Аллоҳ шаънига ҳақдан бўлагини айтмаслигинг, ўзингга раво кўрган нарсани одамларга раво кўришинг, ўзингга хоҳламаганингни уларга ҳам хоҳламаслигинг, Аллоҳ динида ўз раъйнинг билан сўзламаслигинг, Унга зид таъвил ва эътироз қилмаслигинг лозим. Чунки Аллоҳ: «**У ўзи қила-**

диган бирор нарса ҳақида жавобгар эмас, балки улар (бандалар) жавобгардирлар», — деган (*Анбиё*, 22, мазмуну).

Абу Исмат Нуҳ ибн Жомеъ Марям: «Мен Абу Ҳанифадан (р.а.) аҳли Қибла вал жамоа ҳақида сўрадим ва у зот куйидагича жавоб қилдилар, деди:

— Абу Бакр ва Умарни бошқалардан (бошқа саҳобалардан) афзал кўрган, Усмон ва Алини севган (Аллоҳ улардан рози бўлсин), оёқ кийимига масҳ тортишни эътироф этган, ҳеч кимни гуноҳи учун коғир деб атамаган, яхшилик ва ёмонлик Аллоҳ таолонинг иродаси билан бўлишига имон келтирган, Аллоҳ ҳақида, яъни, Унинг зоти тўғрисида ўз раъийи билан сўзламаган банда аҳли Қибла вал Жамоадандир.

(*Ушибу маълумотлар*
«Китоб ал-Ақида» асаридан олинди.)

Имом ал-Арзинжоний (раҳматуллоҳи алайҳ) Баздавий-га ёзган шарҳида шундай деган:

— Имом Абу Ҳанифа қуйидаги китобларни тасниф қилган:

1. «Ал-Олим ва ал-Мутааллим»;
2. «Китоб ар-Рисола» (*Ушибу рисола Имом Аъзамнинг биродарларидан бири Усмон ал-Бустийга юборган мактубларидир*);
3. «Китоб ал-Фикҳ ал-Акбар»;
4. Сарф фанига оид «Китоб ал-Максад».

ИМОМИ АЪЗАМНИНГ ЎГЛИ ҲАММОДГА НАСИҲАТЛАРИ

— Эй бўтам! Аллоҳ сени рушди ҳидоятга бошласин ва сенг а У доимо мададкор бўлсин! Мен сенга панду насиҳат қилмоқчиман. Менинг ўтиларимни хотирангда сақласанг ва қулогингга қуийб олсанг, дининг ва дунёйинг йўлида сенга, иншааллоҳ, баҳту иқбол ёр бўлишини тилайман.

1. Аллоҳдан қўрқиб, жисмингдаги барча аъзоларни гуноҳу маъсиятдан сақлаган ҳолда Унга бандачилик қил! Унинг буйруқларини сўзсиз адо эт!

2. Эҳтиёжинг тушадиган илмни ўрганишдан ўзингни олиб қочма!

3. Дину дунёйинг йўлида асқотадиган кишилар билан-гина ошначилик қил!

4. Нафсингдан ҳаққингни ол. Зарурат бўлганидагина унга инсоф қил.

5. Мусулмонга ҳам, зиммийга ҳам душманчилик қила кўрма!

6. Аллоҳ берган ризқу рўзингга қаноат қил!

7. Бошқаларга муҳтоҷ бўлмаслигинг учун қўлингдаги бор бисотингдан тадбиркорлик билан фойдалан!

8. Одамлар сенга таҳқир назари билан боқишлирига сабабчи бўладиган юмушни қилма!

9. Эҳтиёжингдан ортиқча бўладиган нарсаларга беришдан нафсингни тий!

10. Одамлар билан учрашганингда гапни салом беришдан бошла, сўзлаганда майин ва мудойим сўзла, яхшиларга ёқимли бўл, ёмонлар билан муросаю мадора қил!

11. Аллоҳга кўп зикр айт, Унинг Пайғамбарига бисёр салавотлар йўлла!

12. Пайғамбаримиз, алайҳиссалом, марҳамат қилган қуийдаги саййидул истиффор билан машғул бўл!

«Аллоҳумма анта раббий, ла илаха илла анта, холактаний ва ана абдука ва ана ъала ахдика ва вадиқа мастантоъту, аъузу бика мин шарри ма сонаъту, абуу лака биниъматика алайя ва абуу бизанбий фагифирлий фанинаҳу ла яғфируз зунуба илла анта».

Ушбу саййидул истиғфорни тунда ўқиган бандо, мабодо ўша кечап вафот этса, жаннатга киради, кундузи ўқиган бандо, мабодо ўша куни оламдан ўтса, жаннатга киради.

Маъноси: **«Парвардигоро, Сен менинг Раббимсан, Сендан ўзга илоҳ йўқ, Сен мени яратдинг ва мен Сенинг қулингман, Сенинг аҳдинг ва вадангга қўлимдан келганича событ бўламан. Қилган ишларимнинг ёмонлигидан Ўз паноҳингда асранингни сўрайман, менга берган инъомингга ва гуноҳимга иқрорман, мени мағфират қил. Зеро, Сендан бошқа гуноҳларни мағфират қиласидиган зот йўқ!»**

Саҳобалардан Абу Дардога, уйингга ўт кетди, дедилар. У зот, мени уйимга ўт тушмайди. Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан, кимки қуидаги ибораларни тонгда ўқиса, кечга қадар унга ҳеч қандай мусибат етмайди ва агарда уларни кун қорайиши билан ўқиса, тонг отгунгача унга ҳеч қандай баҳтсиз ҳодиса йўлиқмайди, деганларини эшитганман, деб жавоб берган экан.

Мазкур ибора қуидагидир:

«Аллоҳумма анта Раббий, ла илаха илла анта, алайка таваккалту, ва анта Раббул Аршил азийм, ма ша-аллоҳу канва ма лам яша лам якун. Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳи-л-ъалийи-л-ъазийм».

Маъноси: **«Парвардигоро, Сен менинг Раббимсан, Сендан ўзга илоҳ йўқ, Сенга таваккал қилдим, Сен буюк Аршининг Парвардигорисан. Аллоҳ истаган нарсаси бўлади ва истамаган нарсаси бўлмайди. Куч ва қудрат Буюк ва Улуғ Аллоҳ биландир»,**

(Аниқ хабарларда нақл қилиншишича, Абу Дардо (р.а.) хонадонларини ўт тушишидан Аллоҳ асраган экан.)

13. Ҳар куни Қуръон ўқишини одат қил ва ўқиганла-

рингнинг савобини Пайғамбаримиз алайҳиссаломга, ота-онанг, устозларингга ва барча мусулмонларга баҳшида қил!

14. Душманларингдан кўра ҳам дўстларингдан эҳтиёт бўл. Одамлар орасида фисқу фасод зиёда бўлган вақтида душманинг дўстингдан фойдаланиши мумкин.

15. Сиру асрорингни, моддий имкониятингни, мазҳабингни ва борар жойингни маҳфий тут!

16. Кўшничиликни яхши қил ва қўшнингдан келадиган азиятларга сабру бардошли бўл!

17. Аҳли Суннат вал Жамоат йўлини маҳкам тут, за-лолат ва жаҳолат аҳлидан ўзингни четга ол!

18. Барча ишларингда холис ниятли бўл, ҳар бир ҳолатда ҳам фақат ҳалол нарсаларни истеъмол қилишга жидду жаҳд қил!

19. Беш юз ҳадис орасидан танлаб олганларим бўлмиш куйидаги беш ҳадисга амал қил:

а) Барча ишлар, албатта, ниятга боғлиқ бўлади. Ҳар бир кишига ният қилгани бўлади.

б) Кераксиз нарсалар билан шуғулланмаслик кишининг диёнати ҳуснидандир.

в) Ўзи хуш кўрган нарсани бошқага ҳам раво кўрмаган банданинг имони баркамол бўлмайди.

г) Ҳалол ҳам маълум ва ҳаром ҳам маълум. Аммо улар ўртасида шубҳали нарсалар ҳам мавжуд. Кўпчилик уларни билмайди. Улардан ўзини сақлаган банда динини ва шарафини ҳимоя қилган бўлади. Шубҳали нарсалардан ўзини тиймаган банданинг ҳаромга ўтиб қолиши ҳеч гап эмас. Бундай банда қўриқхона атрофида кўй боқаётган қўйчи-вонга ўхшайдики, у ҳар лаҳзада қўриқхонага ўтиб кетиши мумкин. Ҳар бир ҳукмдорнинг қўриқхонаси бўлганидек, Аллоҳнинг ҳам қўриқхонаси бор. У Аллоҳнинг ҳаром қилган нарсаларидир. Ҳар бир баданда бир парча гўшт борки, у соғлом бўлса, бадан ҳам соғлом бўлади ва агар у касал бўлса, бадан ҳам бемор бўлади. У – қалбdir.

д) Бирорларга тили ва қўли билан озор етказмайдиган мусулмон ҳақиқий мусулмондир.

20. Соғ ва саломат вақтингда доимо қўрқинч ва умид орасида бўл! Аллоҳ таоло хусусида яхши ўй, холис қалб, зафарли умид билан оламдан ўт!

ИМОМ АЪЗАМНИНГ УСМОН АЛ-БУСТИЙГА МАКТУБИ

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

Абу Ҳанифадан Усмон ал-Бустийга! Саломун алайкум. Мен сен билан бирга танҳо Аллоҳга ҳамд айтаман. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир.

Амма баъд:

Сенга Аллоҳдан қўрқишини ва Унга итоатда бўлишни тавсия қиласман. Зеро, Аллоҳ таолонинг ҳисоби ва жазоси бошқа ҳисоб ва жазога ўрин қолдирмайди.

Мактубинг менга етиб келди. Унда битилган насиҳатинг ва бизга бўлган фамхўрлигингни тушундим. Мактуб ёзишга туртки бўлган нарса, менинг билишимча, эзгулик ва панду насиҳат қилишга интилишдир. Шундан бўлса керак, мактубингда менинг «Муржиалар»дан эканлигим, «мўмин золл» дейишим сенга етиб борганини ва булар сенга оғир ботганини эслатасан.

Қасам ичаманки, Аллоҳдан йироқлаштирувчи амални қилганга узр йўқ. Шунингдек, одамларнинг динга киргизган янгиликлари – бидъатлари ҳидоятга етакловчи амаллардан эмас. Фақат Қуръон келтирган, Пайғамбаримиз, алай-ҳиссалом, даъват этган ва одамлар тоифаларга бўлиниб кетгунича саҳобалар ушлаган йўл ҳақ ва тўғри йўлдир. Улардан бошқаси бидъат ва хурофотлардир. Сенга юбораётган мактубимни яхшилаб англаб ол. Билгинки, ушбу мактубим сенга фойда келтиришидан умидим бўлмаганида эди, уни ёзишга ўзимни мажбурламаган бўлар эдим. Ўз тўғрингдаги раъйингдан огоҳ бўл, ичинингга шайтон кириб

олишидан қўрқ. Аллоҳ бизни Ўз паноҳида асрасин, шайтонга бўйсунишдан эҳтиёт бўл, сенга ва ўзимизга Аллоҳдан Ўз қарами билан тавфиқ беришини сўраймиз.

Сенга маълум қиласаломни пайғамбар қилиб юборишидан илгари одамлар аҳли ширк эдилар. Аллоҳ уларни Исломга даъват қилиш учун Муҳаммад алайҳссаломни юборди ва у зот одамларни Аллоҳдан ўзга илоҳ мавжуд эмаслигига, У танҳо ва шериксиз эканлигига имон келтириб ва Аллоҳ томонидан келтирган таълимотларига иқрор бўлишга даъват қилди.

Исломга кирган банда мўмин ва ширкдан холи бўлди. Унинг молију жони дахлсиз бўлди. Унга мусулмонларнинг ҳақ-хукуқи берилди. Унинг молига, қонига тажовуз қилиш ҳаром бўлди.

Исломга даъват этилган пайтда уни қабул қилмаган банда кофир, яъни, имонсиз бўлди. Унинг моли ҳам, жони ҳам мусулмонларга ҳалол қилинди. Ундан Исломни қабул қилиши талаб этилди, акс холда ўлдирилиши ё Аллоҳнинг кўрсатмаси билан жизя бериши айтилди.

Сўнгра аҳли тасдиқлар учун фарзлар буюрилди.

Фарзларни ушлаш имон билан амал бўлди. Шунинг учун Аллоҳ: «**Имон келтирган ва солиҳ амаллар қилган...**», «**Ким Аллоҳга имон келтирса ва солиҳ амал қилса...**» — деб амр этади. Ушбу ва уларга ўхшаш оятлар мазмунидан кўриниб турибдики, амални йўқотган, яъни, уни тарк этган банда имонни йўқотган бўлмайди. Зоро, у имонга амалсиз эришган. Агарда амал қилмаган бандани имонини йўқотган, деб ҳисобланганида эди, у имон номидан ҳам, унинг ҳурматидан ҳам ажралган бўлур эди. Шунга ўхшаш одамлар имондан ажралсалар, бу йўқотиш билан улар имон номидан, унинг ҳурматидан ва ҳукуқидан чиқиб, ширк давридаги эски ҳолатларига қайтиб қолган бўлур эдилар. Имон ва амалнинг фарқи шундан англашадики, одамлар имонда бир-бирларидан фарқ қилмайдилар ва бир-бирларига нисбатан афзалликка ҳам эга бўлмайдилар, аммо

улар фарзларни бажаришда, яъни, амалда бир-бирларидан устунликка эга бўлишлари мумкин. Фаришталарнинг ва Пайғамбарларнинг дини бирдир. Шунинг учун Аллоҳ таоло амр этади: «Эй, имон келтирганлар, (Аллоҳ) сизлар учун дин бўйича Нухга буюрган нарсани ва Биз сизга (Муҳаммадга) ваҳий қилган нарсани, (шунингдек,) Биз Иброҳим, Мусо ва Исога буюрган нарсани – шариат қилди: «Динни барпо қилинглар ва унда фирмә-фирқага бўлинмангизлар!»» (*Шуро, 13, мазмуни*).

Билгинки, Аллоҳ ва унинг Пайғамбарига (с.а.в.) имон келтиришга йўллаш фарз амалларни бажаришга йўллаш сингари эмас. Буни англаш шунчалар мушкулми?! Фарзларни билмаганидан жоҳил бўлса-да, уни мўмин деб атайсан. Уни имони учун, Аллоҳ таоло Қуръони каримда атаганидек, мўмин деб аташдан қочиб бўладими? Фарз амалларни билмагани учун уни жоҳил, деб атасанг-да, у билмаганини ўрганиб олади. Аллоҳ таолони ва Унинг Расулини (с.а.в.) билишдан адашган одам мўмин ҳолда одамлар биладиган нарсани билишдан адашган одам каби бўладими? Аллоҳ таоло фарз амалларини таълим бериш хусусида: «Янглишиб кетмасликларнинг учун Аллоҳ сизларга баён этади. Аллоҳ ҳар бир нарсани билувчиdir» (*Niso, 176, мазмуни*), деб буюради.

«...бири (унутиб) адашганда, иккинчиси эслатади...» (*Бақара, 282, мазмуни*). «Мусо деди: Уни қилдим. Демак, мен адашганларданман» (*Шуаро, 20, мазмуни*). Яъни, мен жоҳилларданман, дейилмоқда.

Қуръони карим ва Суннати набавияда бунинг далиллари сенга ўхшаганларга тушуниш қийин бўлмайдиган даражада очиқ ва равшандир.

Сен мўминларни зулмкор мўмин, гуноҳкор мўмин, хато қилувчи мўмин, осий мўмин, жабр қилувчи мўмин демайсанми?!

Киши имонда тўғри бўлиши билан бирга зулм ва хато қилган нарсада ҳам тўғри бўладими ё хато қилгани ҳақиқатдан адашгани бўладими?

Яъқуб алайҳиссалом фарзандларининг оталарига: «Сен эски залолатингдасан», деганларини сен: «Сен эски куфрингдасан», деб гумон қиласанми? Бундай деб тушунишингдан сени Аллоҳнинг ўзи асрасин. Сен Қуръони қаримни ўта билувчироқ одамсан. Агар масала сен бизга ёзганингдек, одамлар фарз амаллари буюрилмасдан илгари аҳли тасдиқ эдилар, фарз амаллари келгач, буюрилган пайтда уни бажариб, тасдиқларини амал билан исбот қилишлари лозим бўлди. Амалга буюрилганларида, тасдиқларини амал билан исбот қилмасалар, динлари нима, ўzlари ким, наздингдаги ўрни қанақа бўлади, буларни менга баён қилмагансан. Агар сен уларни мўминлар ва уларга мусулмонларнинг аҳкомлари ва ҳақ-хукуқлари жорий этилади деб ўйласанг, у вақтда тўғри айтасан ва сенга ёзганимдек тўғри бўлади. Агар сен уларни тасдиқларини амал билан исбот қилмаганликлари учун кофир деб атасанг, бидъат қилган ва Пайғамбаримиз алайҳиссалом ва Қуръон таълимотларига хилоф қилган бўласан. Агар сен бидъат аҳлидан саркашларининг сўзини айтиб, у мўмин ҳам, кофир ҳам эмас, деб ўйласанг, билгинки, бундай сўз бидъат ва Пайғамбаримиз алайҳиссалом ва у зотнинг саҳобаларининг сўзларига хилофдир. Ҳазрати Али ва Ҳазрати Умар (Аллоҳ улардан рози бўлсин), мўминларнинг амирлари деб аталгандар. Ёки улар фарз амалларининг ҳаммасини бажарувчиларнинг амирлари деб аталгандарми?! Ҳатто Ҳазрати Али («Ал-Қазия» китобида) ўзларига қарши жанг қилган шомликларни мўминлар деб атаганлар. Пайғамбаримизнинг (с.а.в) саҳобалари ўзаро жанг қилганлар. Икки томоннинг ҳаммаси бирваракайига ҳидоятда бўлмаганлар. Сенинг назарингда бузғунчининг номи нима? Мен аҳли қиблаларнинг гуноҳлари ичида одам ўлдиришдан, хусусан, саҳобаларнинг қонларини тўкишдан кўра каттароқ гуноҳни билмайман. Сенинг назарингда мазкур ўзаро жанг қилган икки тарафнинг номи нима? Уларнинг ҳаммаси тўғри бўлмаганлар. Агар сен икки тарафни ҳам тўғри бўлганлар, деб ўйласанг, бидъат қилган бўласан. Агар уларнинг ик-

калаларини ҳам залолатда бўлганлар, деб ҳукм чиқарсанг ҳам, бидъат қилган бўласан. Агар сен уларнинг бирлари ҳидоятда бўлганлар десанг, қолган иккинчи тарафни нима деб атайсан? Агар сен Аллоҳ билувчироқдир десанг, бизнинг сенга ёзган мактубимиз мазмунига етган бўласан.

Билгинки, мен аҳли қиблаларни мўминлар деб атайман. Фарз амалларидан бирортасини бажармаганликлари учун уларни имондан чиқди, демайман. Фарз амалларининг ҳаммасини имон билан бажарган банда, бизнинг назаримизда, жаннат аҳлидандир. Имон ва амални тарқ этган банда кофир ва дўзах аҳлидан. Имони бор ваammo фарз амаллардан бирини бажармаган банда гуноҳкор мўминдир. Унинг тақдиди Аллоҳга ҳаволадир. Хоҳласа, Аллоҳ уни азоблайди ва хоҳласа, уни мағфират қиласди. Агар Аллоҳ уни азобласа, амални тарқ этганига яраша азоблайди, унинг гуноҳини мағфират қиласа, гуноҳи мағфират қилинади. Мен Пайғамбаримиз (с.а.в.) саҳобалари ўрталарида бўлган хилоф ҳақида: уларни Аллоҳ билгувчироқ, дейман. Мен ўйлайманки, аҳли қиблалар хусусида сенинг ҳам раъйинг шундай. Чунки бу Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) саҳобаларига, суннат ва фикҳга дахлдор масаладир. Бизнинг фикримизни сенинг бир қанча биродарларинг ҳам (уларнинг номларини бирма-бир зикр қилишни лозим топмадик. Акс ҳолда ўкувчиларда малоллик тугдирини мумкин — Тарж.) қўллаб-қувватлайдилар. Абдулкарим Товусдан Ибн Умарга Ҳазрат Али (Аллоҳ чеҳраларини мунаvvар қиласин), ўзларининг «ал-Қазия» номли китобларида мазкур икки тарафкаш тоифаларни мўминлар деб атаганлари маълумлигини ривоят этган. Халифа Умар ибн Абдулазиз бу хусусда бир китоб ёзишни илтимос қилгани ва у китоб асосида ўғилларига таълим бергани ва уларнинг ҳамнишинларига ҳам ўша китоб асосида таълим беришга буюргани ривоят қилинган.

Билгинки, Суннат сиз ўрганган ва одамларга ўргатаётган билимларнинг энг афзалидир. Ammo уни ўрганиши керак бўлган одамларни билишинг лозимдир.

Сен мактубингда зикр қилган Муржия номига келсак, адолат билан сўзлаган одамларнинг айби нима, уларни бидъат аҳли шундай атаган, улар аҳли адолат ва аҳли суннатдирлар. Уларни ёмон кўрганлар «муржиалар» деб атаганлар. Қасам ичаманки, ёмон кўрганлар шундай атасада, бундай номнинг ўзи бидъатдир. Бу сенинг аҳли адолатга эргашганингни айбга чиқарадими?

Жавобни чўзиб юбориш ва кўп тафсир қилиш кароҳи яти бўлмаганида эди мактубингда битган масалаларни ба-тафсил шарҳлаб берган бўлур эдим. Сенга бирор нарса мушкул бўлса ёки аҳли бидъатлар бирор янгиликни ўйлаб чиқарсалар, дарҳол менга маълум қил ва мен сенга жавоб бераман, иншааллоҳ.

Сенга ва ўзимга яхшиликни аямайман. Аллоҳ мададкор. Саломимини етказгин ва машғул бўлмасанг, ёзиб туришни тарк этмагин. Аллоҳ бизни яхши ўзгариш ва фаровон турмуш билан сийласин.

Вас салому алайка ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳ.

Ҳамд оламларнинг Парвардигори Аллоҳга бўлсин.

Дуруду салом хожамиз Муҳаммадга ва унинг барча авлоду саҳобаларига Қиёмат кунигача мунтазам бориб турсин!

МУНДАРИЖА

Муқаддима	3
Имом Абу Ҳанифа	9
Фиқҳ ҳақида қисқача маълумот	19
Имоми Аъзамнинг васиятлари	32
Ал-Олим ва ал-Мутааллим	38
Ал-Фиқҳ ал-Акбар	78
Ал-Фиқҳ ал-Абсат	86
Имоми Аъзамнинг Абу Юсуфга насиҳатлари	112
Имоми Аъзамнинг Юсуф ибн Холидгә ўгитлари	117
Имоми Аъзамнинг ўғли Ҳаммодга насиҳатлари	123
Имоми Аъзамнинг Усмон ал-Бустийга мактуби	126

الحمد لله يوشك ان يقع فيه الا وان لكل ملك حمى الا وان حمى الله محارمه الا وان في الجسد محنقة اذا صلحت صلح الجسد كله واذا فسدت فسد الجسد كله الا وهي القلب.

٥) المسلم من سلم المسلمين من لسانه ويده.

والعشرون ان تكون بين الخوف والرجاء في حال صحتك وتقوت بحسن الظن بالله وغبة الرجاء بقلب سليم ان الله غفور رحيم.

فهرست

٣	مقدمة
٥	كتاب العالم والمتعلم
٤٧	كتاب الفقه الاكبر
٥٧	كتاب الفقه الابسط
٧٧	وصايا الامام الاعظم
٨٣	رسالة الامام الاعظم

العمل وعلى الكافر الإيمان وعلى المنافق الإخلاص. لقوله تعالى "يا أيها الناس اتقوا ربكم" (النساء/١) يعني يا أيها المؤمنون اطيعوا، ويَا أيها الكافرون أمنوا، ويَا أيها المنافقون اخلصوا.

فصل: والثامن نقر بـان الاستطاعة مع الفعل لا قبل الفعل، ولا بعد الفعل، لـانه لو كان قبل الفعل لـكان العـبد مستغـنياً عـن الله تعالى وقت الحاجـة فـهـذا خـلـاف حـكـم النـص لـقوله تـعـالـي "وـالله الغـنى وـأـنـتـم الـفـقـراء" (محمد/٣٨) وـلـهـوـكـان بـعـد الفـعـل لـكان لـاـله حـصـول بـلاـاستـطـاعـة وـلاـطاـقة.

فصل: والتاسع نقر بان المسح على الخفين واجب للمقيم يوماً وليلة، وللمسافر ثلاثة أيام وليلاتها، لأن الحديث ورد هكذا فمن انكر فإنه يخشى عليه الكفر لاته قريب من الخبر المتواتر. والقصر، والافطار في السفر رخصة لنص الكتاب لقوله تعالى "وإذا ضربتم في الارض فليس عليكم جناح ان تقصروا من الصلاة" (النساء/١٠١) وفي الافطار قوله تعالى: "فمن كان مريضا او على سفر فعدة من أيام اخر" (البقرة/١٨٤).

فصل: والعشر نقر بـالله تعالى اـمر القـلم بـان يـكتب فـقال
الـقـلم ماذا اـكتـب يا ربـ، فـقال سـبـحانـه اـكتـب مـا هـو كـائـن إـلـي يـوم
الـقيـامـة لـقولـه تـعـالـى: "وـكـلـ شـيـء فـعلـوه فـالـزـبـر وـكـلـ صـغـير وـكـبـير
مـسـطـطـ" (الـقـمـر / ٥٢-٥٣).

فصل: والحادي عشر نقر بان عذاب القبر كائن لا محالة، وسؤال منكر ونكير حق لورود الاحاديث. والجنة والنار حق وهما

مَقْرُؤٌ بِالسَّنَةِ مَحْفُوظٌ فِي الصَّدُورِ غَيْرُ حَالِهَا، وَالْحُبْرُ وَالْكَاغْدُ وَالْكِتَابَةُ
مَخْلُوقَةٌ، لَأَنَّهَا افْعَالُ الْعِبَادِ. وَكَلَامُ اللَّهِ سَبْحَانَهُ غَيْرُ مَخْلُوقٌ، لَأَنَّ الْكِتَابَةَ
وَالْحُرُوفَ وَالْكَلِمَاتَ وَالْإِيَّاتِ دَلَالَاتُ الْقُرْآنِ لِحَاجَةِ الْعِبَادِ إِلَيْهَا. وَكَلَامُ
اللَّهِ تَعَالَى قَائِمٌ بِذَاتِهِ وَمَعْنَاهُ مَفْهُومٌ هَذِهِ الْأَشْيَاءُ. فَمَنْ قَالَ بِأَنَّ كَلَامَ اللَّهِ تَعَالَى
مَخْلُوقٌ فَهُوَ كَافِرٌ بِاللَّهِ الْعَظِيمِ. وَاللَّهُ تَعَالَى مَعْبُودٌ لَا يَزَالُ عَمَّا كَانَ، وَكَلَامُهُ
مَقْرُؤٌ وَمَحْفُوظٌ مِنْ غَيْرِ مِزَايَةٍ عَنْهُ.

فصل: الخامس نقر بـأفضل هذه الأمة بعد نبيـنا محمد صـلـى الله عـلـيه وـسـلـمـ أبو بـكـر الصـدـيق، ثـمـ عمر، ثـمـ عـثـمـان، ثـمـ عـلـيـ رـضـوانـ الله تـعـالـى عـلـيـهـمـ اـجـمـعـينـ. لـقـولـهـ تـعـالـىـ "وـالـسـابـقـونـ السـابـقـونـ أـوـلـائـكـ المـقـرـبـونـ فـيـ جـنـاتـ النـعـيمـ" (الـوـاقـعـةـ/ـ١ـ٢ـ) وـكـلـ مـنـ كـانـ اـسـبـقـ فـهـوـ أـفـضـلـ وـيـجـبـهـمـ كـلـ مـؤـمـنـ تـقـيـ وـيـغـضـهـمـ كـلـ مـنـافـقـ شـقـيـ.

فصل: والسادس نقر بان العبد مع اعماله واقراره ومعرفته مخلوق، فلما كان الفاعل مخلوقا فاعماله اولى ان تكون مخلوقة.

فصل: والسّابع نقر بـان الله تعالى خلق الخلق ولم يكن لهم طاقة،
لأنهم ضعفاء عاجزون والله تعالى خالقهم ورازقهم لقوله تعالى "الله
الذى خلقكم ثم رزقكم ثم يعيتكم ثم يحييكم" (الروم/٤٥). والكسب
حلالاً وجمع المال من الحلال حلال، وجمع المال من الحرام حرام،
والناس على ثلاثة اصناف، المؤمن المخلص في ايمانه، والكافر الجاحد
في كفره، والمنافق المداهن في نفاقه، والله تعالى فرض على المؤمن

انت فيقول لا ادرى فيقال له قوله لا ادرى العدل ام جور، فان قال عدل فقل اريت ما كان في الدنيا عدلا اليis في الآخرة عدلا. فإن قال نعم فقل اتومن بعذاب القبر ومنكر وبالقدر خيره وشره من الله تعالى فان قال نعم فقل له امومن انت فان قال لا ادرى، فقل له لا دريت ولا فهمت ولا افاحت. قلت من قال ان الجنة والنار ليستا بمخلوقتين، قال فقل له هما شيء او ليستا بشيء وقد قال الله تعالى "الله خالق كل شيء" (الرعد/١٦) وقال الله تعالى "إِنَّ اللَّهَ خَالِقُ كُلِّ شَيْءٍ" (المرثية/٤٩) وقال الله تعالى "النَّارُ يَعْرُضُونَ عَلَيْهَا عَذَابًا وَعَشِيًّا" (غافر/٤٦) فان قال اهـما تفنيان فقل له وصف الله تعالى بقوله "لَا مَقْطُوْعَةٌ وَلَا مَمْنُوْعَةٌ" (الواقعة/٣٣) ومن قال هـما تفنيان بعد دخول اهـلـها فيـهمـا فقد كـفرـ بالـلهـ تـعـالـىـ لـانـهـ انـكـرـ الـخلـودـ فـيـهـاـ . قال ابو حنيفة رـحـمـهـ اللهـ تـعـالـىـ لاـ يـوـصـفـ اللهـ تـعـالـىـ بـصـفـاتـ الـمـخـلـوقـينـ،ـ وـقـالـ فـيـ الـمـخـتـصـ غـضـبـ وـرـضـىـ وـلـاـ يـقـالـ غـضـبـ عـقـوبـتـهـ وـرـضـاـهـ ثـوـابـهـ،ـ وـنـصـفـهـ كـمـاـ وـصـفـ تـفـسـهـ اـحـدـ صـمـدـ لـمـ يـلـدـ وـلـمـ يـوـلـدـ وـلـمـ يـكـنـ لـهـ كـفـواـ اـحـدـ.ـ حـيـ قادرـ سـمـيعـ بصـيرـ عـالـمـ يـدـ اللهـ فـوـقـ اـيـدـيـهـ لـيـسـ كـايـدـيـ خـلـقـهـ لـيـسـ بـجـارـحةـ،ـ وـهـ خـالـقـ الـاـيـدـيـ،ـ وـوـجـهـ لـيـسـ كـوـجـوـهـ خـلـقـهـ،ـ وـهـ خـالـقـ كـلـ الـوـجـوهـ،ـ وـنـفـسـهـ لـيـسـ كـنـفـسـ خـلـقـهـ وـهـ خـالـقـ النـفـوسـ لـيـسـ كـمـثـلـهـ شـيـ وـهـ السـمـيعـ البـصـيرـ.

قلنا اريت لو قيل اين الله تعالى، فقال يقال له كان الله ولا مكان كان الله تعالى قبل ان يخلق الخلق، ويقال كان الله تعالى ولم يكن اين ولا شيء وهو

خالق كل شيء فان قيل الشائى شاء بالمشيئة فقل بالصفة وهو قادر يقدر بالقدرة، وعالم يعلم بالعلم، ومالك يملك بالملك، فان قيل شاء بالمشيئة وقدر بالمشيئة وشاء بالعلم، فقل نعم.

*باب في الإيمان. فان قيل اين مستقر الإيمان يقال معدنه ومستقره القلب، وفرعه في الجسد فان قيل هو في اصبعك فقل نعم فان قطعت اين يذهب الإيمان منها قال فقل الى القلب فان قال هل يطلب الله من العباد شيئا فقل لا ائما هم يطلبون منه. فان قال ما حق الله تعالى عليهم فقل ان يبدهوه ولا يشركوا به شيئا، فإذا فعلوا ذلك فحقهم عليه ان يغفر لهم ويشبههم عليه، فان الله تعالى يرضى عن المؤمنين لقوله تعالى "لقد رضى الله عن المؤمنين اذ يباعونك تحت الشجرة" (الفتح/١٨) ويستخط على ابليس ومعنى قوله تعالى "اعملوا ما شئتم" (فصلت/٤٠) فهو وعيد منه وقوله تعالى "وَقَضَى رَبُّكَ أَن لَا تَعْبُدُوا إِلَّا آيَةً" (الاسراء/٢٣) اى امر ربك. وقوله تعالى "وَامْأُوا رَبَّكَ أَن لَا تَعْبُدُوا إِلَّا آيَةً" (الاسراء/٢٣) اى امر ربك. وقوله تعالى "وَمَا خَلَقْتُ الْجِنَّا وَالْإِنْسَانَ إِلَّا لِيَعْبُدُونَ" (الذاريات/٥٦) اى ليوحدوـنـ ولكنـ كـلـهـاـ بـتـقـدـيرـ اللهـ تـعـالـىـ خـيـرـهـاـ وـشـرـهـاـ حـلـوـهـاـ وـمـرـهـاـ وـضـرـهـاـ وـنـفـعـهـاـ .ـ وـقـالـ اللهـ تـعـالـىـ "وـلـوـ أـتـنـاـ نـزـلـنـاـ الـمـلـائـكـةـ وـكـلـهـمـ الـمـوـتـيـ وـحـشـنـاـ عـلـيـهـمـ كـلـ شـيـ قـبـلاـ ماـ كـانـواـ لـيـؤـمـنـواـ إـلـاـ اـنـ يـشـاءـ اللهـ" (الانعام/١١) قال الله تعالى "وـلـوـ شـاءـ رـبـكـ لـآمـنـ مـنـ فـيـ الـأـرـضـ كـلـهـمـ

الحدود سؤال فاسد على اصحابهم لأنهم لا يأتون بشيئه الله تعالى في كثير من المعاصي فلا نلزمهم الحدود مثل شرب الخمر وغيرها على فعله وقد فعلها جميعا بمشيئة الله تعالى.

*باب الرد على من يكفر بالذنب. قلت ارأيت لو ان رجلا يقول من اذنب ذنبا فهو كافر ما النقض عليه. فقال يقال له قال الله تعالى "وذا النون اذ ذهب معاضاها فظن ان لن نقدر عليه فنادي في الظلمات ان لا اله الا انت سبحانك اتيت من الظالمين" (الانبياء/٨٧) فهو ظالم مؤمن وليس بكافر ولا بمنافق. واحوة يوسف "قالوا يا ابانا استغفر لنا ذنبنا انا كنا حاطئين" (يوسف/٩٧) وكانوا مذنبين لا كافرين. وقال الله تعالى "حمد صلى الله عليه وسلم ليغفر لك الله ما تقدم من ذنبك وما تأخر" (الفتح/٤) ولم يقل من كفرك، وموسى حين قتل الرجل كان في قتله مذنب لا كافرا. قال واذا قال انا مؤمن ان شاء الله تعالى يقال له قال الله تعالى "ان الله وملائكته يصلون على النبي يا ايها الذين امنوا صلوا عليه وسلموا تسليما" (الاحزاب/٥٦) فان كنت مؤمنا فصل عليه وان كنت غير مؤمن فلا تصل عليه. وقال الله تعالى "يا ايها الذين امنوا اذا نودي للصلوة من يوم الجمعة فاسعوا الى ذكر الله وذرروا البيع" (الجمعة/٩) الآية. قال معاذ من شك في الله فان ذلك يبطل جميع حسناته ومن آمن وتعاطى المعاصي يرجى له المغفرة وبخاف عليه العقوبة. قال السائل لمعاذ، اذا كان الشك يهدم الحسنات فإن اليمان اهدم واهدم للسيئات. قال معاذ والله ما رأيت رجلا اعلم من هذا الرجل يسأل امسلم

لأنه يعذّبهم على الكفر ورضي ان يخلق الكفر ولم يرضي الكفر بعينه قلت قول الله تعالى "ولا يرضي عباده الكفر" (الزمر/٧) قال يشاء لهم ولا يرضي به. قلت لم قال لانه خلق ابليس فرضي ان يخلق ابليس ولم يرض نفس ابليس، وكذلك الخمر والخنازير فرضي ان يخلقنه ولم يرض انفسهن، قلت لم. قال لانه لو رضي الخمر بعينها لكان من شربها فقد شرب ما رضي الله ولكنّه لا يرضي الخمر ولا الكفر ولا افعاله ولكن رضي محمد صلى الله عليه وسلم. قلت ارأيت اليهود حيث قال يد الله مغلولة غلت ايديهم ارضي الله لهم ان يقولوا ذلك، قال لا.

*باب اخر في المشيئة. قيل لهم ارأيت لو شاء الله ان يخلق الخلق كلهم مطاعين مثل الملائكة هل كان قادرا فإن قال لا وقد وصف الله تعالى بغير ما وصف به نفسه لقوله تعالى "وهو القاهر فوق عباده" وقوله تعالى "قل هو القادر على ان يبعث عليكم عذابا من فوقكم" فإن قال هو قادر، فقل ارأيت لو شاء الله ان يكون ابليس مثل جبرائيل في الطاعة أما كان قادرا فإن قال لا فقد ترك قوله، ووصف الله تعالى بغير صفتة فإن قال لو اته زنى او سرق او قذف اليهس هو بمشيئة الله تعالى قيل نعم فإن قال فلم تجري عليه الحدود فقل الحدود تجري بما امر الله تعالى لانه امر بالحدود فلا يترك ما امر الله تعالى به لانه لو قطع يد غلامه كان بمشيئة الله تعالى وذمه الناس ولو اعتقه حمدوه عليه وكلامها وجدا بمشيئة الله تعالى وقد عمل بمشيئة الله تعالى لكن من عمل بمشيئة المعصية فإنه ليس بها رضى ولا عدل في فعله وقوله فلم تجري عليه

